project.gov.uz

ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ

**Проект**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI QARORI**

**Фуқаро авиацияси соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида**

**VQL-5456/22-2**

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” 2021 йил 14 июлдаги ЎРҚ-701-сон Қонунига мувофиқ ҳамда фуқаро авиацияси соҳасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибини такомиллаштириш ва тизимлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

Фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификатини бериш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

Фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификатни бериш тартиби тўғрисида низом 4-иловага мувофиқ;

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш тартиби тўғрисида низом 5-иловага мувофиқ;

Фуқаро ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республика Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “____”____________даги
____ -сон қарорига
1-сон илова

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисида**
**НИЗОМ**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатант сертификатини (кейинги ўринларда эксплуатант сертификати деб юритилади) бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**парвоз маълумотлари таҳлили —** парвозларнинг хавфсизлик даражасини ошириш мақсадида қайд этилган парвоз маълумотлари таҳлилини амалга ошириш;

**инсон омили жиҳатлари —** инсон имкониятларини тегишлича ҳисобга олиш орқали инсон ва тизимнинг бошқа таркибий қисмлари ўртасида хавфсиз ўзаро муносабатни таъминлашга қаратилган авиацияда лойиҳалаш, сертификатлаш, кадрларни тайёрлаш, техник хизмат кўрсатиш ва фаолият жараёнларига қўлланиладиган тамойиллар;

**рўйхатдан ўтказилган давлат —** ҳаво кемаси реестрига киритилган давлат;

**аризачи —** эксплуатант сертификатини бериш (амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, қайта расмийлаштириш, ўзгартириш, бекор қилиш) учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига (кейинги ўринларда “Ўзавиация” агентлиги деб юритилади) ариза билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**ахборот тизими — “**Лицензия” махсус электрон тизими, Ўзбекистон Республикасининг ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқалар;

**ер устида хизмат кўрсатиш — ҳаво кемасининг** аэропортга қўниши
ва унинг аэропортдан учиши учун талаб қилинадиган хизмат кўрсатиш, самолёт ҳаракатига хизмат кўрсатиш бундан мустасно;

**хавфли юклар —** соғлиққа, хавфсизликка, мулкка ёки атроф-муҳитга таҳдид солиши мумкин бўлган буюмлар ёки моддалар;

**минимал ускуналар рўйхати —** лойиҳаловчи томонидан тасдиқланган ҳаво кемаси тури учун минимал ускуналарнинг асосий рўйхатига мувофиқ ҳаво кемаси эксплуатанти томонидан ишлаб чиқиладиган, ускуна таркибий қисми ишдан чиққан ҳолатда муайян шароитларда ҳаво кемасини фойдаланишни назарда тутадиган ҳужжат;

**техник хизмат кўрсатиш дастури —** техник хизмат кўрсатиш ва уларни бажариш муддатига доир, шунингдек ҳаво кемасидан хавфсиз фойдаланиш учун керакли тадбирлар билан

боғлиқ муайян режали ишлар рўйхатини ўз ичига олган ҳужжат;

**эксплуатант сертификатлар реестри** — берилган, узайтирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, бекор қилинган, қайта расмийлаштирилган ва чақириб олинган маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари.

**ер устида хизмат кўрсатишга доир қўлланма –** ҳаво кемасининг муайян турларига ва моделларига қўлланиладиган тадбирлар ва хизмат кўрсатиш юзасидан чекланишлар, ёнилғи қуйиш, юк ортиш ва тушириш, парвоздан олдинги ва парвоздан кейинги текширувларни ўз ичига олган ҳужжат;

**парвозларни амалга оширишга доир қўлланма –** авиация ходимлари томонидан ўз вазифаларини бажаришда фойдаланиш учун қоидалар, йўриқномалар ва тавсияларни ўз ичига олган ҳужжат;

**ҳаво кемасининг парвозидан фойдаланишга доир қўлланма –** ҳаво кемасининг парвозларга яроқлилиги тўғрисида гувоҳномаларга тегишли ва ҳаво кемаси парвозларга яроқли деб ҳисобланадиган доирадаги чекланишларни, шунингдек ҳаво кемасидан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун учувчилар экипажи аъзоларига керакли йўриқномалар ва ахборотни ўз ичига олган ҳужжат;

**ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма –** одатдаги, штатдан ташқари ва авария вазиятларида ҳаракатлар тартибини, назорат хариталарини, чекланишларни, учиш-техник тавсифлар тўғрисидаги ахборотни ва ҳаво кемаси тизимлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ҳаво кемасидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа материалларни ўз ичига олган ҳужжат;

**ҳаво кемаси эксплуатантининг техник хизмат кўрсатишни бошқаришга доир қўлланмаси –** ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш бўйича барча режали ва режадан ташқари ишларнинг ўз вақтида ва қониқарли бажарилишини бошқариш имкониятини таъминлайдиган тартиботлар рўйхатини ўз ичига олган ҳужжат;

**эксплуатант сертификати – юридик ёки жисмоний шахсга фуқаро** ҳаво кемасидан фойдаланиш билан боғлиқ фуқаро авиациясида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсат берувчи хусусиятли ҳужжат;

**парвозларнинг хавфсизлигига доир ҳужжатлар –** ҳаво кемаси эксплуатантининг ҳаво кемасидан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун керакли тизимлаштирилган шаклдаги ахборотни ўз ичига олган ўзаро боғлиқ ҳужжатлар рўйхати;

**парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизими –** парвозлар хавфсизлигини бошқаришга тизимли ёндашув, шу жумладан керакли ташкилий тузилиш, жавобгарлик иерархияси, бошқарув тамойиллари ва тартиботлари;

**ҳаво кемаси эксплуатанти** (бундан буён матнда “эксплуатант” деб юритилади) – ҳаво кемасига мулкий ҳуқуқда ёки бошқа мулкий ҳуқуқда эгалик қилувчи, ҳаво кемасидан фойдаланишни амалга ошириш қобилияти эксплуатант сертификати билан тасдиқланган юридик ёки жисмоний шахс;

**фойдаланиш спецификациялари –** эксплуатант сертификатига ажралмас илова бўлиб, уларда эксплуатант сертификати билан боғлиқ ва парвозларни амалга оширишга доир қўлланмада қайд этилган шартларга боғлиқ ечимлар, шарт-шароитлар ва чекланишлар кўрсатилади.

3. Ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларга мувофиқ шакл ва схемаси бўйича эксплуатант

сертификати берилади.

4. “Ўзавиация” агентлиги томонидан ҳаво кемасидан фойдаланиш билан боғлиқ фуқаро авиациясида фаолиятини амалга ошириш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда эксплуатант сертификати берилади. Эксплуатант сертификати жисмоний шахсга фақат унинг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун берилади.

5. “Ўзавиация” агентлиги директори (директор ўринбосари) ёки “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан эксплуатант сертификати имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Халқаро парвозларни амалга ошириш учун бериладиган эксплуатант сертификати инглиз тилидаги таржимасига эга бўлиши лозим.

Парвозларни амалга ошириш пайтларида эксплуатант сертификатининг тасдиқланган нусхаси ва фойдаланиш спецификацияларининг нусхаси ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги эксплуатант сертификати бўлмаган ҳолларда ҳаво кемасига парвозларни амалга оширилиши тақиқланади.

Ҳаво кемасининг ҳужжати ҳисобланган эксплуатант сертификатининг нусхаси “Ўзавиация” агентлигининг масъул мутахассиси имзоси билан тасдиқланади.

6. Эксплуатант сертификатига ушбу Низомнинг 3-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилган фойдаланиш спецификациялари илова қилинади. Фойдаланиш спецификацияларининг ҳар бир варағи “Ўзавиация” агентлиги директорининг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

7. Эксплуатант сертификати икки ёки ундан кўпроқ юридик (жисмоний) шахсларга берилиши мумкин эмас ва бошқа шахсга берилмайди.

8. “Ўзавиация” агентлиги бошқа давлат томонидан берилган эксплуатант сертификатини ҳақиқий деб эътироф қилади, агар бундай эксплуатант сертификати берилган талаблари Халқаро фуқаро авиацияси ташкилот (кейинги ўринларда ИКАО деб юритилади) стандартларига жавоб берса.

9. Эксплуатант фақат амалдаги эксплуатант сертификати мавжуд бўлган ҳолатда ва фойдаланиш спецификацияларидаги шартлар ва чекланишларга мувофиқ ҳаво кемасидан фуқаро авиациясида фаолиятни амалга ошириш мақсадларида фойдаланиши мумкин.

10. “Ўзавиация” агентлиги эксплуатант учун белгиланган рухсат беришга доир талаблар ва шартларга риоя этилишини назорат қилади.

11. Эксплуатант сертификати уч йил муддатга берилади.

## 2-боб. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар

12. Эксплуатант томонидан фаолиятини амалга оширишда рухсат беришга доир талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

б) ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

в) эксплуатант сертификатини олиш, қайта расмийлаштириш

ва муддатини узайтириш учун учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

г) юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;

д) ҳаво кемаси эксплуатанти ушбу Низомнинг 5-иловада белгиланган рухсат беришга доир талаблари ва шартларига жавоб бериши.

## 3-боб. Эксплуатант сертификатини олиш учун зарур бщлган ҳужжатлар

13. Аризачи эксплуатант сертификатини олиш учун “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Низомнинг 6-иловага мувофиқ шаклда эксплуатант сертификатини бериш тўғрисида ариза ёки паспортнинг 5-бандига асосан ахборот тизимига маълумот киритилади;

б) ушбу Низомнинг 7-иловага мувофиқ ҳужжатлар.

14. “Ўзавиация” агентлиги белгиланган тартибда эксплуатант сертификатини бериш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни ҳамда ахборотни Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан мустақил равишда “ягона дарча” принципи бўйича идоралараро электрон ҳамкорлиги орқали олади.

Аризачидан ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

15. Эксплуатант сертификатини олиш учун зарур бўлган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Агар ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар бевосита “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилса аризачи томонидан ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза расмийлаштирилади ёки ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилаётган бўлса паспортнинг 5-бандига асосан маълумот киритилади.

16. “Ўзавиация” агентлигига бевосита тақдим этилган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилинади, ушбу рўйхатда ҳужжатларнинг номи, варақлар сони кўрсатилади. Ҳужжатлар рўйхатининг битта нусхаси қабул қилинган сана тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда зудлик билан аризачига тақдим этилади (юборилади).

Ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда, ахборот тизим орқали тақдим этилаган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар иш вақтидан кейин, дам олиш ёки байрам кунлари келиб тушганда навбатдаги иш куни “Ўзавиация” агентлигига келиб тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

## 4-боб. Аризани кўриб чиқиш ва эксплуатант сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш

17. “Ўзавиация” агентлиги томонидан эксплуатант сертификатини бериш тўғрисидаги аризани қўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

18. “Ўзавиация” агентлиги ушбу Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кунидан ошмаган муддатда аризани кўриб чиқади ва эксплуатант сертификатини беради ёки беришни рад этади.

19. Эксплуатант сертификатини бериш ёки унинг берилишини рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун “Ўзавиация” агентлиги аризага илова қилинган ҳужжатларни баҳолашни ва аризачининг сертификатлаш текширувини амалга оширади.

20. Ҳужжатларнинг баҳоланиши ариза қабул қилинган санадан бошлаб ўн тўрт иш куни мобайнида амалга оширилади.

21. Ҳужжатларнинг баҳоланишида уларнинг бутлиги ва эксплуатантга белгиланган фаолиятига доир рухсат берувчи талаблари ва шартларига мувофиқлиги текширилади.

22. Сертификатлаш текшируви аризачининг ҳаво кемаси жойлашган манзилда рухсат берувчи талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

23. Сертификатлаш текшируви “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан тайинланган комиссия томонидан ўтказилади, ушбу буйруқда комиссия таркиби, дастури ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилади.

24. Ҳужжатлар баҳолангандан ва комиссия тайинланганидан сўнг сертификатлаш текшируви олти иш куни мобайнида ўтказилади.

25. Сертификатлаш текшируви натижалари текширувнинг барча йўналишлари бўйича ҳисоботлар шаклида расмийлаштирилади ва аризачига топширилади.

Ҳисоботларда акс эттирилган эксплуатант сертификатини беришга тўсқинлик қиладиган номувофиқликлар, аризачи ҳисоботларни олган кундан бошлаб ўттиз иш куни мобайнида бартараф қилиши ва “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиши мумкин.

26. Комиссия беш иш куни мобайнида аризачи томонидан тақдим қилинган номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади ва эксплуатант сертификатини бериш учун аризани кўриб чиқиш якунлари, комиссия хулосалари ва тавсиялари акс эттириладиган мажмуи хулосани расмийлаштиради. Мажмуи хулоса комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва “Ўзавиация” агентлиги директорининг ўринбосари томонидан тасдиқланади. Мажмуи хулосанинг нусхаси аризачига юборилади.

27. “Ўзавиация” агентлиги ҳужжатлар баҳолаш ва сертификатлаш текшируви натижаларига асосан аризачига эксплуатант сертификатини беради ёки эксплуатант сертификатини беришини рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Агар “Ўзавиация” агентлиги аризачининг эксплуатант сертификатини бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида аризачига эксплуатант сертификатини бермаса ва уни беришни рад этмаса, ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган муддат ўтганидан кейин аризачи амалга оширилиши учун эксплуатант сертификатини олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда “Ўзавиация” агентлигини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади. Бундай ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризачига эксплуатант сертификатини бериши лозим.

Бунда аризачи эксплуатант сертификатсиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда “Ўзавиация” агентлиги эҳтимол тутилган барча

оқибатлар учун жавобгар бўлади.

28. Аризачига қуйидаги ҳолларда эксплуатант сертификатини бериш рад этилиши мумкин:

аризачи томонидан эксплуатант сертификатини бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки ишончсиз маълумотлар мавжудлиги;

аризачи рухсат бериш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги;

аризачининг сертификатлаш текшируви натижалари асосида асосланган салбий хулоса мавжудлиги.

Эксплуатант сертификатини беришни мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ёхуд бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

29. Ушбу Низом 28-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек, аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда аризачига камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарномани ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади).

Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

Хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, “Ўзавиация” агентлиги эксплуатант сертификатини беришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда эксплуатант сертификатини беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

30. Эксплуатант сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади). Аризачи рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат эксплуатант сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

31. Аризачи томонидан эксплуатант сертификатини бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, эксплуатант сертификатини бериш ёхуд уни беришни рад этиш аризачининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда “Ўзавиация” агентлиги томонидан амалга оширилади. Аризани такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

32. Ҳужжатлар такрорий кўриб чиқилишида Агентлик томонидан аризачига олдинги ёзма

шаклда баён қилинган рад этиш сабабларининг келтирилиши мумкин эмас, олдинги кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

33. Эксплуатант сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин аризачи томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва “Ўзавиация” агентлиги томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

34. Аризачи эксплуатант сертификатини бериш рад этилганлиги, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**5-боб. Эксплуатант сертификатини қайта расмийлаштириш, ўзгартириш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш**

35. Эксплуатант сертификатини қайта расмийлаштириш ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 30 ва 31-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

36. Агар эксплуатант сертификати йўқолган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилган тақдирда аризачининг аризаси асосида қайта расмийлаштирилган (янги) эксплуатант сертификати берилади.

37. Эксплуатант сертификатини қайта расмийлаштириш, ўзгартириш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун эксплуатант “Ўзавиация” агентлигига ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган тартибда тегишли ҳужжатлар илова қилинган аризани ва яроқсиз ҳолга келган тақдирда эксплуатант сертификатининг асл нусхасини тақдим этади.

38. Эксплуатант сертификатининг амал қилиш муддати узайтириш тўғрисидаги ариза “Ўзавиация” агентлигига унинг амал қилиш муддати тугагач топширилиши керак.

39. Эксплуатант сертификатини қайта расмийлаштириш ва бериш тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда эксплуатант сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

40. Эксплуатант сертификатини ўзгартириш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш эксплуатант сертификатини бериш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

41. Эксплуатант сертификатини қайта расмийлаштириш, ўзгартириш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун йиғим ундирилмайди.

**6-боб. Эксплуатант сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш**

42. Эксплуатант сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 32, 33 ва 34 моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

43. Эксплуатант сертификатини бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган бир марталик қўпол равишда бузилирига қуйидагилар киради:

ҳаво кемасидан, двигателлар ёки уларнинг агрегатларидан белгиланган ресурслар ва

хизмат муддатларидан юқори фойдаланиш;

носоз ҳаво кемасида парвозларни амалга ошириш;

махсус тайёргарликка ва/ёки тегишли амалдаги авиация мутахассиси гувоҳномасига эга бўлмаган шахсларга парвозларни амалга ошириш ёки авиация техникасига хизмат кўрсатиш учун рухсат бериш;

учувчи экипаж таркиби аъзолари томонидан белгиланган парвоз иш вақти ва дам олиш вақти меъёрларининг бузилиши;

ташкилий, таъминлаш, фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш ва авиация ҳалокатига олиб келган парвозларни амалга ошириш қоидаларини бузиш;

учувчи экипаж таркиби аъзоларини тайёрлаш, малакасини доимий қўллаб-қувватлаш ва ошириш бўйича белгиланган мажбурий талабларнинг бузилиши;

фуқаро авиациясида текширилиши лозим бўлган авиация ҳалокатлар ва инцидентларини яшириш;

фуқаро ҳаво кемасининг конструкциясига белгиланган тартиб-қоидаларни бузган ҳолда парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ўзгартиришларни киритиш;

авиация хавфсизлиги юзасидан парвоздан олдинги текширувдан ўтказилмаган йўловчиларни, қўлдаги юкларни, багажни, юкларни, почтани, борт захираларини ташиш;

йўловчиларни, багажни ёки юкларни ташиш бўйича эксплуатацион чекловлари бузилиши, ҳаво кемасининг юк ортиш ёки йўловчилар кабиналарининг меъёрдан юқори юкланиши.

**7-боб. Эксплуатант фаолиятини назорат қилиш**

44. Эксплуатант фаолиятини назорат қилиш эксплуатант сертификатини бериш учун белгиланган эксплуатантнинг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга жорий мувофиқлигини баҳолаш мақсадида инспекция текширувларини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 48, 49 ва 51-моддаларида назарда тутилган шаклида амалга оширилади. Инспекция текширувининг натижалари ҳисоботлар шаклида расмийлаштирилади.

45. Эксплуатантлар инспекция текширувларининг қуйидаги турлари белгиланади:

перрондаги инспекция;

маршрутдаги (парвоздаги) инспекция;

асосий объектлар (шу жумладан, аэропортларда, шу жумладан чет эл давлатлари ҳудудида эксплуатантнинг вақтинча жойлашган таркибий бўлинмалари) инспекцияси.

46. Эксплуатантлар инспекция текширувлари қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

перрондаги инспекция - уч ойда бир мартадан кам бўлмаган муддатда;

маршрутдаги (парвоздаги) инспекция - уч ойда бир мартадан кам бўлмаган муддатда;

асосий объектлар инспекцияси - йилига бир мартадан кам бўлмаган муддатда.

47. Агар эксплуатант томонидан эксплуатант сертификатини бериш учун белгиланган рухсат беришга доир талаблар ва шартлар бузилган ҳолатда, “Ўзавиация” агентлиги аниқланган қоида бузилишларни белгиланган муддатларда бартараф этиш кераклиги тўғрисида

эксплуатантни огоҳлантиришга ҳақли.

## 8-боб. Эксплуатант сертификатлар реестрини юритиш тартиби

48. Эксплуатант сертификатлар реестри ахборот тизими воситасида электрон шаклда юритилади. Реестрдаги ахборот очиқдир.

49. “Ўзавиация” агентлиги эксплуатант сертификатлар реестрини доимий асосда юритади ҳамда унга тегишли ўзгартишларни киритади.

## 9-боб. Якунловчи қоида

50. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низомга

1-сон Илова

**Эксплуатант сертификатини бериш**

**СХЕМАСИ**

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Чора-тадбирлар** | **Бажариш муддати** |
| --- | --- | --- | --- |
| 1-босқич | Аризачи | 1. Мазкур Низомда назарда тутилган рўйхатга мувофиқ эксплуатант сертификатини олиш учун керакли ҳужжатларни тайёрлайди.<br>2. Агентликка бевосита почта алоқаси воситаси ёки электрон шаклда (электрон рақамли имзо билан тасдиқланади) олинганлиги ҳақида билдириш хати билан ариза ва ҳужжатларни тақдим қилади. | Аризачининг хоҳиш-истагига асосан |
| 2-босқич | Агентлик | 1. Ҳужжатларни рўйхат асосида қабул қилади, уларнинг нусхалари Аризачига юборилади (топширилади) ёки электрон шаклда (электрон рақамли имзо билан тасдиқланади) ҳужжатлар қабул қилинган сана ҳақида белги қўйилган ҳолда юборилади.<br>2. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар баҳоланишини амалга оширади. | 1. Ҳужжатлар қабул қилинган кунда.<br>2. Ариза олинган кундан эътиборан 14 иш куни мобайнида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3-босқич | Агентлик | Аризачининг сертификациявий текширувини амалга ошириш учун комиссия ташкил этиш тўғрисида буйруқ чиқаради, ушбу буйруқда комиссия таркиби, дастури ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилади. | 2 иш куни мобайнида |
| | | 1. Сертификациявий текширувини амалга оширади.<br>2. Текширув натижалари бўйича ҳисоботларни расмийлаштиради ва Аризачига топширади. | 6 иш куни мобайнида |
| 4-босқич | Аризачи | Ҳисоботларда акс эттирилган номувофиқликларни бартараф этади ва бу ҳақда Агентликни хабардор қилади. | Ҳисоботлар олинган кундан эътиборан 30 иш куни мобайнида |
| | Агентлик | 1. Аризачи томонидан тақдим қилинган номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади, зарур ҳолларда, такрорий текширув ўтказади.<br>2. Аризачининг белгиланган талаблар ва шартларга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилади, мажмуи хулосани тайёрлайди. | 5 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5-босқич | Агентлик | 1. Ижобий хулоса қилинган ҳолатда, Аризачига эксплуатант сертификатини топширади.<br>2. Салбий хулоса қилинган ҳолатда, Аризачига эксплуатант сертификатини бериш рад қилинганлиги тўғрисида ёзма шаклда сертификатни бериш рад қилинганлигининг асосли сабаблари ва муддати (30 кун) кўрсатилган ҳолда билдириш хати юборилади, ушбу муддат мобайнида Аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такрорий кўриб чиқиш учун ариза бериши мумкин. | Қарор қабул қилинганидан сўнг бир кунлик муддатда |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6-босқич<br>(зарур ҳолларда) | Аризачи | Агентликка эксплуатант сертификати берилишини рад этиш сабабларини бартараф қилиш тўғрисида ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни тақдим қилади. | 30 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда |
| | Агентлик | Аризанинг такрорий кўриб чиқилишини амалга оширади. Эксплуатант сертификати берилишини рад этиш учун асос бўлган сабаблар белгиланган муддатларда Аризачи томонидан бартараф этилган ҳолатда, Аризачига эксплуатант сертификати топширилади, бартараф этилмаган ҳолатда эса, эксплуатант сертификатини бериш рад этилиши тўғрисида эксплуатант сертификатини бериш рад этилишининг асосли сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда билдириш хати юборилади. | 5 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда |

Ўзбекистон Республикаси фуқаро
авиациясида эксплуатант сертификатини
бериш тартиби тўғрисида Низомга

2-илова

| **ЭКСПЛУАТАНТ СЕРТИФИКАТИ** | | |
|---|---|---|
| [1] | **Ўзбекистон Республикаси**<br>**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси агентлиги** | [1] |
| Эксплуатант сертификати рақами | **Эксплуатант номи** | **Фойдаланишда оператив алоқа** |
| | Тижорат номи: [2]<br>Эксплуатант манзили: [3] | Телефон: [6]<br>Факс:<br>E-mail: |
| Амал қилиш муддати тугайдиган сана: [4] | Телефон: [5]<br>Факс: | Бошқа маълумотлар: |
| | E-mail: | Ахборот ……..да келтирилган [7] |
| Мазкур Сертификат Парвозларни амалга ошириш қўлланмасига ва ………га [10] мувофиқ, илова қилинган фойдаланиш спецификацияларида белгиланганидек, ………га [8] …………………………………………ни амалга ошириш ҳуқуқи берилганлигини тасдиқлайди. [9] | | |
| Берилган сана ………… [11] Фамилияси ва имзоси: ………… [12]<br>Лавозими: | | |

Изоҳ:

1. Давлат томонидан эксплуатантдан фойдаланиш учун.

2. Агар эксплуатантнинг номи бошқа бўлса, унинг тижорат номи.

3. Эксплуатантнинг асосий фаолият жойи манзили.

4. Эксплуатант сертификатининг амал қилиши тўхтатиладиган сана (кун-ой-йил).

5. Эксплуатантнинг асосий фаолият жойи телефон ва факс рақамлари, шу жумладан мамлакат коди. Агар мавжуд бўлса, электрон почта манзили кўрсатилиши керак.

6. Парвозларни амалга ошириш ёки фойдаланиш спецификациялари маълумотларига тегишли масалалар бўйича эксплуатантнинг оператив раҳбарияти билан дарҳол боғланиш имконини берувчи телефон ва факс рақамлари, шу жумладан мамлакат коди, агар мавжуд бўлса, электрон почта манзили ва бошқа алоқа турлари.

7. Эксплуатантнинг оператив раҳбарияти билан алоқа бўйича контакт ахбороти келтирилган ҳаво кемаси бортидаги тегишли банд ёки саҳифага ҳавола қилинган ҳужжат кўрсатилиши керак.

8. Эксплуатантнинг рўйхатдан ўтказилган номи.

9. Амалга оширилаётган фаолият тури кўрсатилади.

10. Эксплуатант давлатининг тегишли авиация қоидаларига ҳавола қўйилади.

11. Эксплуатант сертификати берилган сана (кун-ой-йил).

12. Агентлик вакилининг лавозими, фамилияси ва имзоси. Эксплуатант сертификатига расмий муҳр босилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низомга

3-илова

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **ФОЙДАЛАНИШ СПЕЦИФИКАЦИЯЛАРИ** | | | | |
| **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги** | | | | |
| Телефон: [1] | | Факс: | E-mail: | |
| | | | | |
| Эксплуатант сертификати рақами [2] | Эксплуатант номи: [3] | | Сана: [4] | Имзо |
| Ҳаво кемасининг модели: [5] | | | | |
| Парвозлар турлари: | □ Йўловчилар: □ Юклар: □ Бошқа: [6] | | | |
| Парвозлар ҳудуд(лар)и: [7] | | | | |
| Махсус чекловлар: [8] | | | | |
| **Махсус рухсатлар:** | **Ҳа** | **Йўқ** | **Махсус тасдиқлар [9]** | **Изоҳлар** |
| Кўриниш ёмон шароитларда парвозлар (об-ҳаво ёмон шароитларда парвозлар) Кўтарилиш, қўнишга кириш ва қўниш | | | CAT [10] DH: ...ft RVR: ...м RVR [11] ...м | |
| EDTO □ Қўлланилмайди [12] | | | [13] Чегара вақти:___ дақиқа. Захира аэродромигача максимал парвоз вақти:______ дақиқа. | |
| Хавфли юклар | | | | |
| RVSM □ Қўлланилмайди [14] | | | | |
| MNPS [15] | | | | |
| PBN шароитларида навигация [16] | | | | |
| Парвозга яроқлиликни таъминлаш [17] | | | | |
| Бошқа маълумотлар [18] | | | | |

Изоҳ:

1. Ваколатли органнинг телефон ва факс рақамлари, шу жумладан мамлакат коди. Агар мавжуд бўлса, электрон почта манзили кўрсатилиши керак.

2. Тегишли эксплуатант сертификатининг рақами кўрсатилади.

3. Эксплуатантнинг рўйхатдан ўтказилган номи кўрсатилади.

4. Фойдаланиш спецификациялари берилган сана (кун-ой-йил) ва Агентлик вакилининг имзоси.

5. Тижорат авиацияси парвозларининг хавфсизлиги гуруҳи (CAST)/ИКАО томонидан қабул қилинган ҳаво кемасининг тури, модели ва агар серия белгиланса, ҳаво кемасининг серияси белгиси кўрсатилади (масалан, “Боинг-737-3К2” ёки “Боинг-777-232”).

6. Кўрсатилиши лозим бўлган бошқа турдаги ташишлар (масалан, тез тиббий ёрдам кўрсатиш).

7. Рухсат берилган парвозларнинг географик ҳудудлари рўйхати (географик координаталар ёки муайян маршрутлар, парвоз ахбороти ҳудудларининг чегаралари, давлат чегаралари ёки регионлар чегаралари кўрсатилади).

8. Қўлланиладиган махсус чекловлар рўйхати (масалан, фақат ПВП, фақат кундузги вақтда ва б.).

9. Ушбу устунда ҳар бир тасдиқлаш ёки тасдиқлаш тури учун энг мос мезонларни рўйхатини (тегишли мезон билан) қайд этиш.

10. Қўнишга аниқ киришларнинг қўлланиладиган тоифаларини кўрсатиш: CAT I, II, III ИКАО. RVR минимал миқдори метрда ва қарор қабул қилиш нисбий баландлиги футда кўрсатилади.

11. Кўтарилиш учун тасдиқланган RVR минимал миқдори метрда кўрсатилади. Агар турли тасдиқлар тақдим қилинган бўлса, тасдиқлаш учун бир сатрдан фойдаланиш мумкин.

12. Агар захира аэродромига ўтиш (EDTO) вақти кўпайтирилган парвозларни амалга ошириш тасдиқланиши қўлланилмаса, “Қўлланилмайди” катагига белги қўйилади. Акс ҳолда, захира аэродромигача парвознинг чегара вақти ва максимал вақти кўрсатилиши керак.

13. Захира аэродромигача парвознинг чегара вақти ва максимал вақти.

14. Вертикал эшелонлаш қисқартирилган минимуми шароитларидаги парвозлар. “Қўлланилмайди” катаги (N/A) ҳаво кемасининг максимал юқори нуқтаси 290 парвоз эшелонидан паст бўлган ҳолатдагина белгиланиши мумкин.

15. Минимал навигацион воситалар мавжуд бўлган ёки бўлмаган ҳаво бўшлиғидаги парвозлар.

16. PBN тавсифларга асосланган навигация. Битта сатрдан навигацион спецификациялар бўйича ҳар бир рухсат учун фойдаланилади.

17. Ҳаво кемасининг парвозга яроқлигини таъминловчи ташкилот номини ҳамда бу борада ўтказиладиган ишларни меъёр ва қоидалари асосларини кўрсатиш.

18. Ушбу жойда бошқа рухсатлар ёки маълумотлар, шу жумладан ҳаво кемасининг рўйхатдан ўтказилган рақами кўрсатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низомга

4-илова

## Ҳаво кемаларига эксплуатант сертификатини олиш

## ПАСПОРТИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:** | Эксплуатант сертификати |
| 2. | **Амалага оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):** | Фуқаро авиациясида ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш |
| 3. | **Ариза берувчилар тоифаси:** | Юридик ёки жисмоний шахс |
| 4. | **Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:** | “Ўзавиация” агентлиги |
| 5. | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:** | а) ариза<br>Аризада қуйидагилар акс эттирилади<br><br>кераклигини танланг:<br>Эксплуатант сертификатини беришингизни<br>Эксплуатант сертификатининг амал қилиш муддатини узайтиришингизни<br>Эксплуатант сертификатини қайта расмийлаштиришингизни<br>Эксплуатант сертификатини қайта ўзгартиришингизни<br>Эксплуатант сертификатининг амал қилишини тиклашингизни ўзгартириш<br>Эксплуатант сертификатининг амал қилишини тўхтатишингизни<br>Эксплуатант сертификатини бекор қилишингизни<br><br>Аризачи тўғрисида маълумотлар<br>**Юридик шахслар учун:**<br>1. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи:<br>2. Жойлашган манзили (почта манзили):<br>3. Телефон/телефакс рақамлари:<br><br>**Жисмоний шахслар учун:**<br>1. Фамилияси, исми, отасининг исми:<br>2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:<br>3. Турар жой манзили:<br>4. Телефон/телефакс рақамлари:<br>5. СТИР:<br><br>б) аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади<br><br>**Юридик шахслар учун**<br>1. Ҳаво кемаси жойлашган манзил, таклиф қилинадиган парвозлар ва фаолият турлари, фойдаланиш географик зоналари (регионлари) ҳақида маълумотлар.<br>2. Аризачи ташкилоти ва бошқармасининг тасдиқланган таркибий схемаси.<br>3. Ҳаво кемасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар.<br>4. Ушбу Низомга 5-илованинг 5-бандида кўрсатилган маъмурий-бошқарув ходимлари бўйича уларнинг ўрнини босувчи шахслар лавозимлари, фамилияси, уларнинг малакалари ва фуқаро авиациясида тегишли раҳбарлик ишидаги тажрибаси кўрсатилган маълумотлар.<br>5. Авиация экипажлари таркиби ва техник-муҳандис ходимларнинг малакалари ва рухсатномалари тўғрисида номма-ном маълумотлар.<br>6. Фойдаланиладиган ҳаво кемаларининг тури, модели, серияси, таниш белгилари, парвозга яроқлилик ҳолати кўрсатилган маълумотлар.<br>7. Ҳаво кемалари жойлашган аэропортда парвозларни таъминлаш турлари учун шартномалар нусхалари.<br>8. Барча турдаги мажбурий суғурталаш бўйича суғурта полислари нусхалари.<br>9. П**арвозларни амалга оширишга доир қўлланма,** ҳаво кемаси **эксплуатантининг техник хизмат кўрсатишни бошқаришга** доир қўлланмаси, ҳаво кемасига ер устида хизмат кўрсатишга доир қўлланма, хавфли юкларни ташиш бўйича таълим ва тартиботларга доир қўлланма, ҳаво кемаси оғирлиги ва марказланишини ростлашга доир қўлланма, экипажнинг ер устида ва парвоздаги тайёргарлик дастури, эксплуатантнинг авиация **хавфсизлигини таъминлаш дастури.**<br>10. Ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), техник хизмат кўрсатиш дастури (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), минимал ускуналар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), асосий минимал ускуналар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), конфигурациядан оғишлар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун).<br><br>**Жисмоний шахслар учун**<br>1. Ҳаво кемаси жойлашган манзил, таклиф қилинадиган парвозлар, парвозларнинг географик зоналари (регионлари) ҳақида маълумотлар.<br>2. Ҳаво кемасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар.<br>3. Аризачининг ҳаво кемасида парвозларни бажариш учун малакалари ва рухсатномалари тўғрисида маълумотлар.<br>4. Ҳаво кемаларининг тури, модели, серияси, таниш белгилари, парвозга яроқлилик ҳолати кўрсатилган маълумотлар.<br>5. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича ташкилот билан тузилган шартнома нусхалари.<br>6. Ҳаво кемалари жойлашган аэропортда парвозларни таъминлаш турлари учун шартномалар нусхалари.<br>7. Барча турдаги мажбурий суғурталаш бўйича суғурта полислари нусхалари.<br>8. **Парвозларни амалга оширишга доир қўлланма,** ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма, авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма, ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастури, **эксплуатантнинг** авиация **хавфсизлигини таъминлаш дастури**. |
| 6. | **Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Йиғим ундирилмайди |
| 7. | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:** | Йиғим ундирилмайди |
| 8. | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | Ўттиз кунидан ошмаган муддатда |

| | | |
|---|---|---|
| 9. | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | Эксплуатантга қўйиладиган рухсат берувчи талаблар ва шартлар<br><br>I. Юридик шахс учун:<br>1. Эксплуатант ҳаво кемасига (мулкка эгалик ҳуқуқларида ёки экипажсиз ижара шартларида), парвозларни ташкиллаштириш, амалга ошириш ва таъминлаш учун авиация ходимларига ва ишлаб чиқариш базасига эга бўлиши керак. Эксплуатантнинг асосий фаолият юритиш ва ҳаво кемасини жойлаштириш манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши керак.<br>2. Эксплуатантнинг ҳаво кемаси белгиланган турлардаги ва регионлардаги парвозларни амалга ошириш учун тегишли равишда жиҳозланган бўлиши, авиация ходимлари эса зарур малакага ва тайёргарликка эга бўлишлари керак.<br>3. Эксплуатант белгиланган турдаги фаолиятни амалга ошириш учун етарлича молиявий ресурслар мавжудлигини тасдиқлаши керак.<br>4. Эксплуатант қуйидагиларга эга бўлиши керак:<br>авиация хизмати;<br>техник хизмат;<br>ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлинмаси ёки парвозларни ташкилий таъминлаш бўйича тегишли равишда тайёрланган ходим (диспетчер);<br>парвозлар хавфсизлиги бўйича инспекция ёки парвозлар хавфсизлиги бўйича эксплуатант раҳбарининг ўринбосари (маслаҳатчиси);<br>авиация хавфсизлик хизмати ёки авиация хавфсизлиги бўйича эксплуатант раҳбарининг ўринбосари;<br>ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишларини ташкиллаштириш хизмати ёки ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишларини ташкиллаштириш учун масъул тегишли равишда тайёрланган ходим;<br>тиббий бўлинма ёки парвозларнинг тиббий таъминотини ташкиллаштириш учун масъул шифокор;<br>парвозларнинг қидирув, авария-қутқарув таъминот хизмати ёки парвозларнинг авария-қутқарув таъминоти учун масъул тегишли равишда тайёрланган ходим;<br>аэронавигацион таъминот хизмати ёки аэронавигацион таъминотни ташкиллаштириш учун масъул тегишли равишда тайёрланган ходим.<br>5. Эксплуатант қуйидагилар учун масъул маъмурий-бошқарув ходимларига эга бўлиши керак:<br>ҳаво кемасидан авиацияда фойдаланиш ва авиация ишларини ташкиллаштириш қоидаларига риоя этиш (фуқаро авиацияси учувчисининг амалдаги гувоҳномаси билан);<br>ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этиш ва ташкиллаштириш;<br>парвозларни ташкиллаштириш, режалаштириш ва амалга оширишнинг оператив назоратини таъминлаш;<br>ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишлари таъминланишини ташкиллаштириш;<br>авиация хавфсизлигини таъминлаш;<br>парвозлар хавфсизлигини таъминлаш назоратини ташкиллаштириш.<br>6. Эксплуатант ҳаво кемасининг экипажини ташкил этувчи, эксплуатантнинг белгиланган парвозлар дастурини бажариш учун етарли миқдорда ходимларга ва ҳаво кемаси эксплуатантининг техник хизмат кўрсатишни бошқаришга доир қўлланмасига мувофиқ ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш ва бажариш учун техник-муҳандис ходимларга эга бўлиши керак.<br>7. Авиация таркиби ва экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимлари, эксплуатантнинг техник-муҳандис ходимлари авиация мутахассисининг керакли малакавий белгилар ва рухсатлар қайд этилган амалдаги гувоҳномалари билан тасдиқланган тегишли махсус тайёргарликка ва малакага эга бўлишлари керак.<br>8. Эксплуатант меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек парвозлар хавфсизлигини ва авиация хавфсизлигини таъминлашга доир ахборотни олиш,<br>ўз авиация ходимларига етказиш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш тизимига эга бўлиши керак.<br>9. Эксплуатант парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизимига эга бўлиши керак. Эксплуатант парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизими доирасида раҳбарлик ва ўз авиация ходимлари томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган парвозларнинг хавфсизлигига доир ҳужжатлар тизимига эга бўлиши керак.<br>Максимал сертификатланган 27000 кг дан кўпроқ оғирликдаги ҳаво кемаси эксплуатанти парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизимининг таркибий қисми сифатида парвоз маълумотларини таҳлил қилиш дастурини ишлаб чиқиши ва бажариши шарт.<br>10. Эксплуатант ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишларини оператив бошқариш учун ҳар бир ҳаво кемаси билан алоқа мавжуд бўлишини таъминлаши керак. Ҳаво кемаси билан алоқа эксплуатант томонидан мустақил равишда ёки тегишли ишларни бажариш ҳуқуқига эга ташкилот билан шартнома асосида таъминланиши мумкин.<br>11. Эксплуатант хавфли юкларни ташиш учун қуйидагиларга эга бўлиши керак:<br>хавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича малака даражасини тасдиқловчи сертификатга, шунингдек эксплуатант номидан авиацияда хавфли юкларни ташиш учун рухсат бериш (рухсат беришни рад этиш) ҳамда хавфли юкларнинг синфига (тоифасига) қараб уларни ташиш шартлари тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга масъул мутахассис;<br>авиация таркиби ва экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимларида хавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича малака даражасини тасдиқловчи сертификат;<br>Агентлик томонидан тасдиқланган хавфли юкларни ташиш бўйича таълим ва тартиботларга доир қўлланма.<br>12. Эксплуатант ўзи фойдаланаётган ҳар бир ҳаво кемаси:<br>парвозга яроқли ҳолатда сақланишини;<br>режалаштириладиган парвоз учун керакли ишга яроқли фойдаланиш ва авария ускуналарига эга бўлишини;<br>фуқаро ҳаво кемаси парвозга яроқлилигининг амалдаги сертификатига эга бўлишини таъминлаши шарт.<br>13. Эксплуатант қуйидаги ахборот ҳисобга олиниши ва сақланишини таъминлаши керак:<br>ҳаво кемаси ҳамда чекланган ресурсли ва хизмат муддатли барча агрегатларидан умумий фойдаланиш вақти (тегишли равишда соатлар, календарь вақти ва цикллар);<br>барча мажбурий ахборотнинг мувофиқлиги тўғрисида, парвозга яроқлиликни сақлаш тўғрисидаги жорий маълумотлар;<br>модификациялар ва таъмирлашлар тўғрисида тегишли батафсил маълумотлар;<br>ҳаво кемаси ёки унинг агрегатлари сўнгги капитал таъмирлашдан кейин улардан фойдаланиш вақти (тегишли равишда соатлар, календарь вақти ва цикллар) тўғрисида маълумотлар;<br>ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастурининг бажарилиши тўғрисида жорий маълумотлар;<br>техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги далолатномани имзолашда барча талаблар бажарилганлигини тасдиқловчи техник хизмат кўрсатиш тўғрисида батафсил маълумотлар.<br>Мазкур банднинг еттинчи хатбошидан ташқари ахборот тегишли агрегат фойдаланишдан буткул олиб ташлангандан сўнг 90 кундан кам бўлмаган муддатда сақланиши керак.<br>Мазкур банднинг еттинчи хатбошида кўрсатилган ахборот техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг энг камида бир йил сақланиши керак.<br>Эксплуатант ўзгарган ҳолатда, мазкур бандда қайд этилган ахборот янги эксплуатантга тақдим қилиниши керак.<br>14. Максимал сертификатланган оғирлиги 5700кг дан кўпроқ бўлган ҳаво кемаси эксплуатанти техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш тажрибасини назорат қилиши, умумлаштириши ва баҳолаши ҳамда ҳаво кемасини ишлаб чиқувчига ҳаво кемасининг парвозга яроқлилигини таъминлашга салбий таъсирни юзага келтирадиган ёки юзага келтириши мумкин бўлган ишдан чиқишлар, носозликлар, нуқсонлар ва бошқа ҳодисалар тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиши шарт. Ҳаво кемасини ишлаб чиқувчидан ҳаво кемасининг парвозга яроқлилигини таъминлашга доир маълумотлар ва тавсиялар олганидан сўнг эксплуатант баҳолайди ва Агентлик томонидан белгиланган ҳаракатларни амалга оширади.<br>15. Эксплуатантнинг ҳаво кемасини барча модификациялари ва таъмирлаш ишлари ҳаво кемасининг парвозга яроқлилигига доир талабларга жавоб бериши керак.<br>16. Эксплуатант ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатилган ва техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги тегишли далолатнома Агентлик томонидан тасдиқланган ташкилот томонидан расмийлаштирилган ҳолатда, ҳаво кемасида парвозларни амалга оширади.<br>Агар ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш шартномага асосан ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан бажарилса, ушбу шартноманинг техник соҳалари Агентлик билан ўзаро мувофиқлаштирилиши керак.<br>17. Ҳаво кемаси парвозга яроқлилик меъёрларига асосан ва авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланмадаги фойдаланиш чекланишлари доирасида ишлатилиши керак.<br>18. Ҳаво кемаси экипажнинг учувчилар таркибига ҳаво кемаси парвозининг траекториясини назорат қилиш, қоидалар билан талаб қилинадиган ҳар қандай ҳаракатларни бажариш, кутилган фойдаланиш шароитларида ушбу ҳаво кемасига тегишли фойдаланиш чекловларига риоя этиш имконини берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиши керак.<br>19. Эксплуатант ҳаво кемасининг юкланишини парвозларни амалга оширишга доир қўлланмага ва эксплуатантнинг тегишли фойдаланиш ҳужжатларига қатъий мувофиқликда амалга оширади.<br>20. Эксплуатант авиация ходимларининг ўз функционал вазифалари доирасида авиация хавфсизлиги чора-тадбирлари билан танишиб чиқишларини таъминлайди ва эксплуатантнинг авиация хавфсизлигини таъминлаш дастури ходимлар томонидан бажарилишини ташкиллаштиради.<br>21. Эксплуатант экипажининг авиация таркиби хорижий мамлакатларнинг ўз вазифаларига тегишли ва учиб ўтиладиган ҳудудларга, фойдаланиладиган аэродромларга ва тегишли аэронавигацион воситаларга (халқаро парвозларни бажариш учун) қўлланиладиган қонунлари, қоидалари ва тартиботлари билан танишиб чиқиши керак.<br>22. Эксплуатант ҳар бир фойдаланиладиган ҳаво кемаси экипажининг учувчилар таркибини ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма ва авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма билан таъминлаши керак.<br>23. Эксплуатант экипажининг учувчилар таркиби ҳаво кемаси бортида уларнинг ҳаво кемаси учиб ўтадиган ҳудудда қидирув-қутқарув хизматларига тегишли барча зарур ахборотга эга бўлиши керак.<br>24. Эксплуатант экипажининг учувчилар таркиби радиотелефон алоқа юритишда ишлатиладиган инглиз тилида сўзлашиши ва уни тегишли даражада тушуниши шарт (халқаро парвозларни бажариш учун).<br>25. Эксплуатант экипажининг учувчилар таркиби ва хизмат кўрсатувчи таркиби ўз муайян вазифалари ва жавобгарликлари юзасидан инструктаждан ўтишлари керак.<br>26. Эксплуатант ташкилий тузилмани, бошқарув ва назорат методикасини ўз ичига оладиган ер устида хизмат кўрсатиш тизимига эга бўлиши керак.<br>27. Эксплуатант Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий турдаги суғурталанишларни таъминлайди.<br>28. Эксплуатант қуйидагиларга эга бўлиши ва уларни бажариши керак:<br>Агентлик томонидан тасдиқланган парвозларни амалга оширишга доир қўлланма, ҳаво кемаси эксплуатантининг техник хизмат кўрсатишни бошқаришга доир қўлланмаси, парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизимига доир қўлланма, ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), ҳаво кемаси оғирлиги ва марказланишини ростлашга доир қўлланма, ҳаво кемасига ер устида хизмат кўрсатишга доир қўлланма;<br>Агентлик томонидан тасдиқланган авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), техник хизмат кўрсатиш дастури (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), экипаж аъзоларининг ер устида ва парвоздаги тайёргарлик дастури, минимал ускуналар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), авиация хавфсизлигини таъминлаш дастури.<br>Ҳужжатлар инсон омили соҳалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади, уларнинг тузилиши ва мазмуни эса стандартлар талабларига ва ИКАО томонидан тавсия этиладиган амалиётга мувофиқ бўлиши керак.<br>29. Агар эксплуатант бошқа давлатда рўйхатдан ўтказилган ҳаво кемасидан фойдаланса, у ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилган давлатга тегишли стандартлар талабларини ва ИКАО томонидан тавсия этиладиган амалиётни бажариши шарт.<br>30. Эксплуатант ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариши керак.<br><br>II. Жисмоний шахс учун<br><br>31. Эксплуатант ҳаво кемасига мулкка эгалик ҳуқуқларида ёки экипажсиз ижара шартларида эга бўлиши шарт. Эксплуатантнинг асосий фаолият юритиш ва ҳаво кемасини жойлаштириш манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши керак.<br>32. Эксплуатант фуқаро авиацияси учувчисининг керакли малакавий белгилар ва рухсатлар қайд этилган амалдаги гувоҳномалари билан тасдиқланган тегишли махсус тайёргарликка ва малакага эга бўлиши керак.<br>33. Мазкур илованинг I бўлими 12, 15, 16, 17, 18, 22, 23, 27 ва 30-бандлари талабларига жавоб бериши ва уларни бажариши керак.<br>34. Эксплуатант Агентлик томонидан тасдиқланган парвозларни амалга оширишга доир қўлланма, ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма, авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма, ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастури ва авиация хавфсизлигини таъминлаш дастурига эга бўлиши ва уларни бажариши керак. |

| | | |
|---|---|---|
| 10. | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас |
| 11 | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | Уч йил муддатга берилади |
| 12 | **Изоҳ:** | Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги аризачига Эксплуатант сертификатининг асл нусхасини беради. |

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низомга

5-илова

## Эксплуатантга қўйиладиган рухсат берувчи талаблар ва шартлар

### 1. Юридик шахс учун

1. Эксплуатант ҳаво кемасига (мулкка эгалик ҳуқуқларида ёки экипажсиз ижара шартларида), парвозларни ташкиллаштириш, амалга ошириш ва таъминлаш учун авиация ходимларига ва ишлаб чиқариш базасига эга бўлиши шарт. Эксплуатантнинг асосий фаолият юритиш ва ҳаво кемасини жойлаштириш манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши шарт.

2. Эксплуатантнинг ҳаво кемаси белгиланган турлардаги ва регионлардаги парвозларни амалга ошириш учун тегишли равишда жиҳозланган бўлиши, авиация ходимлари эса зарур малакага ва тайёргарликка эга бўлишлари шарт.

3. Эксплуатант белгиланган турдаги фаолиятни амалга ошириш учун етарлича молиявий ресурслар мавжудлигини тасдиқлаши шарт.

4. Эксплуатант қуйидагиларга эга бўлиши шарт:

авиация хизмати;

техник хизмат;

ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлинмаси ёки парвозларни ташкилий таъминлаш бўйича тегишли равишда тайёрланган ходим (диспетчер);

парвозлар хавфсизлиги бўйича инспекция ёки парвозлар хавфсизлиги бўйича эксплуатант раҳбарининг ўринбосари (маслаҳатчиси);

авиация хавфсизлик хизмати ёки авиация хавфсизлиги бўйича эксплуатант раҳбарининг ўринбосари;

ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишларини ташкиллаштириш хизмати ёки ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишларини ташкиллаштириш учун масъул тегишли равишда тайёрланган ходим;

тиббий бўлинма ёки парвозларнинг тиббий таъминотини ташкиллаштириш учун масъул шифокор;

парвозларнинг қидирув, авария-қутқарув таъминот хизмати ёки парвозларнинг авария-қутқарув таъминоти учун масъул тегишли равишда тайёрланган ходим;

аэронавигацион таъминот хизмати ёки аэронавигацион таъминотни ташкиллаштириш учун масъул тегишли равишда тайёрланган ходим.

5. Эксплуатант қуйидагилар учун масъул маъмурий-бошқарув ходимларига эга бўлиши

шарт:

ҳаво кемасидан авиацияда фойдаланиш ва авиация ишларини ташкиллаштириш қоидаларига риоя этиш (фуқаро авиацияси учувчисининг амалдаги гувоҳномаси билан);

ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этиш ва ташкиллаштириш;

парвозларни ташкиллаштириш, режалаштириш ва амалга оширишнинг оператив назоратини таъминлаш;

ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишлари таъминланишини ташкиллаштириш;

авиация хавфсизлигини таъминлаш;

парвозлар хавфсизлигини таъминлаш назоратини ташкиллаштириш.

6. Эксплуатант ҳаво кемасининг экипажини ташкил этувчи, эксплуатантнинг белгиланган парвозлар дастурини бажариш учун етарли миқдорда ходимларга ва ҳаво кемаси **эксплуатантининг техник хизмат кўрсатишни бошқаришга** доир қўлланмасига мувофиқ ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш ва бажариш учун техник-муҳандис ходимларга эга бўлиши шарт.

7. Авиация таркиби ва экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимлари, эксплуатантнинг техник-муҳандис ходимлари авиация мутахассисининг керакли малакавий белгилар ва рухсатлар қайд этилган амалдаги гувоҳномалари билан тасдиқланган тегишли махсус тайёргарликка ва малакага эга бўлишлари шарт.

8. Эксплуатант меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек парвозлар хавфсизлигини ва авиация хавфсизлигини таъминлашга доир ахборотни олиш, ўз авиация ходимларига етказиш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш тизимига эга бўлиши шарт.

9. Эксплуатант **парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизимига** эга бўлиши керак. Эксплуатант **парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизими доирасида раҳбарлик ва** ўз авиация ходимлари томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган **парвозларнинг хавфсизлигига доир ҳужжатлар тизимига** эга бўлиши шарт.

Максимал сертификатланган 27000 кг дан кўпроқ оғирликдаги ҳаво кемаси **эксплуатанти парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизимининг таркибий қисми сифатида парвоз маълумотларини таҳлил қилиш дастурини ишлаб чиқиши ва бажариши** шарт.

10. Эксплуатант ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишларини оператив бошқариш учун ҳар бир ҳаво кемаси билан алоқа мавжуд бўлишини таъминлаши керак. Ҳаво кемаси билан алоқа эксплуатант томонидан мустақил равишда ёки тегишли ишларни бажариш ҳуқуқига эга ташкилот билан шартнома асосида таъминланиши мумкин.

11. Эксплуатант хавфли юкларни ташиш учун қуйидагиларга эга бўлиши керак:

хавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича малака даражасини тасдиқловчи сертификатга, шунингдек эксплуатант номидан авиацияда хавфли юкларни ташиш учун рухсат бериш (рухсат беришни рад этиш) ҳамда хавфли юкларнинг синфига (тоифасига) қараб уларни ташиш шартлари тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга масъул мутахассис;

авиация таркиби ва экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимларида хавфли юкларни ташиш

қоидалари бўйича малака даражасини тасдиқловчи сертификат;

Агентлик томонидан тасдиқланган хавфли юкларни ташиш бўйича таълим ва тартиботларга доир қўлланма.

12. Эксплуатант ўзи фойдаланаётган ҳар бир ҳаво кемаси:

парвозга яроқли ҳолатда сақланишини;

режалаштириладиган парвоз учун керакли ишга яроқли фойдаланиш ва авария ускуналарига эга бўлишини;

фуқаро ҳаво кемаси парвозга яроқлилигининг амалдаги сертификатига эга бўлишини таъминлаши шарт.

13. Эксплуатант қуйидаги ахборот ҳисобга олиниши ва сақланишини таъминлаши шарт:

ҳаво кемаси ҳамда чекланган ресурсли ва хизмат муддатли барча агрегатларидан умумий фойдаланиш вақти (тегишли равишда соатлар, календарь вақти ва цикллар);

барча мажбурий ахборотнинг мувофиқлиги тўғрисида, парвозга яроқлиликни сақлаш тўғрисидаги жорий маълумотлар;

модификациялар ва таъмирлашлар тўғрисида тегишли батафсил маълумотлар;

ҳаво кемаси ёки унинг агрегатлари сўнгги капитал таъмирлашдан кейин улардан фойдаланиш вақти (тегишли равишда соатлар, календарь вақти ва цикллар) тўғрисида маълумотлар;

ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастурининг бажарилиши тўғрисида жорий маълумотлар;

техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги далолатномани имзолашда барча талаблар бажарилганлигини тасдиқловчи техник хизмат кўрсатиш тўғрисида батафсил маълумотлар.

Мазкур банднинг еттинчи хатбошидан ташқари ахборот тегишли агрегат фойдаланишдан буткул олиб ташлангандан сўнг 90 кундан кам бўлмаган муддатда сақланиши керак. Мазкур банднинг еттинчи хатбошида кўрсатилган ахборот техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг энг камида бир йил сақланиши шарт.

Эксплуатант ўзгарган ҳолатда, мазкур бандда қайд этилган ахборот янги эксплуатантга тақдим қилиниши шарт.

14. Максимал сертификатланган оғирлиги 5700 кг дан кўпроқ бўлган ҳаво кемаси **эксплуатанти техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш тажрибасини назорат қилиши, умумлаштириши ва баҳолаши ҳамда** ҳаво кемаси**ни ишлаб чиқувчига** ҳаво кемасининг парвозга яроқлилигини таъминлашга салбий таъсирни юзага келтирадиган ёки юзага келтириши мумкин бўлган ишдан чиқишлар, носозликлар, нуқсонлар ва бошқа ҳодисалар тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиши **шарт.** Ҳаво кемаси**ни ишлаб чиқувчидан** ҳаво кемасининг парвозга яроқлилигини таъминлашга доир маълумотлар ва тавсиялар олганидан сўнг эксплуатант баҳолайди ва Агентлик томонидан белгиланган ҳаракатларни амалга оширади.

15. **Эксплуатантнинг** ҳаво кемасини барча модификациялари ва таъмирлаш ишлари ҳаво кемасининг парвозга яроқлилигига доир талабларга жавоб бериши шарт.

16. Эксплуатант ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатилган ва техник хизмат кўрсатиш

тўғрисидаги тегишли далолатнома Агентлик томонидан тасдиқланган ташкилот томонидан расмийлаштирилган ҳолатда, ҳаво кемасида парвозларни амалга оширади.

Агар ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш шартномага асосан ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан бажарилса, ушбу шартноманинг техник соҳалари Агентлик билан ўзаро мувофиқлаштирилиши шарт.

17. Ҳаво кемаси парвозга яроқлилик меъёрларига асосан ва авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланмадаги фойдаланиш чекланишлари доирасида ишлатилиши шарт.

18. Ҳаво кемаси экипажнинг учувчилар таркибига ҳаво кемаси парвозининг траекториясини назорат қилиш, қоидалар билан талаб қилинадиган ҳар қандай ҳаракатларни бажариш, кутилган фойдаланиш шароитларида ушбу ҳаво кемасига тегишли фойдаланиш чекловларига риоя этиш имконини берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

19. Эксплуатант ҳаво кемасининг юкланишини **парвозларни амалга оширишга доир қўлланмага ва** эксплуатантнинг тегишли фойдаланиш ҳужжатларига **қатъий мувофиқликда** амалга оширади.

20. Эксплуатант авиация ходимларининг ўз функционал вазифалари доирасида авиация **хавфсизлиги чора-тадбирлари билан танишиб чиқишларини таъминлайди ва** эксплуатантнинг авиация **хавфсизлигини таъминлаш дастури ходимлар томонидан бажарилишини ташкиллаштиради.**

21. Эксплуатант экипажининг авиация таркиби хорижий мамлакатларнинг ўз вазифаларига тегишли ва учиб ўтиладиган ҳудудларга, фойдаланиладиган аэродромларга ва тегишли аэронавигацион воситаларга (халқаро парвозларни бажариш учун) қўлланиладиган қонунлари, қоидалари ва тартиботлари билан танишиб чиқиши шарт.

22. Эксплуатант ҳар бир фойдаланиладиган ҳаво кемаси экипажининг учувчилар таркибини ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма
ва авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма билан таъминлаши шарт.

23. Эксплуатант экипажининг учувчилар таркиби ҳаво кемаси бортида уларнинг ҳаво кемаси учиб ўтадиган ҳудудда қидирув-қутқарув хизматларига тегишли барча зарур ахборотга эга бўлиши шарт.

24. Эксплуатант экипажининг учувчилар таркиби радиотелефон алоқа юритишда ишлатиладиган инглиз тилида сўзлашиши ва уни тегишли даражада тушуниши шарт (халқаро парвозларни бажариш учун).

25. Эксплуатант экипажининг учувчилар таркиби ва хизмат кўрсатувчи таркиби ўз муайян вазифалари ва жавобгарликлари юзасидан инструктаждан ўтишлари шарт.

26. Эксплуатант ташкилий тузилмани, бошқарув ва назорат методикасини ўз ичига оладиган ер устида хизмат кўрсатиш тизимига эга бўлиши шарт.

27. Эксплуатант Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий турдаги суғурталанишларни таъминлайди.

28. Эксплуатант қуйидагиларга эга бўлиши ва уларни бажариши шарт:

Агентлик томонидан тасдиқланган **парвозларни амалга оширишга доир қўлланма,** ҳаво кемаси **эксплуатантининг техник хизмат кўрсатишни бошқаришга** доир қўлланмаси, **парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизимига доир қўлланма,** ҳаво кемасидан

фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), ҳаво кемаси оғирлиги ва марказланишини ростлашга доир қўлланма, ҳаво кемасига ер устида хизмат кўрсатишга доир қўлланма;

Агентлик томонидан тасдиқланган авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), техник хизмат кўрсатиш дастури (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), экипаж аъзоларининг ер устида ва парвоздаги тайёргарлик дастури, минимал ускуналар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), авиация хавфсизлигини таъминлаш дастури.

Ҳужжатлар инсон омили соҳалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади, уларнинг тузилиши ва мазмуни эса стандартлар талабларига
ва ИКАО томонидан тавсия этиладиган амалиётга мувофиқ бўлиши шарт.

29. Агар эксплуатант бошқа давлатда рўйхатдан ўтказилган ҳаво кемасидан фойдаланса, у ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилган давлатга тегишли стандартлар талабларини ва ИКАО томонидан тавсия этиладиган амалиётни бажариши шарт.

30. Эксплуатант ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариши шарт.

## 2. Жисмоний шахс учун

31. Эксплуатант ҳаво кемасига мулкка эгалик ҳуқуқларида ёки экипажсиз ижара шартларида эга бўлиши шарт. Эксплуатантнинг асосий фаолият юритиш ва ҳаво кемасини жойлаштириш манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши шарт.

32. Эксплуатант фуқаро авиацияси учувчисининг керакли малакавий белгилар ва рухсатлар қайд этилган амалдаги гувоҳномалари билан тасдиқланган тегишли махсус тайёргарликка ва малакага эга бўлиши шарт.

33. Мазкур илованинг 1 бўлими 12, 15, 16, 17, 18, 22, 23, 27
ва 30-бандлари талабларига жавоб бериши ва уларни бажариши шарт.

34. Эксплуатант Агентлик томонидан тасдиқланган парвозларни амалга оширишга доир қўлланма, ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма, авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма, ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастури ва авиация хавфсизлигини таъминлаш дастурига эга бўлиши ва уларни бажариши шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низомга

6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги**

**Фуқаро авиацияси агентлиги Директорига**

**АРИЗА** ____________________________________________________________

(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.Ш.)

Қуйидагиларни сўрайман:

эксплуатант сертификатини беришингизни

эксплуатант сертификатининг амал қилиш муддатини узайтиришингизни

эксплуатант сертификатини қайта расмийлаштиришингизни

эксплуатант сертификатини қайта ўзгартиришингизни

эксплуатант сертификатининг амал қилишини тиклашингизни

ўзгартириш

эксплуатант сертификатининг амал қилишини тўхтатишингизни

эксплуатант сертификатини бекор қилишингизни

Аризачи тўғрисида маълумотлар:

юридик шахслар учун:

1. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи:

____________________________________________________________

2. Жойлашган манзили (почта манзили)

___________________________________________________________________________

3. Телефон/телефакс рақамлари

___________________________________________________________________________

жисмоний шахслар учун:

1. Фамилияси, исми, отасининг исми

___________________________________________________________________________

2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари

___________________________________________________________________________

3. Турар жой манзили

___________________________________________________________________________

4. Телефон/телефакс рақамлари_________________________________________________________________

5. СТИР ________________________________________________________________________

Илова.

___________________________________________________________________________

(ҳужжатлар номи, уларнинг рақамлари, имзоланган сана, варақлар сони, тақдим қилиш шакли)

Аризачи

______________________

(имзо, Ф.И.Ш.)

“____” _________20___ й.

(кун) ва (ой)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низомга

7-илова

**Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар**
**РЎЙХАТИ**

**1. Юридик шахслар учун**

1. Ҳаво кемаси жойлашган манзил, таклиф қилинадиган парвозлар ва фаолият турлари, фойдаланиш географик зоналари (регионлари) ҳақида маълумотлар.

2. Аризачи ташкилоти ва бошқармасининг тасдиқланган таркибий схемаси.

3. Ҳаво кемасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар.

4. Ущбу Низомга 5-илованинг 5-бандида кўрсатилган маъмурий-бошқарув ходимлари бўйича уларнинг ўрнини босувчи шахслар лавозимлари, фамилияси, уларнинг малакалари ва фуқаро авиациясида тегишли раҳбарлик ишидаги тажрибаси кўрсатилган маълумотлар.

5. Авиация экипажлари таркиби ва техник-муҳандис ходимларнинг малакалари ва рухсатномалари тўғрисида номма-ном маълумотлар.

6. Фойдаланиладиган ҳаво кемаларининг тури, модели, серияси, таниш белгилари, парвозга яроқлилик ҳолати кўрсатилган маълумотлар.

7. Ҳаво кемалари жойлашган аэропортда парвозларни таъминлаш турлари учун шартномалар нусхалари.

8. Барча турдаги мажбурий суғурталаш бўйича суғурта полислари нусхалари.

9. Парвозларни амалга оширишга доир қўлланма, ҳаво кемаси эксплуатантининг техник хизмат кўрсатишни бошқаришга доир қўлланмаси, ҳаво кемасига ер устида хизмат кўрсатишга доир қўлланма, хавфли юкларни ташиш бўйича таълим ва тартиботларга доир қўлланма, ҳаво кемаси оғирлиги ва марказланишини ростлашга доир қўлланма, экипажнинг ер устида ва парвоздаги тайёргарлик дастури, эксплуатантнинг авиация хавфсизлигини таъминлаш дастури.

10. Ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), техник хизмат кўрсатиш дастури (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), минимал ускуналар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), асосий минимал ускуналар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), конфигурациядан оғишлар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун).

**2. Жисмоний шахслар учун**

1. Ҳаво кемаси жойлашган манзил, таклиф қилинадиган парвозлар, парвозларнинг географик зоналари (регионлари) ҳақида маълумотлар.

2. Ҳаво кемасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар.

3. Аризачининг ҳаво кемасида парвозларни бажариш учун малакалари ва рухсатномалари тўғрисида маълумотлар.

4. Ҳаво кемаларининг тури, модели, серияси, таниш белгилари, парвозга яроқлилик

ҳолати кўрсатилган маълумотлар.

5. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича ташкилот билан тузилган шартнома нусхалари.

6. Ҳаво кемалари жойлашган аэропортда парвозларни таъминлаш турлари учун шартномалар нусхалари.

7. Барча турдаги мажбурий суғурталаш бўйича суғурта полислари нусхалари.

8. Парвозларни амалга оширишга доир қўлланма, ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма, авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма, ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастури, эксплуатантининг авиация хавфсизлигини таъминлаш дастури.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “____”____________даги
____ -сон қарорига
2-сон илова

Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани (кейинги ўринларда гувоҳнома деб юритилади) бериш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрини (кейинги ўринларда давлат реестри деб юритилади) юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши давлат ва экспереметал ҳаво кемалар, дельтапланлар, парапланлар, парашютлар, бошқарилмайдиган учувчисиз аэростатлар, учувчисиз учиш қурилмалар ҳамда метеорологик мақсадларда ишлатиладиган учувчи шарларига татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

фуқаро ҳаво кемаси — фуқаро авиациясида ишлатиладиган ҳаво кемаси;

**фуқаро ҳаво кемасининг мулкдори** — ўзининг манфаатлари ва ихтиёрига кўра, ўзига қарашли фуқаро ҳаво кемасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлган, жисмоний ёки юридик шахс;

**фуқаро ҳаво кемасининг эгаси** — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаро ҳаво кемасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқи берилган, жисмоний ёки юридик шахс;

**давлат реестри** — фуқаро ҳаво кемаси, шунингдек, фуқаро ҳаво кемасининг мулкдор (эгаси, эксплуатанти) тўғрисидаги маълумотларни, берилган, қайта расмийлаштирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган ва бекор қилинган гувоҳномалар тўғрисидаги маълумотларни ҳамда бошқа маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси;

**аризачи** — гувоҳномани бериш (қайта расмийлаштириш, бекор қилиш ҳамда фуқаро ҳаво кемасини давлат реестридан чиқариш) учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига (кейинги ўринларда “Ўзавиация” агентлиги деб юритилади) ариза билан мурожаат қилган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган,

фуқаро ҳаво кемасининг мулкдори (эгаси);

**ахборот тизими** — “Лицензия” махсус электрон тизими, Ўзбекистон Республикасининг ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқалар.

4. Ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларга мувофиқ шакл ва схемаси бўйича аризачига гувоҳнома берилади.

5. “Ўзавиация” агентлиги томонидан ҳаво кемасининг эксплуатацияси билан боғлиқ фуқаро авиациясида фаолиятини амалга ошириш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда гувоҳнома берилади.

6. “Ўзавиация” агентлиги директори (директор ўринбосари) ёки “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан гувоҳнома имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун гувоҳнома инглиз тилидаги таржимасига эга бўлиши лозим.

Парвозларни амалга ошириш пайтларида гувоҳнома ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги гувоҳнома бўлмаган ҳолларда ҳаво кемасига парвозларни амалга оширилиши тақиқланади.

7. Ушбу гувоҳнома фуқаро ҳаво кемаси давлат реестрига киритилганлигини ва Ўзбекистон Республикасининг миллий мансублигига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

8. Гувоҳнома чекланмаган муддатга берилади.

## 2-боб. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар

9. Фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилишда рухсат беришга доир талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

б) ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

в) гувоҳномани олиш ва қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

г) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;

д) фуқаро ҳаво кемасида, серияли ишлаб чиқариладиган ҳаво кемалар учун — ҳаво кемаси турининг сертификати ёки ягона намунали ҳаво кемалар учун — ҳаво кемаси эксплуатацияга яроқлилиги ҳақида аттестати мавжудлиги;

е) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик нормаларига мувофиқлигини таъминлаш.

## 3-боб. Гувоҳномани олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Аризачи гувоҳномани олиш учун “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) аризани;

б) жисмоний ёки юридик шахснинг фуқаро ҳаво кемасига бўлган мулк ҳуқуқни ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (шу жумладан шартномалар нусхалари);

в) зарурат бўлганда, қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари:

ҳаво кемасини хорижий давлат ҳаво кемалари реестридан чиқарилганлиги тўғрисида ҳужжат (фуқаро ҳаво кемаси давлат рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳнома);

ҳаво кемасини давлат ёки эксперементал авиациядан фуқаро авиациясига ўтказилганлиги тўғрисида ҳужжат;

рўйхатда турмаган ҳаво кемаси хориж давлатидан Ўзбекистон Республикасига келганда, учишга яроқлилиги ҳақида экспорт сертификати.

11. “Ўзавиация” агентлиги белгиланган тартибда гувоҳномани бериш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни ҳамда ахборотни Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан мустақил равишда “ягона дарча” принципи бўйича идоралараро электрон ҳамкорлиги орқали олади.

Аризачидан ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Гувоҳномани олиш учун зарур бўлган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Агар ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар бевосита “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилса аризачи томонидан ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза расмийлаштирилади ёки, ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилаётган бўлса, паспортнинг 5-бандига асосан маълумот киритилади.

13. “Ўзавиация” агентлигига бевосита тақдим этилган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилинади, ушбу рўйхатда ҳужжатларнинг номи, варақлар сони кўрсатилади. Қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ҳужжатлар рўйхатининг битта нусхаси зудлик билан аризачига тақдим этилади (юборилади).

Ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда, ахборот тизим орқали тақдим этилаган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар иш вақтидан кейин, дам олиш ёки байрам кунлари келиб тушганда навбатдаги иш куни “Ўзавиация” агентлигига келиб тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

14. Ушбу Низомга мувофиқ “Ўзавиация” агентлигига тақдим этиладиган ҳужжатлар фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш муддат давомида сақланиши лозим.

## 4-боб. Аризани кўриб чикиш ва гувоҳномани бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш

15. “Ўзавиация” агентлиги томонидан гувоҳномани бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

16. “Ўзавиация” агентлиги ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда аризани кўриб чиқади ва гувоҳномани беради ёки беришни рад этади, ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

17. Гувоҳномани бериш ёки беришини рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун “Ўзавиация” агентлигининг ваколатли шахс фуқаро ҳаво кемасида текширувини ўтказиб, ушбу Низомнинг 5-иловага мувофиқ шакл бўйича фуқаро ҳаво кемасининг техник ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштиради.

18. Аризачининг ёзма мурожаатига кўра ҳаво кемани ишлаб чиқарувчи заводидан, авиатаъмирлаш заводидан, фуқаро ҳаво кемасини сотувчидан қабул қилинган ҳолларда фуқаро ҳаво кемасининг техник ҳолатини хорижий давлатлар ҳудудида текширишга йўл қўйилади. Бу ҳолда “Ўзавиация” агентлиги ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда аризани кўриб чиқади ва гувоҳномани беради ёки беришни рад этади.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳудудида фуқаро ҳаво кемасининг техник ҳолатини текшириш ва жойига чиқиш билан боғлиқ барча харажатлар аризачи томонидан тўланади.

19. “Ўзавиация” агентлигининг ваколатли шахс ҳужжатларни кўриб чиқиш ва фуқаро ҳаво кемасининг техник ҳолатини текшириш натижалари бўйича фуқаро ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотларини давлат реестрига киритади, аризачига гувоҳномани беради ёки гувоҳномани беришини рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Агар “Ўзавиация” агентлиги аризачининг гувоҳномани бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида аризачига гувоҳномани бермаса ва уни беришни рад этмаса, ушбу Низомнинг 16 ва 18-бандларида назарда тутилган муддатлар ўтганидан кейин аризачи амалга оширилиши учун гувоҳномани олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда “Ўзавиация” агентлигини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади. Бундай ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризачига гувоҳномани бериши лозим.

Бунда аризачи гувоҳномасиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда “Ўзавиация” агентлиги эҳтимол тутилган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

20. Аризачига қуйидаги ҳолларда гувоҳномани бериш рад этилиши мумкин:

аризачи томонидан гувоҳномани бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган

ҳажмда тақдим этилганлиги;

аризачи рухсат бериш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки ишончсиз маълумотлар мавжудлиги;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;

фуқаро ҳаво кемасининг техник ҳолатини текшириш далолатномасида асосланган салбий хулоса мавжудлиги.

Гувоҳномани беришни мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ёхуд бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

21. Ушбу Низом 20-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек, аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда аризачига камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарномани ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади).

Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

22. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

23. Хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, “Ўзавиация” агентлиги гувоҳномани беришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда гувоҳномани беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

24. Гувоҳномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади). Аризачи рад этиш сабабларини бартараф этишга
ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат гувоҳномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

25. Аризачи томонидан гувоҳномани бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, гувоҳномани бериш ёхуд уни беришни рад этиш аризачининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда “Ўзавиация” агентлиги томонидан амалга оширилади. Аризани такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

26. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда “Ўзавиация” агентлиги томонидан аризачига илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, бундан илгари

кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши мустасно.

27. Гувоҳномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин аризачи томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва “Ўзавиация” агентлиги томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

28. Аризачи гувоҳномани бериш рад этилганлиги, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” Қонуннинг 7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## 5-боб. Гувоҳномани қайта расмийлаштириш

29. Гувоҳномани қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 30 моддада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

30. Агар гувоҳнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда аризачининг аризаси асосида қайта расмийлаштирилган (янги) гувоҳнома берилади.

31. Гувоҳномани қайта расмийлаштириш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган тартибда тегишли ҳужжатлар илова қилинган аризани ва яроқсиз ҳолга келган тақдирда гувоҳноманинг асл нусхасини тақдим этади.

32. Гувоҳномани қайта расмийлаштириш ва бериш тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

33. Гувоҳномани қайта расмийлаштирилаётганда “Ўзавиация” агентлиги давлат реестрига тегишли ўзгартишларни киритади.

34. Гувоҳномани қайта расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

## 6-боб. Гувоҳномани бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш

35. Гувоҳномани бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 33 ва 34 моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

36. Гувоҳномани бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган бир марта қўпол равишта бузишларига қуйидагилар киради:

белгиланган ресурслар ва хизмат муддатдан ташқари фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш;

ташкилий, таъминлаш, фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш ва авиация ҳалокатига олиб келган парвозларни амалга ошириш қоидаларини бузиш;

фуқаро ҳаво кемасининг конструкциясига белгиланган тартиб-қоидаларни бузган ҳолда

парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ўзгартиришларни киритиш.

## 7-боб. Давлат реестрини юритиш тартиби

37. “Ўзавиация” агентлиги давлат реестрини доимий асосда юритади ҳамда унга тегишли ўзгартишларни киритади.

38. Илгари хориж давлат реестрига киритилган фуқаро ҳаво кемаси, фақатгина тегишли хорижий давлат ҳаво кемалари реестридан чиқарилганлиги тўғрисида ҳужжат (фуқаро ҳаво кемаси давлат рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳнома) мавжуд бўлган тақдирда давлат реестрига киритилади.

39. Давлат реестри ахборот тизими воситасида электрон шаклда юритилади. Реестрдаги ахборот очиқдир.

40. Фуқаро ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига киритилганда, фуқаро ҳаво кемасига ушбу кемага қайд этиладиган давлат таниш ва рўйхат белгилари тайинланади. Давлат таниш белгиси лотин алифбосининг “UK” иккита ҳарфидан, рўйхат белгиси 3-5араб рақамларидан ташкил топади.

Фуқаро ҳаво кемасига тайинланган давлат таниш ва рўйхат белгилари эксплуатация қилишининг бутун муддати давомида сақланиб қолади, ҳаво кемасининг эгаси ўзгаришидан ва/ёки қилинган модификациясидан қатъи назар.

41. Давлат реестрига киритилган фуқаро ҳаво кемаси аризачининг мурожаати асосида давлат реестридан қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

а) фуқаро ҳаво кемаси чегириб ташланса;

б) фуқаро ҳаво кемаси эксплуатациядан чиқарилса;

в) ҳаво кемаси белгиланган тартибда хориж давлатига, хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахсига сотилса ёки топширилса;

г) фуқаро ҳаво кемасини давлат ёки экспережентал авиацияга ўтказилса;

д) фуқаро ҳаво кемасини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатилган ва бекор қилинган бўлса.

42. Фуқаро ҳаво кемасини давлат реестридан чиқариш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) аризани;

б) фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани (асл нусхаси);

в) мавжуд бўлса:

фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификатини (асл нусхаси);

фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификатни (асл нусхаси);

фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни (асл нусхаси);

фуқаро ҳаво кемасининг 24-битли манзили (ИКАО идентификация коди) фуқаро ҳаво

кемасининг радиожиҳозлар тизимидан чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

SELCAL тизими ARINC компаниясининг рўйхатидан чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (агар ушбу тизим ҳаво кемасида мавжуд бўлса);

авария радиомаяклари КОСПАС-САРСАТ тизимининг рўйхатидан чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Агар ариза бевосита “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилса аризачи томонидан ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза расмийлаштирилади ёки, ариза ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилаётган бўлса, паспортнинг 5-бандига асосан маълумот киритилади.

43. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида, “Ўзавиация” агентлиги фуқаро ҳаво кемасини давлат реестридан чиқаради ва аризачига фуқаро ҳаво кемаси давлат рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳномани беради. Фуқаро ҳаво кемасини давлат реестрдан чиқарилган тақдирда фуқаро ҳаво кемасини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бекор қилинади.

44. Ушбу Низомнинг 6-иловага мувофиқ шакл бўйича фуқаро ҳаво кемаси давлат рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилади.

45. Аризачи фуқаро ҳаво кемаси давлат рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳномани олганидан кейин фуқаро ҳаво кемасига қайд этилган давлат таниш ва рўйхат белгиларини ҳаво кемасидан ўчириб ташлайди (йўқ қилади).

46. Ҳаво кемаси мулкдорнинг ёзма мурожаатига кўра, Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенция (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) асосида фуқаро ҳаво кемасини давлат реестрдан чиқариш тартиб-таомиллар амалга оширилиши мумкин.

47. Ушбу Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилинган санадан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда фуқаро ҳаво кемасини давлат реестрдан чиқариш ва ҳаво кемаси давлат рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳномани бериш тартиб-таомиллар амалга оширилади.

48. Агар ҳаво кемаси ушбу Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилмаган бўлса, уни бошқа давлат реестрига киритилиши ҳақиқий деб тан олинмайди.

## 8-боб. Якунловчи қоида

49. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги
тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисида низомга
1-илова

**Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш**
**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Аризачи | Гувоҳномани олиш учун, ушбу Низомда назарда тутилган талабларига мувофиқ зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди. Ҳужжатларни бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этади. | Ўз хоҳишига кўра |
| 2-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Гувоҳномани олиш учун ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилади, унинг битта нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига тақдим этади (юборади) ёки ахборот тизим орқали тақдим этилаган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик равишда аизачига юборилади. | Ҳужжатларни қабул қилинган кунидан бошлаб |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | 1. Фуқаро ҳаво кемасини техник ҳолатини текшириш билан бирга, гувоҳномани бериш учун тақдим этилган аризани ва ҳужжатларни кўриб чиқади.<br>2. Аризачига рад этиш учун асос бўлган сабабларини кўрсатган ҳолда гувоҳномани беришни рад этиш тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.<br>“Ўзавиация” агентлигининг ваколатли шахс ҳужжатларни кўриб чиқиши ва фуқаро ҳаво кемасини техник ҳолатини текшируви натижалари бўйича фуқаро ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотларини давлат реестрига киритади, аризачига гувоҳномани беради (юборади) ёки гувоҳномани беришини рад этиш тўғрисида аризачини ёзма ёки електрон шаклда хабардор қилади. | 1. Аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда).<br>2. Рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда. |
| 4-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Аризачи рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, гувоҳномани бериш ёхуд уни беришни рад этиш амалга оширилади. | Рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда. |

Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисида низомга
2-илова

| | |
|---|---|
| **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ**<br><br>**“ЎЗАВИАЦИЯ” АГЕНТЛИГИ** | **CIVIL AVIATION AGENCY UNDER THE MINISTRY OF TRANSPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**<br><br>**CAA OF UZBEKISTAN** |

73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
TEL.: + (998-78)-1200063, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: technique@uzcaa.uz

**ФУҚАРО ҲАВО КЕМАСИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА**
*CERTIFICATE OF REGISTRATION OF THE CIVIL AIRCRAFT*
СВИДЕТЕЛЬСТВО О РЕГИСТРАЦИИ ГРАЖДАНСКОГО ВОЗДУШНОГО СУДНА
**№ XXX**

| **Давлат таниш ва рўйхат белгилари**<br>*Nationality and registration marks*<br>Государственный опознавательный и регистрационный знаки | **Ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқарувчиси томонидан ҳаво кемасининг белгиланиши**<br>*Manufacturer and Manufacturer's Designation of Aircraft*<br>Изготовитель и обозначение гражданского воздушного судна изготовителем | **Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган) рақами**<br>*Aircraft serial (manufacturer) number*<br>Серийный (заводской) номер воздушного судна |
|---|---|---|
| **Берилган:**<br>*Issued to:*<br>Выдано:<br>***сертификат олувчининг номи (исми)****/name of the certificate holder/наименование (имя) получателя свидетельства* | | |
| **Рўйхатга олиш учун асос (вариантлардан бирини белгиланг):**<br>*Basis of registration (mark one of the variants):*<br>Основание для регистрации (отметить один из вариантов): | | |
| **ҳаво кемасининг мулкдори**<br>*ownership of aircraft*<br>собственник воздушного судна | | |
| **ҳаво кемасининг эксплуатанти**<br>*operator of aircraft*<br>эксплуатант воздушного судна | | |
| **бошқа (тушунтириш):**<br>*other (explain):*<br>прочее (*пояснить*): | | |
| **Сертификат олувчининг манзили:**<br>*Address of certificate holder:*<br>Адрес получателя свидетельства: | | |
| **Мулкдорнинг номи (исми) ва алоқа маълумотлари:**<br>*Name and contact information of owner:*<br>Наименование (имя) и контактные данные собственника: | | |

<table>
<tr><td colspan="3">Мазкур гувоҳнома, юқорида қайд қилинган фуқаро ҳаво кемаси 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция ва Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига киритилганлигини тасдиқлайди.<br>Изоҳ: Ушбу фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома фақат рўйхатдан ўтказиш мақсадларига мўлжалланган ва фуқаро ҳаво кемасини рўйхатдан ўтказган шахснинг мулкий ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланмайди.<br>It is hereby certified that the above described civil aircraft has been duly entered on the State Register of the Republic of Uzbekistan in accordance with the Convention on International Civil Aviation dated 7 December 1944 and with the Regulation on the procedure for issuing the certificate of registration on the civil aircraft.<br>Note. This Certificate of registration of civil aircraft is issued for registration purpose only and is not to certify the property rights of person on whose name the aircraft has been registered.<br>Настоящим удостоверяется, что вышеуказанное гражданское воздушное судно в установленном порядке внесено в Государственный реестр гражданских воздушных судов Республики Узбекистан в соответствии с Конвенцией о международной гражданской авиации, принятой 7 декабря 1944 года, и Положением о порядке выдачи свидетельства о регистрации гражданского воздушного судна.<br>Примечание. Настоящее свидетельство о регистрации гражданского воздушного судна предназначено только для целей регистрации и не является документом, удостоверяющим имущественные права лица, на чье имя зарегистрировано гражданское воздушное судно.</td></tr>
<tr><td>Дастлабки берилган сана:<br>Date of initial issue:<br>Дата первоначальной выдачи:</td><td>Берилган сана:<br>Date of issue:<br>Дата выдачи:</td><td></td></tr>
<tr><td>М.Ў./stamp/М.П.</td><td></td><td>лавозим, имзо, Ф.И.Ш./position, signature, name/должность, подпись, Ф.И.О.</td></tr>
</table>

Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан
ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисида низомга
3-илова

**Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш**

**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:** | Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома |
| **2.** | **Амалага оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):** | Фуқаро авиациясида ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш |
| **3.** | **Ариза берувчилар тоифаси:** | Юридик ёки жисмоний шахс |
| **4.** | **Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:** | “Ўзавиация” агентлиги |

<table>
<tr>
<td>5.</td>
<td>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:</td>
<td>а) ариза;<br>Аризада қуйидагилар акс эттирилади:<br>юридик шахс учун — ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефон рақами, электрон почта манзили;<br>жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), турар жойи манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);<br><br>кераклигини танланг:<br>Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш<br>Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш<br>Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳамда фуқаро ҳаво кемасини давлат реестридан чиқариш<br><br>Ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:
<table>
<tr><td>1.</td><td>Фуқаро ҳаво кемасининг номи (тури)</td><td></td></tr>
<tr><td>2.</td><td>Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган) рақами</td><td></td></tr>
<tr><td>3.</td><td>Ишлаб чиқарилган санаси</td><td></td></tr>
<tr><td>4.</td><td>Ишлаб чиқарувчининг номи</td><td></td></tr>
<tr><td>5.</td><td>Максимал учиб чиқиш вазни</td><td></td></tr>
<tr><td>6.</td><td>Ўрнатилган двигателларнинг тури ва сони</td><td></td></tr>
<tr><td>7.</td><td>База манзилнинг адреси</td><td></td></tr>
<tr><td>8.</td><td>Фуқаро ҳаво кемаси сотилмоқда (топширилмоқда)</td><td></td></tr>
<tr><td></td><td colspan="2">(янги эгаси /мулкдорнинг номи)</td></tr>
<tr><td>9.</td><td>Янги рўйхатга олувчи Давлат</td><td></td></tr>
</table>
<br>Изоҳ: 8 ва 9-бандлар хорижий давлатга, хорижий юридик шахсга ёки жисмоний шахсга сотилиши (топширилиши) сабабли фуқаро ҳаво кемаси давлат реестридан чиқарилган тақдирда тўлдирилади.<br><br>б) жисмоний ёки юридик шахснинг фуқаро ҳаво кемасига бўлган мулк ҳуқуқни ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари<br>(шу жумладан шартномалар нусхалари);<br>в) зарурат бўлганда, қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари:<br>ҳаво кемасини хорижий давлат ҳаво кемалари реестридан чиқарилганлиги тўғрисида ҳужжат (фуқаро ҳаво кемаси давлат рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳнома);<br>ҳаво кемасини давлат ёки эксперементал авиациядан фуқаро авиациясига ўтказилганлиги тўғрисида ҳужжат;<br>рўйхатда турмаган ҳаво кемаси хориж давлатидан Ўзбекистон Республикасига келганда, учишга яроқлилиги ҳақида экспорт сертификати.</td>
</tr>
<tr>
<td>6.</td>
<td>Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:</td>
<td>Йиғим ундирилмайди</td>
</tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| **7.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:** | Йиғим ундирилмайди |
| **8.** | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | 10 иш кун (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда) |
| **9.** | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;<br>б) ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;<br>в) гувоҳномани олиш ва қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;<br>г) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;<br>д) фуқаро ҳаво кемасида, серияли ишлаб чиқариладиган ҳаво кемалар учун — ҳаво кемаси турининг сертификати ёки ягона намунали ҳаво кемалар учун — ҳаво кемаси эксплуатацияга яроқлилиги ҳақида аттестати мавжудлиги;<br>е) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик нормаларига мувофиқлигини таъминлаш. |
| **10.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас |
| **11.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | Чекланмаган муддатга |
| **12.** | **Изоҳ:** | Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги аризачига Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхасини беради. |

Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан
ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисида низомга
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси**
**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги**
**Фуқаро авиация агентлиги**
**Директорига**

**АРИЗА**

________________________________________________________________дан
*(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)*

Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани беришни
Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштиришни
Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилишни ҳамда фуқаро ҳаво кемасини давлат реестридан чиқаришни
сўрайман.

**1. Фуқаро ҳаво кемаси тўғрисида маълумотлар:**

1. Фуқаро ҳаво кемасининг номи (тури) ____________________
2. Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган) рақами ____________________
3. Ишлаб чиқарилган санаси ____________________
4. Ишлаб чиқарувчининг номи ____________________
5. Максимал учиб чиқиш вазни ____________________
6. Ўрнатилган двигателларнинг тури ва сони ____________________
7. База манзилнинг адреси ____________________

8. Фуқаро ҳаво кемаси сотилмоқда (топширилмоқда) ____________________
*(янги эгаси /мулкдорнинг номи)*
9. Янги рўйхатга олувчи Давлат ____________________

**Изоҳ:** 8 ва 9-бандлар хорижий давлатга, хорижий юридик шахсга ёки жисмоний шахсга сотилиши (топширилиши) сабабли фуқаро ҳаво кемаси давлат реестридан чиқарилган тақдирда тўлдирилади.

**“Юқоридаги ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар тўғри эканлигини тасдиқлайман”**

__________ ____________________ ____________________
*(имзо)* *(Фамилияси, исми, шарифи)* *(лавозим)*

**2. Аризачи тўғрисида маълумот:**

*юридик шахслар учун:*

*1. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи:* ____________________
*2. Жойлашган жойи (почта индекси):* ____________________
*3. Телефон рақами / факс рақами:* ____________________

*жисмоний шахслар учун:*

*1. Фамилияси, исми, шарифи:* ____________________
*2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумот:* __________
*3. Турар жойи, адрес:* ____________________
*4. Телефон рақами / факс рақами:* ____________________
*5. СТИР:* ____________________

Иловалар: ____________________
*(ҳужжатларнинг номи, варақлар сони, тақдимот шакли)*

Аризачи ____________________ 20__й. “___” ________
*(имзо, фамилияси, исми, шарифи)*

Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан
ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисида низомга
5-илова

**Фуқаро ҳаво кемасини техник ҳолатини текшириш**

**ДАЛОЛАТНОМА**

______________________________________________
*(«Ўзавиация» агентлигининг ваколатли шахснинг лавозими, фамилияси, исми, шарифи)*

20__ й. "___" ________ фуқаро ҳаво кемасида текшируви ўтказилди

______________________ ______________________
*ҳаво кемасининг номи (тури)* *серияли (заводда берилган) рақами*

______________________________________________
*(мулкдорнинг номи)*
______________________________________________
*(эксплуатантнинг номи)*

I. Фуқаро ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:

ҳаво кемасининг тури сертификати (аттестати) ____________ ____________
*(рақами)* *(берилган санаси)*

тури сертификатини (аттестатини) берган орган ______________________

ишлаб чиқарувчи______________________________

ишлаб чиқарилган санаси____________________

белгиланган ресурслар__________________

белгиланган хизмат муддати_________________

__________(FH) __________(FC) ҳаво кемасининг иш вақти эксплуатациядан бошлаб
*(соат)* *(цикли)*

II Двигателлар тўғрисидаги маълумотлар:

двигателлар тури___________________________

сони ___________________________

ишлаб чиқарувчи___________________________

Фуқаро ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига рўйхатга олиш (олмаслик) тўғрисида “Ўзавиация” агентлиги мутахассисининг хулосаси
______________________________________________________________________________
______________________________________________________________________________

20__ й. “___” ________ ______________________________________________
*(“Ўзавиация” агентлигининг ваколатли шахснинг имзоси)*

Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисида низомга
6-илова

| | |
|---|---|
| **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ** | **CIVIL AVIATION AGENCY UNDER THE MINISTRY OF TRANSPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN** |
| **“ЎЗАВИАЦИЯ” АГЕНТЛИГИ** | **CAA OF UZBEKISTAN** |

73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
TEL.: + (998-78)-1200063, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: technique@uzcaa.uz

**ФУҚАРО ҲАВО КЕМАСИ ДАВЛАТ РЎЙХАТДАН ЧИҚАРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА**
*CERTIFICATE OF DEREGISTRATION OF THE CIVIL AIRCRAFT*
СВИДЕТЕЛЬСТВО О ПРЕКРАЩЕНИИ РЕГИСТРАЦИИ ГРАЖДАНСКОГО ВОЗДУШНОГО СУДНА

| **Давлат таниш ва рўйхат белгилари**<br>*Nationality and registration marks*<br>Государственный опознавательный и регистрационный знаки | **Ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқарувчиси томонидан ҳаво кемасининг белгиланиши**<br>*Manufacturer and Manufacturer’s Designation of Aircraft*<br>Изготовитель и обозначение гражданского воздушного судна изготовителем | **Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган) рақами**<br>*Aircraft serial (manufacturer) number*<br>Серийный (заводской) номер воздушного судна |
|---|---|---|

**Берилган:**
*Issued to:*
Выдано:
____________________________________
**сертификат олувчининг номи (исми)**/*name of the certificate holder*/наименование (имя) получателя свидетельства

**Рўйхатдан чиқариш учун асос (вариантлардан бирини белгиланг):**
*Basis of deregistration (mark one of the variants):*
Основание для прекращения регистрации (отметить один из вариантов):

| | |
|---|---|
| | **ҳаво кемасининг мулкдори**<br>*ownership of aircraft*<br>собственник воздушного судна |
| | **ҳаво кемасининг эксплуатанти**<br>*operator of aircraft*<br>эксплуатант воздушного судна |
| | **бошқа (изоҳланг):**<br>*other (explain):*<br>прочее (*пояснить*): |

**Сертификат олувчининг манзили:**
*Address of certificate holder:*
Адрес получателя свидетельства:
____________________________________
**давлат рўйхатдан чиқарилган пайтидаги**/*at the time of deregistration* /на момент прекращения регистрации

**Мулкдорнинг номи (исми) ва алоқа маълумотлари:**
*Name and contact details of the owner:*
Наименование (имя) и контактные данные собственника:
____________________________________
**давлат рўйхатдан чиқарилган пайтидаги**/*at the time of deregistration* /на момент прекращения регистрации

<table>
<tr><td colspan="2">Мазкур гувоҳнома, юқорида қайд қилинган фуқаро ҳаво кемаси ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилганлигини ва унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бекор қилинганлигини тасдиқлайди.<br>It is hereby certified that the above described aircraft has been duly removed from the State Register of the Republic of Uzbekistan and the Certificate of Registration has been cancelled.<br>Настоящим удостоверяется, что вышеуказанное гражданское воздушное судно в установленном порядке исключено из Государственного реестра гражданских воздушных судов Республики Узбекистан и его свидетельство<br>о регистрации аннулировано.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Рўйхатдан чиқариш сабаби(лари), агар маълум бўлса:<br>Reason(s) for deregistration, if known:<br>Причина(ы) прекращения регистрации, если известна(ы):</td></tr>
<tr><td colspan="2">Берилган сана:<br>Date of issue:<br>Дата выдачи:</td></tr>
<tr><td>М.Ў./stamp/М.П.</td><td>лавозим, имзо, Ф.И.Ш./position, signature, name/должность, подпись, Ф.И.О.</td></tr>
</table>

Вазирлар Маҳкамасининг

2022 йил ________даги ______-сон қарорига

3-сон илова

**Фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификатини бериш тартиби тўғрисида**
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳаво Кодекси, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандарт ва тавсияларига мувофиқ фуқаро ҳаво кемасини учишга яроқлилик сертификатини (кейинги ўринларда учишга яроқлилик сертификати деб юритилади) бериш ва реестирини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига киритилган фуқаро ҳаво кемаларига татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**соз ҳаво кемаси** – эксплуатацион ҳужжатларда белгиланган талабларига жавоб берадиган ҳаво кемасининг ҳолати.

**учишга яроқлилик сертификати** – давлатнинг авиацион маъмурияти томонидан бериладиган, фуқаро ҳаво кемаси аниқ давлатда қабул қилинган учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини ва кутилаётган эксплуатацион шароитларида хавфсиз парвозларни амалга оширишга қодирлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**ҳаво кемасининг тип сертификати (ҳаво кемаси эксплуатацияга яроқлилик тўғрисида аттестати)** – ҳаво кемасининг тип конструкциясини белгилайдиган ва учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**аризачи** – учишга яроқлилик сертификатини бериш (амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш, бекор қилиш) учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига (кейинги ўринларда “Ўзавиация” агентлиги деб юритилади) ариза билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**ахборот тизими** – махсус электрон тизим “Лицензия”, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва ҳоказо.

**учишга яроқлилик сертификатлар реестри** – берилган, қайта расмийлаштирилган, тугатилган, бекор қилинган учишга яроқлилик сертификатлар ва хабарномалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

4. Учишга яроқлилик сертификати рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бўлиб, ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемаси бўйича аризачига берилади.

5. Учишга яроқлилик сертификати ушбу Низомда назарда тутилган тартибига мувофиқ

“Ўзавиация” агентлиги томонидан берилади ва Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатация қилишга рухсат бериш учун фуқаро ҳаво кемаси учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини тасдиқлайди.

Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун учишга яроқлилик сертификати инглиз тилидаги таржимасига эга бўлиши лозим.

6. Аризачи билан келишилган вақтда ва жойда “Ўзавиация” агентлиги мутахассиси учишга яроқлилигига текширувини ўтказиш учун, фуқаро ҳаво кемаси аризачи томонидан тақдим этилиши лозим.

7. Ушбу Низомда белгиланган тартиб-таомилларини ташкил этиш мақсадида ҳаво кемаларини, воситаларини ва хизматларини, шунингдек тегишли ҳисоб ҳужжатларини кўриш имкониятига эга бўлишлари учун, аризачи “Ўзавиация” агентлиги инспекторларига зарур шароитларни таъминлайди.

8. Аризачи эксплуатация қиладиган фуқаро ҳаво кемаларига хорижий давлат Авиация маъмурияти томонидан берилган учишга яроқлилик сертификатини “Ўзавиация” агентлиги ҳақиқий деб тан олади, агар шунга кўра шундай сертификат берилган талаблари халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (кейинги ўринларда ИКАО деб аталади) стандартларига мувофиқ бўлса.

9. Фуқаро ҳаво кемани ишлаб чиқувчи давлат ёки ҳаво кемасининг тип сертификатини берган ваколатли орган томонидан белгиланган учишга яроқлилиги нормаларини “Ўзавиация” агентлиги тан олади.

## 2-боб. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар

10. Фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилишда рухсат беришга доир талаблар ва шартларга қуйидагилар киради:

а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

б) ушбу Низомнинг 5-7-иловаларидаги паспортларда келтирилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

в) “Ўзавиация” агентлигига учишга яроқлилик сертификатни олиш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

г) эгаси (мулкдори) - юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) - жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;

д) фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини сақлашни таъминлаш;

е) ҳаво кемаси қуйидагиларга эга бўлиши керак:

серияли ишлаб чиқариладиган ҳаво кемалар учун – фуқаро ҳаво кемаси турининг сертификати ёки ягона намунали ҳаво кемалар учун – ҳаво кемаси эксплуатацияга яроқлилиги тўғрисида аттестати;

ҳаво кемасига қайд этилган рўйхат ва давлат таниш белгилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирини ифодаловчи белги билан бирга ташқи бўялиши;

ҳаво кемасининг асосий кириш йўлагида, кўринадиган жойга ўрнатилган, ҳаво

кемасининг тури, ҳаво кемасининг рўйхат ва давлат таниш белгилари кўрсатилган танитувчи табличкаси.

**3-боб. Учишга яроқлилик сертификатининг турлари**

11. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учишга яроқлилик сертификатининг уч тури қўлланилади:

а) учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификати;

б) учишга яроқлилик бўйича махсус сертификати;

д) учишга яроқлилик бўйича экспорт сертификати.

12. Учишга яроқлилик сертификатига сертификатнинг аниқ турини аниқлайдиган иккита ҳарфдан иборат рақами (СА – учишга яроқлилик стандарт сертификати, SC – учишга яроқлилик махсус сертификати, ЕС – учишга яроқлилик экспорт сертификати) ва тартиб рақами ортиб борувчи оралиқ рақами берилади.

13. “Ўзавиация” агентлиги директори (директор ўринбосари) ёки “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан учишга яроқлилик сертификати имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

14. Қуйидаги ҳолларда учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификати берилади:

фуқаро ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига киритилганидан кейин (учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификатини дастлабки бериш);

аввал берилган учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификатининг амал қилиш муддати тугаганда;

фуқаро ҳаво кемасининг тоифаси ва/ёки қўлланилиши ўзгарганда.

15. Учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификати ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилади.

Учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификат рақами эксплуатацияда бўлган бутун давр мобайнида аниқ бир фуқаро ҳаво кемасида сақланиб қолади.

16. Учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификати бир календар йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

17. Агар фуқаро ҳаво кемаси ва/ёки парвозларни бажариш шароитлари учишга яроқлилик нормалари талабларига жавоб бермаса, қуйидаги ҳолларда учишга яроқлилик бўйича махсус сертификати берилади:

ремонтлар, ўзгаришлар ёки техник хизмат кўрсатиш бажарилиши лозим бўлган жойига, шунингдек сақлаб туриш жойига ҳаво кемаси учиб ўтиши учун;

ушбу турдаги ҳаво кемасининг эксплуатация ҳужжатларига кўра рухсат беришдан ва чекловлардан ташқарига чиқувчи, ҳаво кемаси жойлашган жойда бартараф этилиши мумкин бўлмаган зарар ва/ёки носозликлар ҳаво кемасининг конструкцияси ёки унинг компонентларида мавжуд бўлса;

хавф солиши мумкин бўлган ҳududдан ёки форс-мажор ҳолати юзага келганда фуқаро ҳаво кемасини эвакуация қилиш учун;

“Ўзавиация” агентлиги қарорига кўра бошқа ҳар қандай ҳолларда.

18. Учишга яроқлилик бўйича махсус сертификати фақат маълум бир парвозни амалга ошириш учун ҳақиқий ҳисобланади ва фуқаро ҳаво кемаси сертификатда кўрсатилган эксплуатация чекловларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган йўналиши бўйлаб хавфсиз парвозни амалга оширишга қодирлигини тасдиқлайди.

19. Учишга яроқлилик бўйича махсус сертификати ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилади.

20. Учишга яроқлилик бўйича махсус сертификати ўн беш календар кунидан кўп бўлмаган муддатга берилади.

21. Фуқаро ҳаво кемасини хорижий давлатнинг авиация маъмурияти юрисдикциясига ўтказишда, уни Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилиши билан бирга учишга яроқлилик бўйича экспорт сертификати берилади.

22. Учишга яроқлилик бўйича экспорт сертификати ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилади.

23. Учишга яроқлилик бўйича экспорт сертификати бир календар ойдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

## 4-боб. Учишга яроқлилик сертификатини бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш тартиби

24. Учишга яроқлилик сертификатини олиш учун зарур бўлган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Агар ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар бевосита “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилган ҳолда учишга яроқлилик бўйича стандарт ва экспорт сертификатларни олиш учун аризачи томонидан ушбу Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклида, учишга яроқлилик бўйича махсус сертификатини олиш учун ушбу Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклида расмийлаштиради.

Агар ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилаётган бўлса, аризачи паспортларнинг
5-бандига асосан маълумот киритилади.

25. “Ўзавиация” агентлигига бевосита тақдим этилган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилинади, ушбу рўйхатда ҳужжатларнинг номи, варақлар сони кўрсатилади. Қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ҳужжатлар рўйхатининг битта нусхаси зудлик билан аризачига тақдим этилади (юборилади).

Ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда, ахборот тизим орқали тақдим этилаган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар иш вақтидан кейин, дам олиш ёки байрам кунлари келиб тушганда навбатдаги иш куни “Ўзавиация” агентлигига келиб тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

26. Ушбу Низомига мувофиқ “Ўзавиация” агентлигига тақдим этиладиган ҳужжатлар, фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш муддати давомида сақланиши лозим.

27. “Ўзавиация” агентлиги белгиланган тартибда учишга яроқлилик сертификатини бериш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан қўшимча ҳужжатларни ҳамда ахборотни мустақил равишда “ягона дарча” принципи бўйича идоралараро электрон ҳамкорлиги орқали олади. Аризачидан ушбу Низомнинг 5-бобида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

## 5-боб. Учишга яроқлилик сертификатини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

### 1-§. Учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификатини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

28. Учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификатини олиш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

а) ариза;

б) ҳаво кемасида унинг учишга яроқлилигини аниқлаш учун, назорат-синов парвозларни (назорат учишларни) бажарилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (протокол, далолатнома ва ҳоказо) нусхасини, агар ушбу парвоз амалга оширилган бўлса;

в) аризачи томонидан тасдиқланган ҳаво кемасини ташқи бўяш индивидуал/намунали схемаси;

г) ҳаво кемасининг вазни ва центровкасини аниқлаш тўғрисидаги ҳужжат (протокол, ҳисобот, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси;

д) аризачи томонидан ўтказилган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига текшируви тўғрисидаги ҳужжат (протокол, ҳисобот, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси;

е) ҳаво кемаси компонентларининг ресурсини ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар (реестрлар, қайдномалари, ҳисобга олиш карточкалари ва ҳоказо) нусхалари;

ж) ҳаво кемаси формулярини (максимал учиш вазни 5000 кг дан кам бўлган ҳаво кемалари учун);

з) агар ресурс ва/ёки хизмат муддатини узайтириш бўйича ишлар бажарилган ҳаво кемасига учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификати берилган бўлса, қуйидаги ҳужжатлар нусхалари:

аниқ бир намунали ҳаво кемаси учун ресурс ва/ёки хизмат муддатини белгилаш тўғрисидаги ҳаво кемаси лойиҳаловчисининг (ишлаб чиқарувчисининг) қарорлари (хулосалари ва ҳоказо);

ресурс ва/ёки хизмат муддатини узайтириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ этиш бўйича ҳаво кемаси лойиҳаловчисининг (ишлаб чиқарувчисининг) дастури;

ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ этиш бўйича дастури натижаларига кўра ҳаво кемасини техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатнома;

ҳаво кемасини техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатномасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги далолатнома.

29. Илгари берилган сертификатининг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан учишга яроқлилик бўйича standart сертификатини олиш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига

ушбу Низомнинг 28-банди “а”, “б”, “г”, “д”, “е”, “ж”, “з” кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади. Ҳужжатлар сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан камида ўн беш кунидан ошмаган муддатда аризачи томонидан тақдим этилиши лозим.

30. Фуқаро ҳаво кемасининг тоифаси ва/ёки қўлланилиши ўзгарганлиги муносабати билан standart сертификатини олиш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига ушбу Низомнинг 28-банди “а”, “б”, “г”, “д”, “е”, “ж”, “з” кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади.

### 2-§. Учишга яроқлилик бўйича махсус сертификатини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

31. Учишга яроқлилик бўйича махсус сертификатини олиш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) аризани;

б) ушбу Низом 17-бандининг учинчи хатбошида кўрсатилган ҳолларда парвозни амалга ошириш имконияти тўғрисидаги фуқаро ҳаво кемасининг ишлаб чиқарувчиси (лойиҳаловчи) билан келишувини;

в) аризачининг учувчи-техник комиссияси томонидан хавфсиз парвозни амалга ошириш имконияти тўғрисидаги хулосаси билан тайёрланган фуқаро ҳаво кемасини техник ҳолатини баҳолаш далолатномасини.

### 3-§. Учишга яроқлилик бўйича экспорт сертификатини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

32. Учишга яроқлилик бўйича експорт сертификатини олиш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) аризани;

б) ҳаво кемасини қабул қилиш-топшириш далолатноманинг нусхасини;

в) давлатнинг авиацион маъмуриятидан фуқаро ҳаво кемаси ушбу давлатда рўйхатга олиниши тўғрисида хабарноманинг нусхасини;

г) ушбу Низомнинг 28-банди “б”, “г”, “д”, “е”, “ж”, “з” кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхаларини (зарурат бўлганда);

д) илгари берилган учишга яроқлилик сертификатининг асл нусхасини.

33. Фуқаро ҳаво кемасини хорижий давлатга топширилган тақдирда, аризачи ушбу Низомнинг 32-банди “б” кичик бандида кўрсатилган ҳаво кемасини қабул қилиш-топшириш далолатноманинг нусхасини, ҳаво кемасини қабул қилиш ва топшириш бўйича уни ваколатли шахслар томонидан имзоланганидан кейин “Ўзавиация” агентлигига тақдим этади.

## 6-боб. Аризани кўриб чиқиш ва учишга яроқлилик сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш

34. Учишга яроқлилик сертификатини бериш тўғрисидаги аризани “Ўзавиация” агентлиги томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

35. “Ўзавиация” агентлиги аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўн беш календар

кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади, учишга яроқлилик сертификатини беради ёки беришни рад этади, мазкур Низом 35-банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Фуқаро ҳаво кемани ишлаб чиқарувчи заводидан, авиатаъмирлаш заводидан, фуқаро ҳаво кемасини сотувчидан қабул қилинган ҳолларда, “Ўзавиация” агентлиги аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда аризани кўриб чиқади, учишга яроқлилик сертификатини беради ёки беришни рад этади.

Фуқаро ҳаво кемасининг техник ҳолатини Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳудудида текшириш ва жойига чиқиш билан боғлиқ барча харажатлар аризачи томонидан тўланади.

36. Аризани кўриб чиқиш жараёнида:

а) аризачи арз қилган фуқаро ҳаво кемаси, унинг двигателлар, ҳаво винтлар ва ўрнатилган ускуналар тўғрисидаги маълумотлари тўлиқлигини ва тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганини текширади;

б) учишга яроқлилик стандарт сертификатини бериш учун фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига текшируви ўтказилади. Текшириш дастури “Ўзавиация” агентлиги томонидан белгиланади. Максимал учиш вазни 5700 кг дан кам бўлган фуқаро ҳаво кемасида “Ўзавиация” агентлиги мутахассиси томонидан фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига текшируви ўтказилмаслигига йўл қўйилади.

37. Учишга яроқлилик сертификатини бериш учун масъул бўлган “Ўзавиация” агентлигининг мутахассиси, ушбу Низомнинг 36-бандида назарда тутилган ҳаракатларни ўтказиб бўлганидан кейин, учишга яроқлилик сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради.

38. Ўзавиация” агентлиги аризачига учишга яроқлилик сертификатини беради ёки учишга яроқлилик сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда аризачини ёзма равишда ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Агар “Ўзавиация” агентлиги аризачининг учишга яроқлилик сертификатини бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида аризачига учишга яроқлилик сертификатини бермаса ва уни беришни рад этмаса, ушбу Низомнинг 35-бандида назарда тутилган муддатлар ўтганидан кейин аризачи амалга оширилиши учун учишга яроқлилик сертификатини олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда “Ўзавиация” агентлигини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади. Бундай ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризачига учишга яроқлилик сертификатини бериши лозим.

Бунда аризачи учишга яроқлилик сертификатсиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда “Ўзавиация” агентлиги эҳтимол тутилган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

39. Аризачига қуйидаги ҳолларда учишга яроқлилик сертификатини беришни рад этилиши мумкин:

учишга яроқлилик сертификатини бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни аризачи томонидан тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган бўлса;

аризачи рухсат бериш талаблар ва шартларга мувофиқ бўлмаса;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки ишончсиз маълумотлари мавжуд бўлса;

фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига текширув натижаларига асосланган салбий хулоса мавжудлиги.

Учишга яроқлилик сертификатини беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

40. Ушбу Низом 39-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда аризачига камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарномани ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади).

Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

41. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

42. Хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, “Ўзавиация” агентлиги учишга яроқлилик сертификатини беришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда учишга яроқлилик сертификатини беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

43. Учишга яроқлилик сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади). Аризачи рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат учишга яроқлилик сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

44. Аризачи томонидан учишга яроқлилик сертификатини бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, учишга яроқлилик сертификатини бериш ёхуд уни беришни рад этиш аризачининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда “Ўзавиация” агентлиги томонидан амалга оширилади. Аризани такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

45. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда “Ўзавиация” агентлиги томонидан аризачига илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, бундан илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши мустасно.

46. Учишга яроқлилик сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин аризачи томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва “Ўзавиация” агентлиги томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

**47.** Аризачи учишга яроқлилик сертификатни бериш рад этилгани, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан Ўзбекистон Республикаси “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**7-боб. Учишга яроқлилик сертификатини қайта расмийлаштириш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш**

48. Учишга яроқлилик сертификатини қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасида кўрсатилган ҳолларда амалга оширилади.

49. Агар учишга яроқлилик сертификати йўқолган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилган тақдирда аризачининг аризаси асосида қайта расмийлаштирилган (янги) учишга яроқлилик сертификати берилади.

50. Учишга яроқлилик сертификатни қайта расмийлаштириш учун, аризачи “Ўзавиация” агентлигига ушбу Низомнинг 24-бандида белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар илова қилинган аризани тақдим этади.

51. Учишга яроқлилик сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

52. Учишга яроқлилик сертификатни қайта расмийлаштиришда “Ўзавиация” агентлиги томонидан Учишга яроқлилик сертификатлар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

53. Учишга яроқлилик сертификатни қайта расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

54. Учишга яроқлилик стандарт сертификатини амал қилиш муддатини узайтириш учишга яроқлилик стандарт сертификатини бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

55. Учишга яроқлилик махсус ёки экспорт сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш фуқаро ҳаво кемасида парвозни амалга оширилмаганининг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда аризачининг мурожаатига кўра амалга оширилади. Илгари берилган учишга яроқлилик махсус ёки экспорт сертификатини бериш учун асос бўлган шартларда ўзгаришлар юз берган тақдирда, аризачи ушбу Низомнинг 31 ва 32-бандларига мувофиқ мурожаатига зарур бўлган ҳужжатларни илова қилади.

56. “Ўзавиация” агентлиги махсус ёки экспорт сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризачининг мурожаатини олган кунидан бошлаб уч иш кун ичида кўриб чиқади ва тегишли сертификатни беради.

**8-боб. Учишга яроқлилик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш**

57. Учишга яроқлилик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), тугатиш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” Қонунининг 32, 33 ва 34-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

58. Фуқаро ҳаво кемаси парвозлар хавфсизлигига реал таҳдидни яратишга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган ва ҳаво кемасини екcплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш, ремонт

қилиш ёки сақлаб туриш жараёнида аниқланган учишга яроқлилик нормаларни бир марта қўпол равишда бузишларига қуйидагилар киради:

а) унинг учишга яроқлилигини бузилишига олиб келадиган авиация ҳалокати (ҳодисаси) ёки инциденти мавжудлиги;

б) аниқ бир намунали фуқаро ҳаво кемаси учун белгиланган ресурс ва хизмат муддатини ишлатиб бўлганидан сўнг фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиниши;

в) учишга яроқлилик директиваларини, мажбурий бюллетенларни ва назорат тариқасида текширувларни белгиланган муддатларда бажарилмаганлиги;

г) учишга яроқлилик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришига сабаб бўлган ҳолатларни белгиланган муддатда бартараф этилмаганлиги.

59. Фуқаро ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилган тақдирда учишга яроқлилик сертификати бекор қилиниши мумкин.

## 9-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган фуқаро ҳаво кемасига учишга яроқлилик сертификатини бериш

60. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган фуқаро ҳаво кемасига учишга яроқлилик сертификати қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фуқаро ҳаво кемасини експлуатация қилиш;

б) ҳаво кемасини сотиб олиш (ижарага олиш);

в) авиатаъмирлаш заводидан ҳаво кемасини қабул қилиш.

61. Аризачининг мурожаати асосида, “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мутахассис томонидан, ҳаво кемаси базировка жойида учишга яроқлилик сертификатини бериш тартиб-таомилларни бажарилиши амалга оширилади.

62. Фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига текширувини ўтказиш ва учишга яроқлилик сертификатини бериш учун “Ўзавиация” агентлиги мутахассисни хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ барча харажатлар (визани расмийлаштириш, сафар, овқатланиш, яшаш ва суткалик харажатлар ва бошқалар) аризачи томонидан қопланади.

63. Фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига текширувини “Ўзавиация” агентлиги мутахассиси ўтказилаётган жойида, учишга яроқлилик сертификатини бериш учун аризага илова қилинадиган ҳужжатлар аризачининг ваколатли мутахассислари томонидан тўлдирилиши мумкин.

## 10-боб. Учишга яроқлилик сертификатлар реестрлари

64. Учишга яроқлилик сертификатлар реестри электрон шаклда ахборот тизим орқали олиб борилади. Реестрдаги маълумотлар очиқ ҳисобланади.

65. “Ўзавиация” агентлиги учишга яроқлилик сертификатлар реестрини доимий асосда юритади, ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритади.

## 11-боб. Якунловчи қоида

66. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ

жавоб берадилар.

Фуқаро ҳаво кемасини
учишга яроқлилик сертификатини
бериш тартиби тўғрисида низомга
1-илова

**Учишга яроқлилик сертификатни бериш**

**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Аризачи | Учишга яроқлилик сертификатини олиш учун, ушбу Низомда назарда тутилган талабларига мувофиқ зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди. Ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки электрон шаклда ахборот тизим орқали тақдим этади. | Ўз хоҳишига кўра |
| 2-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Учишга яроқлилик сертификатини олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилади, унинг битта нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига тақдим этади (юборади) ёки ахборот тизим орқали тақдим этилганда ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик ахборот тизим орқали аризачига юборилади. | Ҳужжатларни қабул қилинган кунидан бошлаб |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | 1. Учишга яроқлилик сертификатини бериш учун тақдим этилган аризани ва ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда учишга яроқлилик стандарт сертификати берилса, инспекция текширувини ўтказади.<br>2. Ижобий хулосаси асосида аризачига учишга яроқлилик сертификатининг асл нусхасини беради (юборади) ёхуд учишга яроқлилик сертификатини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, ёзма ёки электрон шаклда рад этиш сабаблари, кўрсатилиб, аризачини хабардор қилади. | 1. Аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўн беш кунидан ошмаган муддатда (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда).<br>2. Рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда. |
| 4-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Аризачи рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, учишга яроқлилик сертификатини бериш ёхуд уни беришни рад этиш амалга оширилади. | Рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда. |

Фуқаро ҳаво кемасини
учишга яроқлилик сертификатини
бериш тартиби тўғрисида низомга
2-илова

<table>
<tr><td colspan="2">ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ<br>ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ<br>ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ<br><br>“ЎЗАВИАЦИЯ” АГЕНТЛИГИ</td><td>CIVIL AVIATION AGENCY<br>UNDER THE MINISTRY OF<br>TRANSPORT<br>OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN<br>CAA OF UZBEKISTAN</td></tr>
<tr><td colspan="3">73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,<br>TEL.: + (998-78)-1200063, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: technique@uzcaa.uz</td></tr>
<tr><td colspan="2">УЧИШГА ЯРОҚЛИЛИК БЎЙИЧА СТАНДАРТ СЕРТИФИКАТИ<br>СТАНДАРТНЫЙ СЕРТИФИКАТ ЛЁТНОЙ ГОДНОСТИ<br>STANDARD CERTIFICATE OF AIRWORTHINESS</td><td>№ CA XXX</td></tr>
<tr><td>Давлат таниш<br>ва рўйхат белгилари<br>Государственные опознавательные и регистрационные знаки<br>Nationality and registration marks</td><td>Ишлаб чиқарувчиси томонидан ҳаво кемасининг белгиланиши<br>Обозначение воздушного судна изготовителем<br>Manufacturer’s designation of aircraft</td><td>Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган) рақами<br>Серийный (заводской) номер воздушного судна<br>Aircraft serial (manufacturer) number</td></tr>
</table>

<table>
<tr><td>Ишлаб чиқарувчи:<br>Производитель:<br>Manufacturer:</td><td rowspan="2">Максимал учиб чиқиш вазни:<br>Максимальный взлетный вес<br>Maximum take off weight</td></tr>
<tr><td>Toifasi va/yoki qo‘llanilishi:<br>Категория и/или применение:<br>Category and/or operation:</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ушбу учишга яроқлилик сертификати юқорида қайд қилинган ҳаво кемасига 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция ва Фуқаро ҳаво кемасини учишга яроқлилик сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ берилган ва у учишга яроқли деб ҳисобланади, агар ундан тегишли эксплуатация чекловлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланилаётган ва унга хизмат кўрсатилаётган бўлса.<br>Настоящий сертификат лётной годности выдан в соответствии с Конвенцией о международной гражданской авиации от 7 декабря 1944 года и Положением о порядке выдачи сертификата летной годности гражданского воздушного судна и относится к вышеупомянутому воздушному судну, которое считается пригодным к полетам при условии, что его техническое обслуживание и эксплуатация соответствуют вышеуказанным документам и установленным эксплуатационным ограничениям.<br>This Certificate of Airworthiness is issued pursuant to the Convention on International Civil Aviation dated 7th December, 1944, and to the Regulation on the procedure for issuing the certificate of airworthiness on the civil aircraft in respect of the above-mentioned aircraft which is considered to be airworthy when maintained and operated in accordance with the foregoing requirements and the pertinent operating limitations.</td></tr>
</table>

<table>
<tr><td>Дастлабки бериш<br>Первоначальная выдача<br>Initial issue</td><td colspan="2">Сертификатни янгилаш<br>Возобновление Сертификата<br>Resumption of Certificate</td></tr>
<tr><td>Берилган сана:<br>Дата выдачи:<br>Date of issue:</td><td>Амал қилиш муддати:<br>Срок действия:<br>Validation term:</td><td>from / с<br>to / до</td></tr>
<tr><td colspan="3">М.Ў./М.П./stamp ____________________<br>лавозим, имзо, Ф.И.Ш. / должность, подпись, Ф.И.О. / position, signature, name</td></tr>
</table>

Фуқаро ҳаво кемасини учишга яроқлилик сертификатини бериш тартиби тўғрисида низомга 3-илова

<table>
<tr><td colspan="2">ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ<br><br>“ЎЗАВИАЦИЯ” АГЕНТЛИГИ</td><td>CIVIL AVIATION AGENCY UNDER THE MINISTRY OF TRANSPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN<br>CAA OF UZBEKISTAN</td></tr>
<tr><td colspan="3">73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,<br>TEL.: + (998-78)-1200063, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: technique@uzcaa.uz</td></tr>
<tr><td colspan="2">УЧИШГА ЯРОҚЛИЛИК БЎЙИЧА МАХСУС СЕРТИФИКАТИ<br>СПЕЦИАЛЬНЫЙ СЕРТИФИКАТ ЛЁТНОЙ ГОДНОСТИ<br>SPECIAL CERTIFICATE OF AIRWORTHINESS</td><td>№ SC XXX</td></tr>
<tr><td>Давлат таниш ва рўйхат белгилари<br>Государственные опознавательные и регистрационные знаки<br>Nationality and registration marks</td><td>Ишлаб чиқарувчиси томонидан ҳаво кемасининг белгиланиши<br>Обозначение воздушного судна изготовителем<br>Manufacturer’s designation of aircraft</td><td>Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган) рақами<br>Серийный (заводской) номер воздушного судна<br>Aircraft serial (manufacturer) number</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| **Ушбу учишга яроқлилик бўйича махсус сертификати 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция ва Фуқаро ҳаво кемасини учишга яроқлилик сертификатини бериш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ берилган ва фуқаро ҳаво кемаси сертификатида кўрсатилган эксплуатация чекловларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган йўналиши бўйлаб хавфсиз парвозни амалга оширишга қодирлигини тасдиқлайди.**<br>*Настоящий специальный сертификат летной годности выдан в соответствии с Конвенцией о международной гражданской авиации от 7 декабря 1944 года и Положением о порядке выдачи сертификата летной годности гражданского воздушного судна и подтверждает, что гражданское воздушное судно способно осуществить безопасный полет по указанному маршруту с учетом установленных эксплуатационных ограничений, указанных в сертификате.*<br>This Special Certificate of Airworthiness is issued pursuant to the Convention on International Civil Aviation dated 7th December, 1944, and to the Regulation on the procedure for issuing the certificate of airworthiness on the civil aircraft and confirms that a civil aircraft is capable of performing a safe flight along the specified route, taking into account established operational restrictions, specified in the certificate. | | |
| **Парвоз йўналиши** / *Маршрут полета* / Flight route:<br>**Чекловлар** / *Ограничения/* Limitation:<br>1)<br>2)<br>3)<br>4) | | |
| **Берилган сана:**<br>*Дата выдачи:*<br>Date of issue: | **Амал қилиш муддати:**<br>*Срок действия:*<br>Validation term: | from / с<br>to / до |
| **М.Ў.**/*М.П.*/stamp | **лавозим, имзо, Ф.И.Ш.** / *должность, подпись, Ф.И.О.* / position, signature, name | |

Фуқаро ҳаво кемасини
учишга яроқлилик сертификатини
бериш тартиби тўғрисида низомга
4-илова

| | |
|---|---|
| **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ<br>ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ<br>ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ<br><br>“ЎЗАВИАЦИЯ” АГЕНТЛИГИ** | **CIVIL AVIATION AGENCY<br>UNDER THE MINISTRY OF<br>TRANSPORT<br>OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN<br>CAA OF UZBEKISTAN** |
| 73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,<br>TEL.: + (998-78)-1200063, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: technique@uzcaa.uz | |
| **УЧИШГА ЯРОҚЛИЛИК БЎЙИЧА ЭКСПОРТ СЕРТИФИКАТИ**<br>*ЭКСПОРТНЫЙ СЕРТИФИКАТ ЛЁТНОЙ ГОДНОСТИ*<br>EXPORT CERTIFICATE OF AIRWORTHINESS | **№ EC XXX** |

**Ушбу билан тасдиқланмоқдаки, мазкур сертификат имзолаш санасида маҳсулот текширилди ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ парвозларни амалга ошириш учун яроқли деб ҳисобланади. Ушбу сертификат ҳеч қандай тарзда давлатлар ўртасидаги ҳар қандай битим ва шартномаларга мувофиқлигини тасдиқламайди ва бошқа давлатда ҳаво кемасини эксплуатация қилиш ҳуқуқини бермайди.**
*Настоящим удостоверяется, что изделие проверено на дату подписания данного сертификата, считается пригодным к полетам в соответствии с законодательством Республики Узбекистан. Настоящий сертификат никоим образом не удостоверяет соответствие каким-либо соглашениям и договорам между государствами и не дает права на эксплуатацию воздушного судна в другом государстве.*
This certifies that the product has been examined as of the date of signing this certificate, and is considered suitable for flights in accordance with the legislation of the Republic of Uzbekistan. The certificate in no way attests to compliance with any agreement or contracts between the states, nor does it constitute authority to operate an aircraft.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Маҳсулот:**<br>*Изделие:*<br>Product: | | **Ўрнатилган двигателлар:**<br>Установлены двигатели:<br>Engines Installed: | | | |
| | | **Умумий иш вақти:**<br>*Общая наработка:*<br>Total operating time: | | | |
| **Тури (модификацияси):**<br>*Тип (модификация):*<br>Type (modification): | | **Планер**<br>*Планер*<br>Airframe | | | |
| **Серияли (заводда берилган ) рақами**<br>*Серийный (заводской) №:*<br>Serial No (manufacture): | | **1-двигатель**<br>*Двигатель № 1*<br>Engine#1 | | | |
| | | **2-двигатель**<br>*Двигатель № 2*<br>Engine#2 | | | |
| **Экспорт қилинаётган давлат:**<br>*Государство, в которое экспортируется:*<br>Country to which exported: | | **3-двигатель**<br>*Двигатель № 3*<br>Engine#3 | | | |
| | | **4-двигатель**<br>*Двигатель № 4*<br>Engine#4 | | | |

| | | |
|---|---|---|
| **Янги**<br>*Новый*<br>New | **Таъмирланган**<br>*Отремонтированный*<br>Repaired | **Эксплкатация қилинган эди**<br>*Был в эксплуатации*<br>Used |

| | |
|---|---|
| **Берилган сана:**<br>*Дата выдачи:*<br>Date of issue: | |
| **М.Ў.**/*М.П.*/stamp | **лавозим, имзо, Ф.И.Ш.** / *должность, подпись, Ф.И.О.* / position, signature, name |

Фуқаро ҳаво кемасини
учишга яроқлилик сертификатини
бериш тартиби тўғрисида низомга
5-илова

**Фуқаро ҳаво кемаларига учишга яроқлилик**

**стандарт сертификатни бериш**

# ПАСПОРТИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:** | Фуқаро ҳаво кемаларига учишга яроқлилик стандарт сертификати |
| 2. | **Амалага оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):** | Фуқаро авиациясида ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш |
| 3. | **Ариза берувчилар тоифаси:** | Юридик ёки жисмоний шахс |
| 4. | **Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:** | “Ўзавиация” агентлиги |

**5.** **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:**

а) ариза;
Аризада қуйидагилар акс эттирилади:
юридик шахс учун — ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефон рақами, электрон почта манзили;
жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), турар жойи манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);
сертификат қайси муддатгача берилиши _______
(сана/ой/йил);
ариза бериш сабаби _________________________ (ҳаво кемасини эксплуатацияси бошланиши (дастлабки бериш), илгари берилган сертификатни муддати тугаганлиги ва ҳоказо).

Ҳаво кемаси тўғрисида маълумотлар:

| | |
|---|---|
| Ҳаво кемасининг тури | |
| Давлат таниш ва рўйхат белгилари | |
| Серияли (заводда берилган) рақами | |
| Ишлаб чиқарилган жойи ва санаси | |
| Двигателлар / ҳаво винтлари тури | |
| Ҳаво кемаси тоифаси ва /ёки қўлланилиши | |
| Таъмирлашларнинг сони, жойи ва охирги таъмирлаш санаси | |
| Ҳаво кемаси базировка (аренда) жойи | |
| Ҳаво кемасини охирги тортиш (вазнини ўлчаш) санаси ва жойи | |
| Ҳаво кемасини бўш вазни, кг Центровкаси (САХ), % | |
| Жиҳозланган ҳаво кемасининг бўш вазни (Basic Empty Weight), кг Центровкаси (САХ), % | |
| Максимал учиш вазни, кг | |
| Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда (соат/цикли/сана) | |
| Таъмирлашлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда (соат/цикли/сана) | |
| Ҳаво кемасини ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтидан | |
| Ҳаво кемасини ишлаган вақти (соат/цикли) охирги таъмирдан кейин | |

Двигателлари тўғрисида маълумотлар:

| Двигателнинг тартиб рақами | 1-чи | 2-чи | 3-чи | 4-чи |
|---|---|---|---|---|
| Завод рақами | | | | |
| Ишлаб чиқарилган санаси | | | | |
| Таъмирлашларнинг сони, охирги таъмирлаш санаси ва жойи | | | | |
| Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Таъмирлашлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтидан | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) охирги таъмирдан кейин | | | | |

Ҳаво винтлар тўғрисида маълумотлар:

| Ҳаво винтларнинг тартиб рақами | 1-чи | 2-чи | 3-чи | 4-чи |
|---|---|---|---|---|
| Завод рақами | | | | |
| Ишлаб чиқарилган санаси | | | | |
| Таъмирлашларнинг сони, охирги таъмирлаш санаси ва жойи | | | | |
| Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Таъмирлашлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтдан | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) охирги таъмирдан кейин | | | | |

Ҳаво кемаси кўриб чиқилди, формуляр ва паспортлар, буюмларнинг чекланган ресурс ҳолати текширилди
___________________________________ (камчиликлар йўқ, аниқланган камчиликлар бартараф этилди).
Учишга яроқлилик бўйича барча бажарилиши шарт бўлган бюллетенлар ва кўрсатмалар, ариза бериш кунига қадар бажарилган, ҳаво кемаси комплектлаб қўйилган, регламентда кўрсатилган техник кўрсатиш ишлари бажарилган.
Ҳаво кемаси ишлайдиган ҳолатда ва бундан кейинги эксплуатация қилишга яроқлидир.

Учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификатини олиш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:
б) ҳаво кемасида унинг учишга яроқлилигини аниқлаш учун, назорат-синов парвозларни (назорат учишларни) бажарилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (протокол, далолатнома ва ҳоказо) нусхасини, агар ушбу парвоз амалга оширилган бўлса;
в) аризачи томонидан тасдиқланган ҳаво кемасини ташқи бўяш индивидуал/намунали схемаси;
г) ҳаво кемасининг вазни ва центровкасини аниқлаш тўғрисидаги ҳужжат (протокол, ҳисобот, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси;
д) аризачи томонидан ўтказилган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига текшируви тўғрисидаги ҳужжат (протокол, ҳисобот, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси;
е) ҳаво кемаси компонентларининг ресурсини ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар (реестрлар, қайдномалари, ҳисобга олиш карточкалари ва ҳоказо) нусхалари;
ж) ҳаво кемаси формулярини (максимал учиш вазни 5000 кг дан кам бўлган ҳаво кемалари учун);
з) агар ресурс ва/ёки хизмат муддатини узайтириш бўйича ишлар бажарилган ҳаво кемасига учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификати берилган бўлса, қуйидаги ҳужжатлар нусхалари:
аниқ бир намунали ҳаво кемаси учун ресурс ва/ёки хизмат муддатини белгилаш тўғрисидаги ҳаво кемаси лойиҳаловчисининг (ишлаб чиқарувчисининг) қарорлари (хулосалари ва ҳоказо);
ресурс ва/ёки хизмат муддатини узайтириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ этиш бўйича ҳаво кемаси лойиҳаловчисининг (ишлаб чиқарувчисининг) дастури;
ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ етиш бўйича дастури натижаларига кўра ҳаво кемасини техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатнома;
ҳаво кемасини техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатномасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги далолатнома.

Илгари берилган сертификатининг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификатини олиш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:
б) ҳаво кемасида унинг учишга яроқлилигини аниқлаш учун, назорат-синов парвозларни (назорат учишларни) бажарилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (протокол, далолатнома ва ҳоказо) нусхасини, агар ушбу парвоз амалга оширилган бўлса;
в) ҳаво кемасининг вазни ва центровкасини аниқлаш тўғрисидаги ҳужжат (протокол, ҳисобот, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси;
г) аризачи томонидан ўтказилган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига текшируви тўғрисидаги ҳужжат (протокол, ҳисобот, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси;
д) ҳаво кемаси компонентларининг ресурсини ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар (реестрлар, қайдномалари, ҳисобга олиш карточкалари ва ҳоказо) нусхалари;
е) ҳаво кемаси формулярини (максимал учиш вазни 5000 кг дан кам бўлган ҳаво кемалари учун);
ж) агар ресурс ва/ёки хизмат муддатини узайтириш бўйича ишлар бажарилган ҳаво кемасига учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификати берилган бўлса, қуйидаги ҳужжатлар нусхалари:
аниқ бир намунали ҳаво кемаси учун ресурс ва/ёки хизмат муддатини белгилаш тўғрисидаги ҳаво кемаси лойиҳаловчисининг (ишлаб чиқарувчисининг) қарорлари (хулосалари ва ҳоказо);
ресурс ва/ёки хизмат муддатини узайтириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ этиш бўйича ҳаво кемаси лойиҳаловчисининг (ишлаб чиқарувчисининг) дастури;
ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ етиш бўйича дастури натижаларига кўра ҳаво кемасини техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатнома;
ҳаво кемасини техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатномасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги далолатнома.

| | | |
|---|---|---|
| **6.** | **Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Йиғим ундирилмайди |
| **7.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:** | Йиғим ундирилмайди |
| **8.** | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | 15 кун (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда) |
| **9.** | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;<br>б) ушбу Низомнинг 5-7-иловаларидаги паспортларда келтирилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;<br>в) “Ўзавиация” агентлигига учишга яроқлилик сертификатни олиш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;<br>г) эгаси (мулкдори) - юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) - жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;<br>д) фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини сақлашни таъминлаш;<br>е) ҳаво кемаси қуйидагиларга эга бўлиши керак:<br>серияли ишлаб чиқариладиган ҳаво кемалар учун – фуқаро ҳаво кемаси турининг сертификати ёки ягона намунали ҳаво кемалар учун – ҳаво кемаси эксплуатацияга яроқлилиги тўғрисида аттестати;<br>ҳаво кемасига қайд этилган рўйхат ва давлат таниш белгилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирини ифодаловчи белги билан бирга ташқи бўялиши;<br>ҳаво кемасининг асосий кириш йўлагида, кўринадиган жойга ўрнатилган, ҳаво кемасининг тури, ҳаво кемасининг рўйхат ва давлат таниш белгилари кўрсатилган танитувчи табличкаси. |
| **10.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас |
| **11.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | Бир календар йилдан кўп бўлмаган муддатга |
| **12.** | **Изоҳ:** | Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги аризачига учишга яроқлилик сертификатининг асл нусхасини беради. |

Фуқаро ҳаво кемасини
учишга яроқлилик сертификатини
бериш тартиби тўғрисида низомга
6-илова

**Фуқаро ҳаво кемаларига учишга яроқлилик**

**махсус сертификатни бериш**

**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:** | Фуқаро ҳаво кемаларига учишга яроқлилик махсус сертификати |
| **2.** | **Амалага оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):** | Ремонтлар, ўзгаришлар ёки техник хизмат кўрсатиш бажарилиши лозим бўлган жойига, шунингдек сақлаб туриш жойига ҳаво кемаси учиб ўтиши учун;<br>Ушбу турдаги ҳаво кемасининг эксплуатация ҳужжатларига кўра рухсат беришдан ва чекловлардан ташқарига чиқувчи, ҳаво кемаси жойлашган жойда бартараф этилиши мумкин бўлмаган зарар ва/ёки носозликлар ҳаво кемасининг конструкцияси ёки унинг компонентларида мавжуд бўлса;<br>Хавф солиши мумкин бўлган ҳудуддан ёки форс-мажор ҳолати юзага келганда фуқаро ҳаво кемасини эвакуация қилиш учун;<br>“Ўзавиация” агентлиги қарорига кўра бошқа ҳар қандай ҳолларда. |
| **3.** | **Ариза берувчилар тоифаси:** | Юридик ёки жисмоний шахс |
| **4.** | **Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:** | “Ўзавиация” агентлиги |

<table>
<tr>
<td>5.</td>
<td>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:</td>
<td>а) ариза;<br>Аризада қуйидагилар акс эттирилади:<br>юридик шахс учун — ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефон рақами, электрон почта манзили;<br>жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), турар жойи манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);<br>Учишга яроқлилик махсус сертификатни бериш (муддатини узайтириш) сабаби ________________.<br><br>Ҳаво кемаси тўғрисида маълумотлар:
<table>
<tr><td>Ҳаво кемасининг тури</td><td></td></tr>
<tr><td>Давлат таниш ва рўйхат белгилари</td><td></td></tr>
<tr><td>Серияли (заводда берилган) рақами</td><td></td></tr>
<tr><td>Ҳаво кемасининг ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтдан /охирги таъмирдан кейинги</td><td></td></tr>
<tr><td>Охирги оператив/даврий техник хизмат кўрсатиш (сана, техник хизмат кўрсатиш учун карта/нарядларининг рақами)</td><td></td></tr>
<tr><td>Парвознинг мақсади ва мўлжалланган йўналиши</td><td></td></tr>
<tr><td>Махсус парвозни амалга ошириш учун экипаж таркиби</td><td></td></tr>
<tr><td>Ҳаво кемасининг конструкцияси ва характеристикалари унинг конструкцияси турига номувофиқлиги ҳақида батафсил тавсифи</td><td></td></tr>
<tr><td>Парвозни амалга ошириш учун зарур бўлган эксплуатацион чекловлар ва махсус жиҳозлар рўйхати</td><td></td></tr>
<tr><td>Парвоз хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган мувофиқ текширувлар ёки синовларининг натижалари</td><td></td></tr>
<tr><td>Парвоз учун авиация ёқилғисининг ҳисобланган миқдори ва ҳаво кемасининг ҳақиқий учиб чиқиш вазни</td><td></td></tr>
</table>
<br>б) парвозни амалга ошириш имконияти тўғрисидаги фуқаро ҳаво кемасининг ишлаб чиқарувчиси (лойиҳаловчи) билан келишуви;<br>в) аризачининг учувчи-техник комиссияси томонидан хавфсиз парвозни амалга ошириш имконияти тўғрисидаги хулосаси билан тайёрланган фуқаро ҳаво кемасини техник ҳолатини баҳолаш далолатномаси.</td>
</tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| **6.** | **Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Йиғим ундирилмайди |
| **7.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:** | Йиғим ундирилмайди |
| **8.** | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | 15 кун (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда) |
| **9.** | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;<br>б) ушбу Низомнинг 5-7-иловаларидаги паспортларда келтирилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;<br>в) “Ўзавиация” агентлигига учишга яроқлилик сертификатни олиш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;<br>г) эгаси (мулкдори) - юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) - жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;<br>д) фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини сақлашни таъминлаш;<br>е) ҳаво кемаси қуйидагиларга эга бўлиши керак:<br>серияли ишлаб чиқариладиган ҳаво кемалар учун – фуқаро ҳаво кемаси турининг сертификати ёки ягона намунали ҳаво кемалар учун – ҳаво кемаси эксплуатацияга яроқлилиги тўғрисида аттестати;<br>ҳаво кемасига қайд этилган рўйхат ва давлат таниш белгилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирини ифодаловчи белги билан бирга ташқи бўялиши;<br>ҳаво кемасининг асосий кириш йўлагида, кўринадиган жойга ўрнатилган, ҳаво кемасининг тури, ҳаво кемасининг рўйхат ва давлат таниш белгилари кўрсатилган танитувчи табличкаси. |
| **10.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас. |
| **11.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | 15 календар кундан кўп бўлмаган муддатга. |
| **12.** | **Изоҳ:** | Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги аризачига учишга яроқлилик сертификатининг асл нусхасини беради. |

Фуқаро ҳаво кемасини
учишга яроқлилик сертификатини
бериш тартиби тўғрисида низомга
7-илова

**Фуқаро ҳаво кемаларига учишга яроқлилик**

**экспорт сертификатни бериш**

**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:** | Фуқаро ҳаво кемаларига учишга яроқлилик экспорт сертификати. |
| **2.** | **Амалага оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):** | Фуқаро ҳаво кемасини хорижий давлатнинг авиация маъмурияти юрисдикциясига ўтказиш. |
| **3.** | **Ариза берувчилар тоифаси:** | Юридик ёки жисмоний шахс. |
| **4.** | **Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:** | “Ўзавиация” агентлиги. |

5. **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:**

а) ариза;
Аризада қуйидагилар акс эттирилади:
юридик шахс учун — ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефон рақами, электрон почта манзили;
жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), турар жойи манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);
Сертификат қайси муддатгача берилиши _______ (сана/ой/йил);
Ариза бериш сабаби________________________.

Ҳаво кемаси тўғрисида маълумотлар:

| | |
|---|---|
| Ҳаво кемасининг тури | |
| Давлат таниш ва рўйхат белгилари | |
| Серияли (заводда берилган) рақами | |
| Ишлаб чиқарилган жойи ва санаси | |
| Двигателлар / ҳаво винтлари тури | |
| Ҳаво кемаси тоифаси ва /ёки қўлланилиши | |
| Таъмирлашларнинг сони, жойи ва охирги таъмирлаш санаси | |
| Ҳаво кемаси базировка (аренда) жойи | |
| Ҳаво кемасини охирги тортиш (вазнини ўлчаш) санаси ва жойи | |
| Ҳаво кемасини бўш вазни, кг Центровкаси (САХ), % | |
| Жиҳозланган ҳаво кемасининг бўш вазни (Basic Empty Weight), кг Центровкаси (САХ), % | |
| Максимал учиш вазни, кг | |
| Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда (соат/цикли/сана) | |
| Таъмирлашлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда (соат/цикли/сана) | |
| Ҳаво кемасини ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтидан | |
| Ҳаво кемасини ишлаган вақти (соат/цикли) охирги таъмирдан кейин | |

Двигателлари тўғрисида маълумотлар:

| Двигателнинг тартиб рақами | 1-чи | 2-чи | 3-чи | 4-чи |
|---|---|---|---|---|
| Завод рақами | | | | |
| Ишлаб чиқарилган санаси | | | | |
| Таъмирлашларнинг сони, охирги таъмирлаш санаси ва жойи | | | | |
| Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Таъмирлашлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтидан | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) охирги таъмирдан кейин | | | | |

Ҳаво винтлар тўғрисида маълумотлар:

| Ҳаво винтларнинг тартиб рақами | 1-чи | 2-чи | 3-чи | 4-чи |
|---|---|---|---|---|
| Завод рақами | | | | |
| Ишлаб чиқарилган санаси | | | | |
| Таъмирлашларнинг сони, охирги таъмирлаш санаси ва жойи | | | | |
| Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Таъмирлашлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтдан | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) охирги таъмирдан кейин | | | | |

Ҳаво кемаси кўриб чиқилди, формуляр ва паспортлар, буюмларнинг чекланган ресурс ҳолати текширилди ________________________________ (камчиликлар йўқ, аниқланган камчиликлар бартараф этилди).
Учишга яроқлилик бўйича барча бажарилиши шарт бўлган бюллетенлар ва кўрсатмалар, ариза бериш кунига қадар бажарилган, ҳаво кемаси комплектлаб қўйилган, регламентда кўрсатилган техник кўрсатиш ишлари бажарилган.
Ҳаво кемаси ишлайдиган ҳолатда ва база жойигача учиб ўтишига яроқли.

б) ҳаво кемасини қабул қилиш-топшириш далолатноманинг нусхаси;
в) давлатнинг авиацион маъмуриятидан фуқаро ҳаво кемаси ушбу давлатда рўйхатга олиниши тўғрисида хабарноманинг нусхаси;
г) ҳаво кемасида унинг учишга яроқлилигини аниқлаш учун, назорат-синов парвозларни (назорат учишларни) бажарилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (протокол, далолатнома ва ҳоказо) нусхасини, агар ушбу парвоз амалга оширилган бўлса;
д) ҳаво кемасининг вазни ва центровкасини аниқлаш тўғрисидаги ҳужжат (протокол, ҳисобот, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси;
е) аризачи томонидан ўтказилган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига текшируви тўғрисидаги ҳужжат (протокол, ҳисобот, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси;
з) ҳаво кемаси компонентларининг ресурсини ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар (реестрлар, қайдномалари, ҳисобга олиш карточкалари ва ҳоказо) нусхалари;
и) ҳаво кемаси формулярини (максимал учиш вазни 5000 кг дан кам бўлган ҳаво кемалари учун);
к) агар ресурс ва/ёки хизмат муддатини узайтириш бўйича ишлар бажарилган ҳаво кемасига учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификати берилган бўлса, қуйидаги ҳужжатлар нусхалари:
аниқ бир намунали ҳаво кемаси учун ресурс ва/ёки хизмат муддатини белгилаш тўғрисидаги ҳаво кемаси лойиҳаловчисининг (ишлаб чиқарувчисининг) қарорлари (хулосалари ва ҳоказо);
ресурс ва/ёки хизмат муддатини узайтириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ этиш бўйича ҳаво кемаси лойиҳаловчисининг (ишлаб чиқарувчисининг) дастури;
ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ етиш бўйича дастури натижаларига кўра ҳаво кемасини техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатнома;
ҳаво кемасини техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатномасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги далолатнома.
л) илгари берилган учишга яроқлилик сертификатининг асл нусхаси.

| | | |
|---|---|---|
| **6.** | **Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Йиғим ундирилмайди. |
| **7.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:** | Йиғим ундирилмайди. |
| **8.** | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | 15 кун (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда). |
| **9.** | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;<br>б) ушбу Низомнинг 5-7-иловаларидаги паспортларда келтирилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;<br>в) “Ўзавиация” агентлигига учишга яроқлилик сертификатни олиш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;<br>г) эгаси (мулкдори) - юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) - жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;<br>д) фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини сақлашни таъминлаш;<br>е) ҳаво кемаси қуйидагиларга эга бўлиши керак:<br>серияли ишлаб чиқариладиган ҳаво кемалар учун – фуқаро ҳаво кемаси турининг сертификати ёки ягона намунали ҳаво кемалар учун – ҳаво кемаси эксплуатацияга яроқлилиги тўғрисида аттестати;<br>ҳаво кемасига қайд этилган рўйхат ва давлат таниш белгилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирини ифодаловчи белги билан бирга ташқи бўялиши;<br>ҳаво кемасининг асосий кириш йўлагида, кўринадиган жойга ўрнатилган, ҳаво кемасининг тури, ҳаво кемасининг рўйхат ва давлат таниш белгилари кўрсатилган танитувчи табличкаси. |
| **10.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас. |
| **11.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | Бир календар ойдан кўп бўлмаган муддатга. |
| **12.** | **Изоҳ:** | Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги аризачига учишга яроқлилик сертификатининг асл нусхасини беради. |

Фуқаро ҳаво кемасини
учишга яроқлилик сертификатини
бериш тартиби тўғрисида низомга
8-илова

**Ўзбекистон Республикаси**
**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги**
**Фуқаро авиацияси агентлиги**
**Директорига**

**АРИЗА**

____________________________________________дан
*(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)*

Учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификатини (учишга яроқлилик экспорт бўйича сертификатини) беришингизни сўрайман.
*(керак бўлмаганини ўчиринг)*

__________________________муддатгача
*(сана, ой, йил)*

Мурожаат сабаби: ______________________________
*(ҳаво кемасини эксплуатация қилишнинг бошланиши (сертификатни дастлабки олиш), сертификатининг амал қилиш муддати тугаши ва ҳоказо)*

1. Ҳаво кемаси тўғрисида маълумотлар:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ҳаво кемасининг тури | | Ҳаво кемасини охирги тортиш (вазнини ўлчаш) санаси ва жойи | |
| Давлат таниш ва рўйхат белгилари | | Ҳаво кемасини бўш вазни, кг Центровкаси (САХ), % | |
| Серияли (заводда берилган) рақами | | Жиҳозланган ҳаво кемасининг бўш вазни (Basic Empty Weight), кг Центровкаси (САХ), % | |
| Ишлаб чиқарилган жойи ва санаси | | Максимал учиш вазни, кг | |
| Двигателлар / ҳаво винтлари тури | | Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда (соат/цикли/сана) | |
| Ҳаво кемаси тоифаси ва /ёки қўлланилиши | | Таъмирлашлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда (соат/цикли/сана) | |
| Таъмирлашларнинг сони, жойи ва охирги таъмирлаш санаси | | Ҳаво кемасини ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтидан | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ҳаво кемаси базировка (аренда) жойи | | Ҳаво кемасини ишлаган вақти (соат/цикли) охирги таъмирдан кейин | |

2. Двигателлари тўғрисида маълумотлар:

| Двигателнинг тартиб рақами | 1-чи | 2-чи | 3-чи | 4-чи |
|---|---|---|---|---|
| Завод рақами | | | | |
| Ишлаб чиқарилган санаси | | | | |
| Таъмирлашларнинг сони, охирги таъмирлаш санаси ва жойи | | | | |
| Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Таъмирлашлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтидан | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) охирги таъмирдан кейин | | | | |

3. Ҳаво винтлар тўғрисида маълумотлар:

| Ҳаво винтларнинг тартиб рақами | 1-чи | 2-чи | 3-чи | 4-чи |
|---|---|---|---|---|
| Завод рақами | | | | |
| Ишлаб чиқарилган санаси | | | | |
| Таъмирлашларнинг сони, охирги таъмирлаш санаси ва жойи | | | | |
| Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Таъмирлашлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда) | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтдан | | | | |
| Ишлаган вақти (соат/цикли) охирги таъмирдан кейин | | | | |

4. Ҳаво кемаси кўриб чиқилди, формуляр ва паспортлар, буюмларнинг чекланган ресурс ҳолати текширилди

______________________________________________

(камчиликлар йўқ, аниқланган камчиликлар бартараф этилди)

5. Учишга яроқлилик бўйича барча бажарилиши шарт бўлган бюллетенлар ва кўрсатмалар, ариза бериш кунига қадар бажарилган, ҳаво кемаси комплектлаб қўйилган, регламентда кўрсатилган техник кўрсатиш ишлари бажарилган.

6. Ҳаво кемаси ишлайдиган ҳолатда ва қуйидагиларга учун яроқлидир:

бундан кейинги эксплуатация қилишга / база жойигача учиб ўтишига ____________

*(керак бўлмаганини ўчиринг)*

**7.** Ушбу Аризада кўрсатилган барча маълумотлар ишончли ҳисобланади.

**Аризачи тўғрисида маълумот:**

юридик шахслар учун:

1. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи: ____________
2. Жойлашган жойи (почта индекси): ____________
3. Телефон рақами / факс рақами: ____________

жисмоний шахслар учун:

1. *Фамилияси*, исми, шарифи: ____________
2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумот: ____________
3. Турар жойи, адрес: ____________
4. Телефон рақами / факс рақами: ____________
5. СТИР: ____________

Аризачи ____________ ____________

(лавозим) (имзо, *фамилия*, исми, шарифи)

20__ й. “___” ________

8. Учишга яроқлилик бўйича сертификатни бериш ёки бермаслик тўғрисида “Ўзавиация” агентлиги мутахассисининг хулосаси ____________

____________

____________

____________

____________ ____________

(лавозим) (имзо, *фамилия*, исми, шарифи)

20__ й. “___” ______

Фуқаро ҳаво кемасини
учишга яроқлилик сертификатини
бериш тартиби тўғрисида низомга
9-илова

**Ўзбекистон Республикаси**
**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги**
**Фуқаро авиацияси агентлиги**
**Директорига**

**АРИЗА**

_______________________________________________________________дан
*(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)*

Учишга яроқлилик бўйича махсус сертификатини беришингизни сўрайман.
_______________________________________________________________
*(бериш сабабини кўрсатинг)*

1. Ҳаво кемаси тўғрисида маълумотлар:

| | |
|---|---|
| Ҳаво кемасининг тури | |
| Давлат таниш ва рўйхат белгилари | |
| Серияли (заводда берилган) рақами | |
| Ҳаво кемасининг ишлаган вақти (соат/цикли) эксплуатацияси бошланган вақтдан /охирги таъмирдан кейинги | |
| Охирги оператив/даврий техник хизмат кўрсатиш (сана, техник хизмат кўрсатиш учун карта/нарядларининг рақами) | |
| Парвознинг мақсади ва мўлжалланган йўналиши | |
| Махсус парвозни амалга ошириш учун экипаж таркиби | |
| Ҳаво кемасининг конструксияси ва характеристикалари унинг конструксияси турига номувофиқлиги ҳақида батафсил тавсифи | |
| Парвозни амалга ошириш учун зарур бўлган эксплуатацион чекловлар ва махсус жиҳозлар рўйхати | |
| Парвоз хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган мувофиқ текширувлар ёки синовларининг натижалари | |
| Парвоз учун авиация ёқилғисининг ҳисобланган миқдори ва ҳаво кемасининг ҳақиқий учиб чиқиш вазни | |

2. Ҳаво кемаси белгиланган мақсадлар ва чекловлар билан хавфсиз парвозни таъминлашга қодир.

*Илова. (ҳаво кемасининг техник ҳолатини баҳолаш далолатномаси, ушбу ҳаво кемасининг ишлаб чиқарувчиси билан учиб ўтишига рухсатномани келишиш ва бошқалар).*

3. Ушбу Аризада кўрсатилган барча маълумотлар ишончли ҳисобланади.

**Аризачи тўғрисида маълумот:**

юридик шахслар учун:

1. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи: ____________________
2. Жойлашган жойи (почта индекси): ____________________
3. Телефон рақами / факс рақами: ____________________

жисмоний шахслар учун:

1. *Фамилияси*, исми, шарифи: ____________________
2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумот: __________
3. Турар жойи, адрес: ____________________
4. Телефон рақами / факс рақами: ____________________
5. СТИР: ____________________

Аризачи ____________________ ____________________
(лавозим) (имзо, *фамилия*, исми, шарифи)

20__ й. “ ___ ” ________

4. Учишга яроқлилик бўйича махсус сертификатини бериш ёки бермаслик тўғрисида “Ўзавиация” агентлиги мутахассисининг хулосаси ____________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________

____________________ ____________________
(лавозим) (имзо, *фамилия*, исми, шарифи)

20__ й. “ ___ ” ________

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “____”____________даги
___ -сон қарорига
4-илова

Фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификатни
бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандарт ва тавсияларига мувофиқ фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификатни (кейинги ўринларда шовқинлар бўйича сертификат деб юритилади) бериш ва реестирини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига киритилган фуқаро ҳаво кемаларига татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аризачи** — шовқинлар бўйича сертификатни бериш (қайта расмийлаштириш, бекор қилиш) учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига (кейинги ўринларда “Ўзавиация” агентлиги деб юритилади) ариза билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**ахборот тизими** — “Лицензия” махсус электрон тизими, Ўзбекистон Республикасининг ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқалар;

**модификация қилинган ҳаво кемаси варианти** — шовқинлар бўйича сертификациядан ўтган, лекин унинг шовқин хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган конструктив ўзгартиришлар билан, учишга яроқлилиги жиҳатидан прототипга ўхшаш ҳаво кемаси;

**шовқинлар бўйича сертификатлар реестри** — берилган, қайта расмийлаштирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, бекор қилинган шовқинлар бўйича сертификатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси;

**ваколатли орган** — Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) томонидан қабул қилинган шовқинлар бўйича стандартларига мувофиқлигига ҳаво кемаларни сертификатлаш соҳасида ваколатлар берилган давлат органи ёки ташкилот.

4. Ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларга мувофиқ шакл ва схемаси бўйича аризачига шовқинлар бўйича сертификат берилади.

5. “Ўзавиация” агентлиги томонидан ҳаво кемасининг эксплуатацияси билан боғлиқ фуқаро авиациясида фаолиятини амалга ошириш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда шовқинлар бўйича сертификат берилади.

6. “Ўзавиация” агентлиги директори (директор ўринбосари) ёки “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан шовқинлар бўйича сертификат имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемалари учун шовқинлар бўйича сертификат инглиз тилидаги таржимасига эга бўлиши лозим.

7. Шовқинлар бўйича сертификат, ҳаво кемани ишлаб чиқувчи давлат ёки ваколатли орган томонидан фуқаро ҳаво кемасида шовқинлар бўйича сертификатлаштириш ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

8. Парвозларни амалга ошириш пайтларида шовқинлар бўйича сертификат ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги шовқинлар бўйича сертификат бўлмаган ҳолларда ҳаво кемасига парвозларни амалга оширилиши тақиқланади.

9. Шовқинлар бўйича сертификат чекланмаган муддатга берилади.

2-боб. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар

10. Фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилишда рухсат беришга доир талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

б) ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

в) шовқинлар бўйича сертификатни олиш ва қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

г) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;

д) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик нормаларига мувофиқлигини таъминлаш.

**3-боб. Шовқинлар бўйича сертификатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

11. Аризачи шовқинлар бўйича сертификатни олиш учун “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) аризани;

б) агар фуқаро ҳаво кемасида унинг шовқин хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тегишли конструктив ўзгартиришлар бажарилган бўлса, модификация қилинган ҳаво кемаси варианти учун қўшимча маълумотлар.

12. “Ўзавиация” агентлиги белгиланган тартибда шовқинлар бўйича сертификатни бериш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни ҳамда ахборотни Ўзбекистон Республикасининг бошқа

давлат органларидан мустақил равишда “ягона дарча” принципи бўйича идоралараро электрон ҳамкорлиги орқали олади.

Аризачидан ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

13. Шовқинлар бўйича сертификатини олиш учун зарур бўлган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Агар ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар бевосита “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилса аризачи томонидан ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза расмийлаштирилади ёки, ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилаётган бўлса, паспортнинг 5-бандига асосан маълумот киритилади.

14. “Ўзавиация” агентлигига бевосита тақдим этилган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилинади, ушбу рўйхатда ҳужжатларнинг номи, варақлар сони кўрсатилади. Қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ҳужжатлар рўйхатининг битта нусхаси зудлик билан аризачига тақдим этилади (юборилади).

Ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда, ахборот тизим орқали тақдим этилаган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар иш вақтидан кейин, дам олиш ёки байрам кунлари келиб тушганда навбатдаги иш куни “Ўзавиация” агентлигига келиб тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

15. Ушбу Низомга мувофиқ “Ўзавиация” агентлигига тақдим этиладиган ҳужжатлар фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш муддат давомида сақланиши лозим.

## 4-боб. Аризани кўриб чиқиш ва шовқинлар бўйича сертификатни бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш

16. “Ўзавиация” агентлиги томонидан шовқинлар бўйича сертификатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

17. “Ўзавиация” агентлиги ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда аризани кўриб чиқади ва шовқинлар бўйича сертификатни беради ёки беришни рад этади, ушбу Низом 17-бандининг иккинчи хатбошида назарда тктилган ҳол бундан мустасно.

Ҳаво кемани ишлаб чиқарувчи заводидан, авиатаъмирлаш заводидан, ҳаво кемасини сотувчидан қабул қилинган ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади ва шовқинлар бўйича сертификатни беради ёки беришни рад этади.

18. Аризани кўриб чиқиш жараёнида, аризачи арз қилган фуқаро ҳаво кемаси ва унинг двигателлар, ҳаво винтлари тўғрисидаги маълумотлари тўлиқлигини ва тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганини текширади.

19. Шовқинлар бўйича сертификатни бериш учун “Ўзавиация” агентлигининг масъул бўлган мутахассиси ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ҳаракатларни ўтказиб бўлганидан кейин, шовқинлар бўйича сертификатни бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради.

20. “Ўзавиация” агентлиги аризачига шовқинлар бўйича сертификатни беради (юборади) ёки шовқинлар бўйича сертификатни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда аризачини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Агар “Ўзавиация” агентлиги аризачининг шовқинлар бўйича сертификатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида аризачига шовқинлар бўйича сертификатни бермаса ва уни беришни рад этмаса, ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган муддатлар ўтганидан кейин аризачи амалга оширилиши учун шовқинлар бўйича сертификатни олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда “Ўзавиация” агентлигини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади. Бундай ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризачига шовқинлар бўйича сертификатни бериши лозим.

Бунда аризачи шовқинлар бўйича сертификатсиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда “Ўзавиация” агентлиги эҳтимол тутилган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

21. Ҳаво кемасини ишлаб чиқувчи давлат ёки ваколатли орган томонидан берилган ҳужжатда кўрсатилган шовқин даражаси тўғрисидаги маълумотлар шовқинлар бўйича сертификатга киритилади.

22. Аризачига қуйидаги ҳолларда шовқинлар бўйича сертификатни бериш рад этилиши мумкин:

аризачи томонидан шовқинлар бўйича сертификатни бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

аризачи рухсат бериш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки ишончсиз маълумотлар мавжудлиги.

Шовқинлар бўйича сертификатни беришни мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ёхуд бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

23. Ушбу Низом 22-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек, аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда аризачига камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарномани ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади).

Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

24. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

25. Хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, “Ўзавиация” агентлиги шовқинлар бўйича сертификатни беришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда шовқинлар бўйича сертификатни беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

26. Шовқинлар бўйича сертификатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади). Аризачи рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат шовқинлар бўйича сертификатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

27. Аризачи томонидан шовқинлар бўйича сертификатни бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, шовқинлар бўйича сертификатни бериш ёхуд уни беришни рад этиш аризачининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда “Ўзавиация” агентлиги томонидан амалга оширилади. Аризани такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

28. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда “Ўзавиация” агентлиги томонидан аризачига илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, бундан илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши мустасно.

29. Шовқинлар бўйича сертификатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин аризачи томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва “Ўзавиация” агентлиги томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

30. Аризачи шовқинлар бўйича сертификатни бериш рад этилганлиги, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## 5-боб. Шовқинлар бўйича сертификатни қайта расмийлаштириш

31. Шовқинлар бўйича сертификатни қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

32. Агар шовқинлар бўйича сертификат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда аризачининг аризаси асосида қайта расмийлаштирилган (янги) шовқинлар бўйича сертификат берилади.

33. Шовқинлар бўйича сертификатни қайта расмийлаштириш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган тартибда тегишли ҳужжатлар илова қилинган аризани ва яроқсиз ҳолга келган тақдирда шовқинлар бўйича сертификатнинг асл нусхасини тақдим этади.

34. Шовқинлар бўйича сертификатни қайта расмийлаштириш ва бериш тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда шовқинлар бўйича сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

35. Шовқинлар бўйича сертификатни қайта расмийлаштирилаётганда “Ўзавиация”

агентлиги шовқинлар бўйича сертификатлар реестрига тегишли ўзгартиришларни киритилади.

36. Шовқинлар бўйича сертификатни қайта расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

**6-боб. Шовқинлар бўйича сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш**

37. Шовқинлар бўйича сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш Ўзбекистон Республикаси “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 32, 33 ва 34 моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

38. Шовқинлар бўйича сертификатни бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган бир марта қўпол равишда бузишларига қуйидагилар киради:

ташкилий, таъминлаш, фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш ва авиация ҳалокатига олиб келган парвозларни амалга ошириш қоидаларини бузиш;

фуқаро ҳаво кемасининг конструкциясига белгиланган тартиб-қоидаларни бузган ҳолда парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ўзгартиришларни киритиш.

39. Фуқаро ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилган тақдирда шовқинлар бўйича сертификат автоматик равишда бекор қилинади.

**7-боб. Шовқинлар бўйича сертификатлар реестрини юритиш тартиби**

40. Шовқинлар бўйича сертификатлар реестри ахборот тизими воситасида электрон шаклда юритилади. Реестрдаги ахборот очиқдир.

41. “Ўзавиация” агентлиги шовқинлар бўйича сертификатлар реестрини доимий асосда юритади ҳамда унга тегишли ўзгартишларни киритади.

**8-боб. Яқунловчи қоида**

42. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Фуқаро ҳаво кемаларига
шовқинлар бўйича сертификатни
бериш тартиби тўғрисида
низомга 1-илова

**Шовқинлар бўйича сертификатни бериш**

**СХЕМАСИ**

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Бажариш муддатлари** |
|---|---|---|---|

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Аризачи | Шовқинлар бўйича сертификатни олиш учун, ушбу Низомда назарда тутилган талабларига мувофиқ зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди. Ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки электрон шаклда ахборот тизим орқали тақдим этади. | Ўз хоҳишига кўра |
| 2-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Шовқинлар бўйича сертификатни олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилади, унинг битта нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига тақдим этади (юборади) ёки ахборот тизим орқали тақдим этилганда ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик ахборот тизим орқали аризачига юборилади. | Ҳужжатларни қабул қилинган кунидан бошлаб |
| 3-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | 1. Шовқинлар бўйича сертификатни бериш учун тақдим этилган аризани ва ҳужжатларни кўриб чиқади.<br>2. Ижобий хулосаси асосида аризачига шовқинлар бўйича сертификатнинг асл нусхасини беради (юборади) ёхуд шовқинлар бўйича сертификатни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, ёзма ёки электрон шаклда рад этиш сабаблари, кўрсатилиб, аризачини хабардор қилади. | 1. Аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда).<br>2. Рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда. |
| 4-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Аризачи рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, шовқинлар бўйича сертификатни бериш ёхуд уни беришни рад этиш амалга оширилади. | Рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда. |

Фуқаро ҳаво кемаларига
шовқинлар бўйича сертификатни
бериш тартиби тўғрисида
низомга 2-илова

| | |
|---|---|
| **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ**<br><br>**“ЎЗАВИАЦИЯ” АГЕНТЛИГИ** | **CIVIL AVIATION AGENCY UNDER THE MINISTRY OF TRANSPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**<br><br>**CAA OF UZBEKISTAN** |

73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
TEL.: + (998-78)-1200063, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: technique@uzcaa.uz

**ШОВҚИНЛАР БЎЙИЧА СЕРТИФИКАТ**
*NOISE CERTIFICATE*
СЕРТИФИКАТ ПО ШУМАМ

№

| | | |
|---|---|---|
| **Давлат таниш ва рўйхат белгилари**<br>*Nationality and registration marks*<br>Государственный опознавательный и регистрационный знаки | **Ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқарувчиси томонидан ҳаво кемасининг белгиланиши**<br>*Manufacturer and manufacturer's designation of aircraft*<br>Изготовитель и обозначение воздушного судна изготовителем | **Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган) рақами**<br>*Aircraft serial (manufacturer) number*<br>Серийный (заводской) номер воздушного судна |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Двигател**<br>*Engine*<br>Двигатель | | **Ҳаво винти**<br>*Propeller*<br>Воздушный винт | |

| | | |
|---|---|---|
| **Максимал учиб чиқиш вазни, кг**<br>*Maximum take-off mass, kg*<br>Максимальная взлетная масса, кг | **Максимал қўниш вазни, кг**<br>*Maximum landing mass, kg*<br>Максимальная посадочная масса, кг | **Шовқин бўйича сертификация стандарти**<br>*Noise certification Standard*<br>Стандарт сертификации по шуму |
| | | |

| | |
|---|---|
| **Шовқин бўйича Стандарт сертификацияларини қўллашга келтириш мақсадида жорий этилган қўшимча модификациялар**<br>*Additional modifications incorporated for the purpose of compliance with the applicable noise certification Standards*<br>Дополнительные модификации, введенные с целью приведения в соответствие с применяемыми Стандартами сертификации по шуму | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Учиш-қўниш йўлагини ён томонидан эшитилган шовқиннинг даражаси/тўлиқ кувватидаги режимида**<br>*Lateral/Full Power Noise Level*<br>Уровень шума сбоку от ВПП/на режиме полной мощности | **Қўниш давридаги шовқин даражаси**<br>*Approach Noise Level*<br>Уровень шума при заходе на посадку | **Учиб ўтиш давридаги шовқин даражаси**<br>*Flyover noise Level*<br>Уровень шума при пролете | **Учиб ўтиш давридаги шовқин даражаси**<br>*Overflight noise Level*<br>Уровень шума при пролете | **Учиб чиқиш давридаги шовқин даражаси**<br>*Take-Off Noise Level*<br>Уровень шума при взлете |

**Изоҳлар:**
*Remarks:*
Примечания:

**Ушбу шовқинлар бўйича сертификат юқорида қайд қилинган ҳаво кемасига 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция ва Фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификатни бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМГА мувофиқ берилган ва мазкур ҳаво кемаси, агар ундан тегишли эксплуатация чекловлар, талабларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланилаётган ҳамда унга хизмат кўрсатилаётган бўлса, шовқинлар бўйича стандартларнинг талабларига жавоб беради деб ҳисобланади.**

*This Noise Certificate is issued pursuant to the Convention on International Civil Aviation dated 7th December, 1944 and the Regulation on the procedure for issuing the Noise certificate on the civil aircraft, in respect of the above-mentioned aircraft, which is considered to comply with the indicated noise Standard when maintained and operated in accordance with the relevant requirements and operating limitations.*

Настоящий сертификат по шумам выдан вышеупомянутому воздушному судну в соответствии с Конвенцией о международной гражданской авиации от 7 декабря 1944 года и Положением о порядке выдачи сертификата по шумам на гражданские воздушные суда, которое считается отвечающим требованиям указанного стандарта по шуму, если оно обслуживается и эксплуатируется с учетом соответствующих требований и эксплуатационных ограничений.

| | | |
|---|---|---|
| **Дастлабки берилган сана:**<br>*Date of initial issue:*<br>Дата первоначальной выдачи: | **Берилган сана:**<br>*Date of issue:*<br>Дата выдачи: | |
| **М.Ў.**/*stamp*/М.П. | | **лавозим, имзо, Ф.И.Ш.** / *position, signature, name* / должность, подпись, Ф.И.О. |

Фуқаро ҳаво кемаларига
шовқинлар бўйича сертификатни
бериш тартиби тўғрисида
низомга 3-илова

**Фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификатни бериш**

**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:** | Фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификат |
| **2.** | **Амалага оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):** | Фуқаро авиациясида ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш |
| **3.** | **Ариза берувчилар тоифаси:** | Юридик ёки жисмоний шахс |
| **4.** | **Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:** | “Ўзавиация” агентлиги |

<table>
<tr>
<td>5.</td>
<td>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:</td>
<td>
а) ариза;<br>
Аризада қуйидагилар акс эттирилади:<br>
юридик шахс учун — ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефон рақами, электрон почта манзили;<br>
жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), турар жойи манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);<br>
<br>
Кераклигини танланг:<br>
Фуқаро ҳаво кемасига шовқинлар бўйича сертификатни бериш<br>
Фуқаро ҳаво кемасига шовқинлар бўйича сертификатни қайта расмийлаштириш<br>
Фуқаро ҳаво кемасига шовқинлар бўйича сертификатни бекор қилиш<br>
<br>
Ҳаво кемаси тўғрисида маълумотлар:
<table>
<tr><td>Ҳаво кемасининг тури</td><td></td></tr>
<tr><td>Ҳаво кемасининг модели</td><td></td></tr>
<tr><td>Ҳаво кемасининг тоифаси</td><td></td></tr>
<tr><td>Миллий ва рўйхатга олиш белгилари</td><td></td></tr>
<tr><td>Серияли (заводда берилган) рақами</td><td></td></tr>
<tr><td>Ишлаб чиқарилган жойи ва санаси</td><td></td></tr>
<tr><td>Максимал учиб чиқиш вазни</td><td></td></tr>
<tr><td>Максимал қўниш вазни</td><td></td></tr>
<tr><td>Шовқин бўйича сертификатлаштириш стандарти</td><td></td></tr>
</table>
<br>
Двигателлари тўғрисида маълумотлар:
<table>
<tr><td>Двигателнинг тартиб рақами</td><td>1-чи</td><td>2-чи</td><td>3-чи</td><td>4-чи</td></tr>
<tr><td>Тури</td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Модели</td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Завод рақами</td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Ишлаб чиқарилган санаси</td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>
<br>
Ҳаво винтлари тўғрисида маълумотлар:
<table>
<tr><td>Ҳаво винтларининг тартиб рақами</td><td>1-si</td><td>2-si</td><td>3-si</td><td>4-si</td></tr>
<tr><td>Тури</td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Модели</td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Завод рақами</td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Ишлаб чиқарилган санаси</td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>
<br>
б) агар фуқаро ҳаво кемасида унинг шовқин хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тегишли конструктив ўзгартиришлар бажарилган бўлса, модификация қилинган ҳаво кемаси варианти учун қўшимча маълумотлар.
</td>
</tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| **6.** | **Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Йиғим ундирилмайди |
| **7.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:** | Йиғим ундирилмайди |
| **8.** | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | 10 иш кун (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда) |
| **9.** | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;<br>б) ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;<br>в) шовқинлар бўйича сертификатни олиш ва қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;<br>г) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;<br>д) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик нормаларига мувофиқлигини таъминлаш. |
| **10.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас |
| **11.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | Чекланмаган муддатга |
| **12.** | **Изоҳ:** | Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги аризачига шовқинлар бўйича сертификатнинг асл нусхасини беради. |

Фуқаро ҳаво кемаларига
шовқинлар бўйича сертификатни
бериш тартиби тўғрисида
низомга 4-илова

**Ўзбекистон Республикаси**

**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги**

**Фуқаро авиацияси агентлиги**

**Директорига**

**АРИЗА**

______________________________________________________________дан
*(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)*

Фуқаро ҳаво кемасига шовқинлар бўйича сертификатни беришни

Фуқаро ҳаво кемасига шовқинлар бўйича сертификатни қайта расмийлаштиришни

Фуқаро ҳаво кемасига шовқинлар бўйича сертификатни бекор қилишни

сўрайман.

1. Ҳаво кемаси тўғрисида маълумотлар:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ҳаво кемасининг тури | | Ишлаб чиқарилган жойи ва санаси | |
| Ҳаво кемасининг модели | | **Максимал учиб чиқиш вазни** | |
| Ҳаво кемасининг тоифаси | | **Максимал қўниш вазни** | |
| Миллий ва рўйхатга олиш белгилари | | **Шовқин бўйича сертификатлаштириш стандарти** | |
| Серияли (заводда берилган) рақами | | | |

2. Двигателлари тўғрисида маълумотлар:

| Двигателнинг тартиб рақами | 1-чи | 2-чи | 3-чи | 4-чи |
|---|---|---|---|---|
| Тури | | | | |
| Модели | | | | |
| Завод рақами | | | | |
| Ишлаб чиқарилган санаси | | | | |

3. Ҳаво винтлари тўғрисида маълумотлар:

| Ҳаво винтларининг тартиб рақами | 1-чи | 2-чи | 3-чи | 4-чи |
|---|---|---|---|---|
| Тури | | | | |
| Модели | | | | |
| Завод рақами | | | | |
| Ишлаб чиқарилган санаси | | | | |

4. Шовқин даражаси меъёрларига таъсир қилувчи ўзгартиришлар ва модификациялар ҳаво кемасида бажарилмаган. Ушбу Аризада кўрсатилган барча маълумотлар ишончли ҳисобланади.

**Аризачи тўғрисида маълумот:**

юридик шахслар учун:

1. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи: ______________________
2. Жойлашган жойи (почта индекси): ______________________
3. Телефон рақами / факс рақами: ______________________

жисмоний шахслар учун:

1. *Фамилияси*, исми, шарифи: ______________________
2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумот: __________
3. Турар жойи, адрес: ______________________
4. Телефон рақами / факс рақами: ______________________
5. СТИР: ______________________

Аризачи ______________________ ______________________
(лавозим) (имзо, *фамилия*, исми, шарифи)

20__ й. " ___ " ________

5. Шовқинлар бўйича сертификатни бериш ёки бермаслик тўғрисида "Ўзавиация" агентлиги мутахассисининг хулосаси ______________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________

______________________ ______________________
(лавозим) (имзо, *фамилия*, исми, шарифи)

20__ й. " ___ " ________

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “____”____________даги
____-сон қарорига
5-сон илова

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун
сертификатни бериш тартиби тўғрисида
**НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунига, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни (кейинги ўринларда радио жиҳозлар сертификати деб юритилади) бериш ва фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлар сертификатлар реестрини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига киритилган фуқаро ҳаво кемаларига татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аризачи** — радио жиҳозлар сертификатини бериш (қайта расмийлаштириш, бекор қилиш) учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига (кейинги ўринларда “Ўзавиация” агентлиги деб юритилади) ариза билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**ҳаво кемасининг манзили** — “ҳаво-ер” алоқасини, навигациясини ва кузатувни таъминлаш мақсадларида фуқаро ҳаво кемасига тайинланган 24-битдан ташкил этган шахсий комбинацияси;

**ахборот тизими** — “Лицензия” махсус электрон тизими, Ўзбекистон Республикасининг ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқалар;

**SELCAL коди** — маълум бир ҳаво кемасини ер усти станцияси билан радиотелефон каналлари орқали боғловчи, фуқаро ҳаво кемасини танлаб чақириш имкониятини таъминловчи танлаб чақирувчи тизим коди;

**радио жиҳозлар сертификатлар реестри** — берилган, қайта расмийлаштирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, бекор қилинган радио жиҳозлар сертификатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

4. Ушбу Низомнинг 1 ва 2-*иловаларга* мувофиқ шакл ва схемаси бўйича аризачига радио

жиҳозлар сертификати берилади.

5. “Ўзавиация” агентлиги томонидан ҳаво кемасининг эксплуатацияси билан боғлиқ фуқаро авиациясида фаолиятини амалга ошириш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда радио жиҳозлар сертификати берилади.

6. “Ўзавиация” агентлиги директори (директор ўринбосари) ёки “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан радио жиҳозлар сертификати имзоланади
ва муҳр билан тасдиқланади.

Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун радио жиҳозлар сертификати инглиз тилидаги таржимасига эга бўлиши лозим.

7. Парвозларни амалга ошириш пайтларида радио жиҳозлар сертификати ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги радио жиҳозлар сертификати бўлмаган ҳолларда ҳаво кемасига парвозларни амалга оширилиши тақиқланади.

8. Радио жиҳозлар сертификати чекланмаган муддатга берилади.

**2-боб. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар**

9. Фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилишда рухсат беришга доир талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

б) ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

в) радио жиҳозлар сертификатини олиш ва қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

г) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми
ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;

д) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини таъминлаш;

е) маълум бир ҳаво кемасига тегишли бўлган чақирув сигналларни, кодларни ва манзилларни бошқа ҳаво кемасида ҳуқуқисиз ишлатиш.

**3-боб. Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун**
**зарур бўлган ҳужжатлар**

10. Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) фуқаро ҳаво кемасида ўрнатилаган радиосигналларни узатувчи радио жиҳозларнинг бутлигини ва сонини, ҳамда радиостанциянинг чақирув сигналларини, фуқаро ҳаво кемасининг SELCAL кодини ва 24-битли манзилини кўрсатиб аризани тақдим этади;

б) фуқаро ҳаво кемасининг 24-битли манзили (ИКАО идентификация коди) фуқаро ҳаво

кемасининг радиожиҳозлар тизимига қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

в) SELCAL тизими ARINC компаниясининг рўйхатига қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (агар ушбу тизим ҳаво кемасида мавжуд бўлса);

г) авария радиомаяклари КОСПАС-САРСАТ тизимининг рўйхатига қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

д) фуқаро ҳаво кемасида ўрнатилаган радиосигналларни узатувчи радио жиҳозларнинг ҳужжатлари (Component maintenance manual).

11. “Ўзавиация” агентлиги белгиланган тартибда радио жиҳозлар сертификатини бериш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни ҳамда ахборотни Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан мустақил равишда “ягона дарча” принципи бўйича идоралараро электрон ҳамкорлиги орқали олади.

Аризачидан ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун зарур бўлган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Агар ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар бевосита “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилса аризачи томонидан ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза расмийлаштирилади ёки, ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилаётган бўлса, паспортнинг 5-бандига асосан маълумот киритилади.

13. “Ўзавиация” агентлигига бевосита тақдим этилган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилинади, ушбу рўйхатда ҳужжатларнинг номи, варақлар сони кўрсатилади. Қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ҳужжатлар рўйхатининг битта нусхаси зудлик билан аризачига тақдим этилади (юборилади).

Ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда, ахборот тизим орқали тақдим этилаган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар иш вақтидан кейин, дам олиш ёки байрам кунлари келиб тушганда навбатдаги иш куни “Ўзавиация” агентлигига келиб тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

14. Ушбу Низомга мувофиқ “Ўзавиация” агентлигига тақдим этиладиган ҳужжатлар фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш муддат давомида сақланиши лозим.

## 4-боб. Аризани кўриб чикиш ва радио жиҳозлар сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш

15. “Ўзавиация” агентлиги томонидан радио жиҳозлар сертификатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

16. “Ўзавиация” агентлиги аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади ва радио жиҳозлар сертификатини беради ёки беришни рад этади, ушбу Низом 16-банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Ҳаво кемани ишлаб чиқарувчи заводидан, авиатаъмирлаш заводидан, ҳаво кемасини

сотувчидан қабул қилинган ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади ва радио жиҳозлар сертификатини беради ёки беришни рад этади.

17. Аризани кўриб чиқиш жараёнида, аризачи арз қилган фуқаро ҳаво кемаси ва жиҳозланган радио жиҳозлар тўғрисидаги маълумотлари тўлиқлигини ва тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганини текширади.

18. Радио жиҳозлар сертификатини бериш учун масъул бўлган “Ўзавиация” агентлигининг мутахассиси, ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳаракатларни ўтказиб бўлганидан кейин, радио жиҳозлар сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради.

19. “Ўзавиация” агентлиги аризачига радио жиҳозлар сертификатини беради ёки радио жиҳозлар сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда аризачини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Агар “Ўзавиация” агентлиги аризачининг радио жиҳозлар сертификатини бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида аризачига радио жиҳозлар сертификатини бермаса ва уни беришни рад этмаса, ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган муддатлар ўтганидан кейин аризачи амалга оширилиши учун радио жиҳозлар сертификатини олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда “Ўзавиация” агентлигини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади. Бундай ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризачига радио жиҳозлар сертификатини бериши лозим.

Бунда аризачи радио жиҳозлар сертификатсиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда “Ўзавиация” агентлиги эҳтимол тутилган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

20. Аризачи аризада кўрсатилган фуқаро ҳаво кемасининг радио жиҳозлар тўғрисидаги маълумотлар радио жиҳозлар сертификатига киритилади.

21. Аризачига қуйидаги ҳолларда радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилиши мумкин:

аризачи томонидан радио жиҳозлар сертификатини бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

аризачи рухсат бериш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги.

Радио жиҳозлар сертификатини беришни мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ёхуд бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Ушбу Низом 21-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда аризачига камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарномани ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади).

Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган

вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

23. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

24. Хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, “Ўзавиация” агентлиги радио жиҳозлар сертификатини беришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда радио жиҳозлар сертификатини беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

25. Радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари
ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма
ёки электрон шаклда юборилади (берилади). Аризачи рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

26. Аризачи томонидан радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, радио жиҳозлар сертификатини бериш ёхуд уни беришни рад этиш аризачининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда “Ўзавиация” агентлиги томонидан амалга оширилади. Аризани такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

27. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда “Ўзавиация” агентлиги томонидан аризачига илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, бундан илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши мустасно.

28. Радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин аризачи томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва “Ўзавиация” агентлиги томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

29. Аризачи радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг
7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**5-боб. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш**

30. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш
тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 30 моддада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

31. Агар радио жиҳозлар сертификати йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда аризачининг аризаси асосида қайта расмийлаштирилган (янги) радио жиҳозлар сертификати берилади.

32. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган тартибда тегишли ҳужжатлар илова қилинган аризани ва яроқсиз ҳолга келган тақдирда радио жиҳозлар сертификатининг асл нусхасини тақдим этади.

33. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш ва бериш тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

34. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштирилаётганда “Ўзавиация” агентлиги радио жиҳозлар сертификатлар реестрига тегишли ўзгартишларни киритади.

35. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

## 6-боб. Радио жиҳозлар сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш

36. Радио жиҳозлар сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 32, 33 ва 34 моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

37. Радио жиҳозлар сертификатини бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган бир марта қўпол равишта бузишларига қуйидагилар киради:

ташкилий, таъминлаш, фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш ва авиация ҳалокатига олиб келган парвозларни амалга ошириш қоидаларини бузиш;

фуқаро ҳаво кемасининг конструкциясига белгиланган тартиб-қоидаларни бузган ҳолда парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ўзгартиришларни киритиш.

38. Фуқаро ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилган тақдирда радио жиҳозлар сертификати автоматик равишда бекор қилинади.

## 7-боб. Радио жиҳозлар сертификатлар реестрини юритиш тартиби

39. Радио жиҳозлар сертификатлар реестри ахборот тизими воситасида электрон шаклда юритилади. Реестрдаги ахборот очиқдир.

40. “Ўзавиация” агентлиги радио жиҳозлар сертификатлар реестрини доимий асосда юритади ҳамда унга тегишли ўзгартишларни киритади.

## 8-боб. Якунловчи қоида

41. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
1-илова

**Радио жиҳозлар сертификатини бериш**

**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Аризачи | Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун, ушбу Низомда назарда тутилган талабларига мувофиқ зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди. Ҳужжатлар бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки электрон шаклда ахборот тизим орқали тақдим этади. | Ўз хоҳишига кўра |
| 2-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилади, унинг битта нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига тақдим этади (юборади) ёки ахборот тизим орқали тақдим этилганда ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик ахборот тизим орқали аризачига юборилади. | Ҳужжатларни қабул қилинган кунидан бошлаб |
| 3-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | 1. Радио жиҳозлар сертификатини бериш учун тақдим этилган аризани ва ҳужжатларни кўриб чиқади.<br>2. Ижобий хулосаси асосида аризачига радио жиҳозлар сертификатининг асл нусхасини беради (юборади) ёхуд радио жиҳозлар сертификатини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, ёзма ёки электрон шаклда рад этиш сабаблари, кўрсатилиб, аризачини хабардор қилади. | 1. Аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда).<br>2. Рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Аризачи рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, радио жиҳозлар сертификатини бериш ёхуд уни беришни рад этиш амалга оширилади. | Рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда. |

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
2-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ
ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ
“ЎЗАВИАЦИЯ” АГЕНТЛИГИ**

**CIVIL AVIATION AGENCY
UNDER THE MINISTRY OF
TRANSPORT
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
CAA OF UZBEKISTAN**

73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
TEL.: + (998-78)-1200063, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: technique@uzcaa.uz

**РАДИО ЖИҲОЗЛАР СЕРТИФИКАТИ**
*RADIO STATION CERTIFICATE*
*СЕРТИФИКАТ НА РАДИООБОРУДОВАНИЕ*
**№**

| | | |
|---|---|---|
| **Давлат таниш ва рўйхат белгилари**<br>*Nationality and registration marks*<br>Государственный опознавательный и регистрационный знаки | **Ишлаб чиқарувчи томонидан ҳаво кемасини белгиланиши**<br>***Manufacturer’s Designation of Aircraft***<br>Обозначение воздушного судна изготовителем | **Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган) рақами**<br>*Aircraft serial (manufacturer) number)*<br>Серийный (заводской) номер воздушного судна |

Ушбу радио жиҳозлар сертификати юқорида қайд қилинган ҳаво кемасига 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция ва Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ берилган. Ҳаво кемаси учун эксплуатация ҳужжатларида кўрсатилган тартиб-қоидалар ва чекловларга мувофиқ ҳаво кемасини эксплуатация *қилгунга қадар* ушбу сертификати амал қилади.
*This radio certificate is issued pursuant to the Convention on International Civil Aviation dated 7th December, 1944, and to the Regulation on the procedure for issuing the radio certificate on the civil aircraft. The certificate is valid until the aircraft is operated in accordance with the procedures and limitations specified in the aircraft operational documentation.*
Настоящий Сертификат на радиооборудование выдан в соответствии с Конвенцией о международной гражданской авиации от 7 декабря 1944 года и Положением о порядке выдачи Сертификата на радиооборудование гражданских воздушных судов. Сертификат действует, пока воздушное судно эксплуатируется в соответствии с процедурами и ограничениями, указанными в эксплуатационной документации на воздушное судно.

**Дастлабки берилган сана:** *Date of initial issue:* Дата первоначальной выдачи: | **Берилган сана:** *Date of issue:* Дата выдачи:

**М.Ў.**/*stamp*/М.П. **лавозим, имзо, Ф.И.Ш.**/*position, signature, name*/должность, подпись, Ф.И.О

**Ҳаво кемасида ўрнатилган радио жиҳозлар**
*Radio station onboard*
Радиооборудование, установленное на воздушном судне

| **Т/р**<br>*№*<br>п/п | *Тизимлар номи*<br>*Denomination of systems*<br>Наименование систем: | **Сони, дона**<br>*Quantity*<br>Количество шт: | **Частотаси**<br>*Frequency*<br>Частота:<br>*(MHz)* |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Ҳаво кемасининг чақирув сигнал ва кодлари */ Codes and calls /* Позывные и коды:

| | |
|---|---|
| **Телефон учун /** *Telephone* / Телефонный: | |
| **Телеграф учун** / *Telegraph* / Телеграфный: | |
| **SELCAL код /** *SELCAL code* / Код SELCAL: | |
| **Ҳаво кемасининг 24-бит манзили /** *Aircraft 24- bit address*/ 24-битовый адрес: | |

*(***лавозим, имзо, Ф.И.Ш.** */ position, signature, name/*должность, подпись, Ф.И.О.

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
3-илова

**Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш**

**ПАСПОРТИ**

<table>
<tr><td>1.</td><td>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:</td><td>Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификат</td></tr>
<tr><td>2.</td><td>Амалага оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):</td><td>Фуқаро авиациясида ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш</td></tr>
<tr><td>3.</td><td>Ариза берувчилар тоифаси:</td><td>Юридик ёки жисмоний шахс</td></tr>
<tr><td>4.</td><td>Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:</td><td>“Ўзавиация” агентлиги</td></tr>
<tr><td>5.</td><td>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:</td><td>а) ариза;<br>Аризада қуйидагилар акс эттирилади:<br>юридик шахс учун — ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефон рақами, электрон почта манзили;<br>жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), турар жойи манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);<br><br>Кераклигини танланг:<br>Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш<br>Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни қайта расмийлаштириш<br><br>Ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:
<table>
<tr><td>Ҳаво кемаси тури</td><td></td></tr>
<tr><td>Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси</td><td></td></tr>
<tr><td>Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган рақами)</td><td></td></tr>
</table>
Радио сигналларини чиқарувчи ускунасининг бутлиги ва таркиби:
<table>
<tr><td>Т/р</td><td>Тури</td><td>Тзимлар номи</td><td>Сони, дона</td><td>Частотаси (МГц)</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>
Ҳаво кемасининг чақирув сигнал ва қодлари:
<table>
<tr><td>Телефон:</td><td></td></tr>
<tr><td>Телеграф:</td><td></td></tr>
<tr><td>SELCAL коди:</td><td></td></tr>
<tr><td>Ҳаво кемасининг 24-битли манзили:</td><td></td></tr>
</table>
</td></tr>
<tr><td>6.</td><td>Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:</td><td>Йиғим ундирилмайди</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| **7.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:** | Йиғим ундирилмайди |
| **8.** | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | 10 иш кун (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда) |
| **9.** | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;<br>б) мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;<br>в) радио жиҳозлар сертификатини олиш ва қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;<br>г) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида «Ўзавиация» агентлигини хабардор қилиш;<br>д) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини таъминлаш;<br>е) маълум бир ҳаво кемасига тегишли бўлган чақирув сигналларни, кодларни ва манзилларни бошқа ҳаво кемасида ҳуқуқсиз ишлатиш. |
| **10.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас |
| **11.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | Чекланмаган муддатга |
| **12.** | **Изоҳ:** | Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ "Ўзавиация" агентлиги аризачига радио жиҳозлари сертификатининг асл нусхасини беради. |

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси**
**Транспорт вазирлиги ҳузуидаги**
**Фуқаро авиацияси агентлиги**
**Директорига**

## АРИЗА

______________________________________________________________дан
*(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)*

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни беришни

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни қайта расмийлаштиришни
сўрайман.

1. Ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:

| Ҳаво кемаси тури | Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси | Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган рақами) |
|---|---|---|
| | | |

2. Радио жиҳозлар тўғрисидаги маълумотлар:

| Т/р | Тури | Тизимлар номи | Сони, дона | Частотаси (МГц) |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |

3. Ҳаво кемасининг чақирув сигнал ва қодлари:

| | |
|---|---|
| Телефон: | |
| Телеграф: | |
| SELCAL коди: | |
| Ҳаво кемасининг 24-битли манзили: | |

4. ____________________ ҳаво кемаси UK ____________________ юқорида
*(ҳаво кемаси тури)* *(рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси)*

кўрсатилган радио жиҳозлар билан жиҳозланган.

Ушбу аризада кўрсатилган барча маълумотлар, ишончли ҳисобланади.

**Аризачи тўғрисида маълумот:**

*юридик шахслар учун:*

1. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи: ____________________
2. Жойлашган жойи (почта индекси): ____________________
3. Телефон рақами / факс рақами: ____________________

*жисмоний шахслар учун:*

1. *Фамилияси*, исми, шарифи: ____________________
2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумот: ____________

3. Турар жойи, адрес: ______________________________
4. Телефон рақами / факс рақами: ______________________________
5. СТИР: ______________________________

*Аризачи* ______________________________ ______________________________
*(лавозим)* *(имзо, фамилия, исми, шарифи)*

20__ й. “ ___ ” ________

5. Радио жиҳозлар сертификатни бериш ёки бермаслик тўғрисида “Ўзавиация” агентлиги мутахассиснинг ҳулосаси: ______________________________
______________________________
______________________________
______________________________

______________________________ ______________________________
*(лавозим)* *(имзо, фамилия, исми, шарифи)*

20__ й. “ ___ ” ________

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “____”____________даги
____-сон қарорига
5-сон илова

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун
сертификатни бериш тартиби тўғрисида
**НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунига, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни (кейинги ўринларда радио жиҳозлар сертификати деб юритилади) бериш ва фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлар сертификатлар реестрини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига киритилган фуқаро ҳаво кемаларига татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аризачи** — радио жиҳозлар сертификатини бериш (қайта расмийлаштириш, бекор қилиш) учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига (кейинги ўринларда “Ўзавиация” агентлиги деб юритилади) ариза билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**ҳаво кемасининг манзили** — “ҳаво-ер” алоқасини, навигациясини ва кузатувни таъминлаш мақсадларида фуқаро ҳаво кемасига тайинланган 24-битдан ташкил этган шахсий комбинацияси;

**ахборот тизими** — “Лицензия” махсус электрон тизими, Ўзбекистон Республикасининг ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқалар;

**SELCAL коди** — маълум бир ҳаво кемасини ер усти станцияси билан радиотелефон каналлари орқали боғловчи, фуқаро ҳаво кемасини танлаб чақириш имкониятини таъминловчи танлаб чақирувчи тизим коди;

**радио жиҳозлар сертификатлар реестри** — берилган, қайта расмийлаштирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, бекор қилинган радио жиҳозлар сертификатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

4. Ушбу Низомнинг 1 ва 2-*иловаларга* мувофиқ шакл ва схемаси бўйича аризачига радио

жиҳозлар сертификати берилади.

5. “Ўзавиация” агентлиги томонидан ҳаво кемасининг эксплуатацияси билан боғлиқ фуқаро авиациясида фаолиятини амалга ошириш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда радио жиҳозлар сертификати берилади.

6. “Ўзавиация” агентлиги директори (директор ўринбосари) ёки “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан радио жиҳозлар сертификати имзоланади
ва муҳр билан тасдиқланади.

Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун радио жиҳозлар сертификати инглиз тилидаги таржимасига эга бўлиши лозим.

7. Парвозларни амалга ошириш пайтларида радио жиҳозлар сертификати ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги радио жиҳозлар сертификати бўлмаган ҳолларда ҳаво кемасига парвозларни амалга оширилиши тақиқланади.

8. Радио жиҳозлар сертификати чекланмаган муддатга берилади.

## 2-боб. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар

9. Фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилишда рухсат беришга доир талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

б) ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

в) радио жиҳозлар сертификатини олиш ва қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

г) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми
ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;

д) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини таъминлаш;

е) маълум бир ҳаво кемасига тегишли бўлган чақирув сигналларни, кодларни ва манзилларни бошқа ҳаво кемасида ҳуқуқисиз ишлатиш.

## 3-боб. Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) фуқаро ҳаво кемасида ўрнатилаган радиосигналларни узатувчи радио жиҳозларнинг бутлигини ва сонини, ҳамда радиостанциянинг чақирув сигналларини, фуқаро ҳаво кемасининг SELCAL кодини ва 24-битли манзилини кўрсатиб аризани тақдим этади;

б) фуқаро ҳаво кемасининг 24-битли манзили (ИКАО идентификация коди) фуқаро ҳаво

кемасининг радиожиҳозлар тизимига қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

в) SELCAL тизими ARINC компаниясининг рўйхатига қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (агар ушбу тизим ҳаво кемасида мавжуд бўлса);

г) авария радиомаяклари КОСПАС-САРСАТ тизимининг рўйхатига қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

д) фуқаро ҳаво кемасида ўрнатилаган радиосигналларни узатувчи радио жиҳозларнинг ҳужжатлари (Component maintenance manual).

11. “Ўзавиация” агентлиги белгиланган тартибда радио жиҳозлар сертификатини бериш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни ҳамда ахборотни Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан мустақил равишда “ягона дарча” принципи бўйича идоралараро электрон ҳамкорлиги орқали олади.

Аризачидан ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун зарур бўлган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Агар ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар бевосита “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилса аризачи томонидан ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза расмийлаштирилади ёки, ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилаётган бўлса, паспортнинг 5-бандига асосан маълумот киритилади.

13. “Ўзавиация” агентлигига бевосита тақдим этилган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилинади, ушбу рўйхатда ҳужжатларнинг номи, варақлар сони кўрсатилади. Қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ҳужжатлар рўйхатининг битта нусхаси зудлик билан аризачига тақдим этилади (юборилади).

Ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда, ахборот тизим орқали тақдим этилаган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар иш вақтидан кейин, дам олиш ёки байрам кунлари келиб тушганда навбатдаги иш куни “Ўзавиация” агентлигига келиб тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

14. Ушбу Низомга мувофиқ “Ўзавиация” агентлигига тақдим этиладиган ҳужжатлар фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш муддат давомида сақланиши лозим.

## 4-боб. Аризани кўриб чикиш ва радио жиҳозлар сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш

15. “Ўзавиация” агентлиги томонидан радио жиҳозлар сертификатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

16. “Ўзавиация” агентлиги аризани қабул қилинган санадан бошлаб
ўн иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади ва радио жиҳозлар сертификатини беради ёки беришни рад этади, ушбу Низом 16-банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Ҳаво кемани ишлаб чиқарувчи заводидан, авиатаъмирлаш заводидан, ҳаво кемасини

сотувчидан қабул қилинган ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади ва радио жиҳозлар сертификатини беради ёки беришни рад этади.

17. Аризани кўриб чиқиш жараёнида, аризачи арз қилган фуқаро ҳаво кемаси ва жиҳозланган радио жиҳозлар тўғрисидаги маълумотлари тўлиқлигини ва тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганини текширади.

18. Радио жиҳозлар сертификатини бериш учун масъул бўлган “Ўзавиация” агентлигининг мутахассиси, ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳаракатларни ўтказиб бўлганидан кейин, радио жиҳозлар сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради.

19. “Ўзавиация” агентлиги аризачига радио жиҳозлар сертификатини беради ёки радио жиҳозлар сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда аризачини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Агар “Ўзавиация” агентлиги аризачининг радио жиҳозлар сертификатини бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида аризачига радио жиҳозлар сертификатини бермаса ва уни беришни рад этмаса, ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган муддатлар ўтганидан кейин аризачи амалга оширилиши учун радио жиҳозлар сертификатини олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда “Ўзавиация” агентлигини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади. Бундай ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризачига радио жиҳозлар сертификатини бериши лозим.

Бунда аризачи радио жиҳозлар сертификатсиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда “Ўзавиация” агентлиги эҳтимол тутилган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

20. Аризачи аризада кўрсатилган фуқаро ҳаво кемасининг радио жиҳозлар тўғрисидаги маълумотлар радио жиҳозлар сертификатига киритилади.

21. Аризачига қуйидаги ҳолларда радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилиши мумкин:

аризачи томонидан радио жиҳозлар сертификатини бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

аризачи рухсат бериш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги.

Радио жиҳозлар сертификатини беришни мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ёхуд бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Ушбу Низом 21-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда аризачига камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарномани ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади).

Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган

вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

23. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

24. Хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, “Ўзавиация” агентлиги радио жиҳозлар сертификатини беришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда радио жиҳозлар сертификатини беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

25. Радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари
ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма
ёки электрон шаклда юборилади (берилади). Аризачи рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

26. Аризачи томонидан радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, радио жиҳозлар сертификатини бериш ёхуд уни беришни рад этиш аризачининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда “Ўзавиация” агентлиги томонидан амалга оширилади. Аризани такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

27. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда “Ўзавиация” агентлиги томонидан аризачига илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, бундан илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши мустасно.

28. Радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин аризачи томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва “Ўзавиация” агентлиги томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

29. Аризачи радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг
7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## 5-боб. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш

30. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш
тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 30 моддада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

31. Агар радио жиҳозлар сертификати йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда аризачининг аризаси асосида қайта расмийлаштирилган (янги) радио жиҳозлар сертификати берилади.

32. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган тартибда тегишли ҳужжатлар илова қилинган аризани ва яроқсиз ҳолга келган тақдирда радио жиҳозлар сертификатининг асл нусхасини тақдим этади.

33. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш ва бериш тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

34. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштирилаётганда “Ўзавиация” агентлиги радио жиҳозлар сертификатлар реестрига тегишли ўзгартишларни киритади.

35. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

## 6-боб. Радио жиҳозлар сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш

36. Радио жиҳозлар сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 32, 33 ва 34 моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

37. Радио жиҳозлар сертификатини бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган бир марта қўпол равишта бузишларига қуйидагилар киради:

ташкилий, таъминлаш, фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш ва авиация ҳалокатига олиб келган парвозларни амалга ошириш қоидаларини бузиш;

фуқаро ҳаво кемасининг конструкциясига белгиланган тартиб-қоидаларни бузган ҳолда парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ўзгартиришларни киритиш.

38. Фуқаро ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилган тақдирда радио жиҳозлар сертификати автоматик равишда бекор қилинади.

## 7-боб. Радио жиҳозлар сертификатлар реестрини юритиш тартиби

39. Радио жиҳозлар сертификатлар реестри ахборот тизими воситасида электрон шаклда юритилади. Реестрдаги ахборот очиқдир.

40. “Ўзавиация” агентлиги радио жиҳозлар сертификатлар реестрини доимий асосда юритади ҳамда унга тегишли ўзгартишларни киритади.

## 8-боб. Якунловчи қоида

41. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
1-илова

**Радио жиҳозлар сертификатини бериш**

**СХЕМАСИ**

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Бажариш муддатлари** |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Аризачи | Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун, ушбу Низомда назарда тутилган талабларига мувофиқ зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди. Ҳужжатлар бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки электрон шаклда ахборот тизим орқали тақдим этади. | Ўз хоҳишига кўра |
| 2-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилади, унинг битта нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига тақдим этади (юборади) ёки ахборот тизим орқали тақдим этилганда ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик ахборот тизим орқали аризачига юборилади. | Ҳужжатларни қабул қилинган кунидан бошлаб |
| 3-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | 1. Радио жиҳозлар сертификатини бериш учун тақдим этилган аризани ва ҳужжатларни кўриб чиқади.<br>2. Ижобий хулосаси асосида аризачига радио жиҳозлар сертификатининг асл нусхасини беради (юборади) ёхуд радио жиҳозлар сертификатини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, ёзма ёки электрон шаклда рад этиш сабаблари, кўрсатилиб, аризачини хабардор қилади. | 1. Аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда).<br>2. Рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Аризачи рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, радио жиҳозлар сертификатини бериш ёхуд уни беришни рад этиш амалга оширилади. | Рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда. |

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
2-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ “ЎЗАВИАЦИЯ” АГЕНТЛИГИ**

**CIVIL AVIATION AGENCY UNDER THE MINISTRY OF TRANSPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN CAA OF UZBEKISTAN**

73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
TEL.: + (998-78)-1200063, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: technique@uzcaa.uz

**РАДИО ЖИҲОЗЛАР СЕРТИФИКАТИ**
*RADIO STATION CERTIFICATE*
*СЕРТИФИКАТ НА РАДИООБОРУДОВАНИЕ*
**№**

| **Давлат таниш ва рўйхат белгилари**<br>*Nationality and registration marks*<br>Государственный опознавательный и регистрационный знаки | **Ишлаб чиқарувчи томонидан ҳаво кемасини белгиланиши**<br>***Manufacturer’s Designation of Aircraft***<br>Обозначение воздушного судна изготовителем | **Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган) рақами**<br>*Aircraft serial (manufacturer) number)*<br>Серийный (заводской) номер воздушного судна |
|---|---|---|
| | | |

Ушбу радио жиҳозлар сертификати юқорида қайд қилинган ҳаво кемасига 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция ва Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ берилган. Ҳаво кемаси учун эксплуатация ҳужжатларида кўрсатилган тартиб-қоидалар ва чекловларга мувофиқ ҳаво кемасини эксплуатация *қилгунга қадар* ушбу сертификати амал қилади.

*This radio certificate is issued pursuant to the Convention on International Civil Aviation dated 7th December, 1944, and to the Regulation on the procedure for issuing the radio certificate on the civil aircraft. The certificate is valid until the aircraft is operated in accordance with the procedures and limitations specified in the aircraft operational documentation.*

Настоящий Сертификат на радиооборудование выдан в соответствии с Конвенцией о международной гражданской авиации от 7 декабря 1944 года и Положением о порядке выдачи Сертификата на радиооборудование гражданских воздушных судов. Сертификат действует, пока воздушное судно эксплуатируется в соответствии с процедурами и ограничениями, указанными в эксплуатационной документации на воздушное судно.

| | |
|---|---|
| **Дастлабки берилган сана:**<br>*Date of initial issue:*<br>Дата первоначальной выдачи: | **Берилган сана:**<br>*Date of issue:*<br>Дата выдачи: |
| **М.Ў.**/*stamp*/М.П. | **лавозим, имзо, Ф.И.Ш.**/*position, signature, name*/должность, подпись, Ф.И.О |

**Ҳаво кемасида ўрнатилган радио жиҳозлар**
*Radio station onboard*
Радиооборудование, установленное на воздушном судне

| **Т/р**<br>*№*<br>п/п | *Тизимлар номи*<br>*Denomination of systems*<br>Наименование систем: | **Сони, дона**<br>*Quantity*<br>Количество шт: | **Частотаси**<br>*Frequency*<br>Частота:<br>*(MHz)* |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Ҳаво кемасининг чақирув сигнал ва кодлари / *Codes and calls* / Позывные и коды:

| | |
|---|---|
| **Телефон учун /** *Telephone* / Телефонный: | |
| **Телеграф учун** / *Telegraph* / Телеграфный: | |
| **SELCAL код /** *SELCAL code* / Код SELCAL: | |
| **Ҳаво кемасининг 24-бит манзили /** *Aircraft 24- bit address*/ 24-битовый адрес: | |

*(***лавозим, имзо, Ф.И.Ш.** / *position, signature, name*/должность, подпись, Ф.И.О.

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
3-илова

**Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш**

**ПАСПОРТИ**

<table>
<tr><td>1.</td><td>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:</td><td>Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификат</td></tr>
<tr><td>2.</td><td>Амалага оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):</td><td>Фуқаро авиациясида ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш</td></tr>
<tr><td>3.</td><td>Ариза берувчилар тоифаси:</td><td>Юридик ёки жисмоний шахс</td></tr>
<tr><td>4.</td><td>Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:</td><td>“Ўзавиация” агентлиги</td></tr>
<tr><td>5.</td><td>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:</td><td>а) ариза;<br>Аризада қуйидагилар акс эттирилади:<br>юридик шахс учун — ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефон рақами, электрон почта манзили;<br>жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), турар жойи манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);<br><br>Кераклигини танланг:<br>Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш<br>Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни қайта расмийлаштириш<br><br>Ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:
<table>
<tr><td>Ҳаво кемаси тури</td><td></td></tr>
<tr><td>Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси</td><td></td></tr>
<tr><td>Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган рақами)</td><td></td></tr>
</table>
<br>Радио сигналларини чиқарувчи ускунасининг бутлиги ва таркиби:
<table>
<tr><td>Т/р</td><td>Тури</td><td>Тзимлар номи</td><td>Сони, дона</td><td>Частотаси (МГц)</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>
<br>Ҳаво кемасининг чақирув сигнал ва қодлари:
<table>
<tr><td>Телефон:</td><td></td></tr>
<tr><td>Телеграф:</td><td></td></tr>
<tr><td>SELCAL коди:</td><td></td></tr>
<tr><td>Ҳаво кемасининг 24-битли манзили:</td><td></td></tr>
</table>
</td></tr>
<tr><td>6.</td><td>Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:</td><td>Йиғим ундирилмайди</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| **7.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:** | Йиғим ундирилмайди |
| **8.** | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | 10 иш кун (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда) |
| **9.** | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;<br>б) мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;<br>в) радио жиҳозлар сертификатини олиш ва қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;<br>г) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида «Ўзавиация» агентлигини хабардор қилиш;<br>д) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини таъминлаш;<br>е) маълум бир ҳаво кемасига тегишли бўлган чақирув сигналларни, кодларни ва манзилларни бошқа ҳаво кемасида ҳуқуқисиз ишлатиш. |
| **10.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас |
| **11.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | Чекланмаган муддатга |
| **12.** | **Изоҳ:** | Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги аризачига радио жиҳозлари сертификатининг асл нусхасини беради. |

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси**
**Транспорт вазирлиги ҳузуидаги**
**Фуқаро авиацияси агентлиги**
**Директорига**

**АРИЗА**

__________________________________________________________дан
*(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)*

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни беришни

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни қайта расмийлаштиришни
сўрайман.

1. Ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:

| Ҳаво кемаси тури | Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси | Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган рақами) |
|---|---|---|
| | | |

2. Радио жиҳозлар тўғрисидаги маълумотлар:

| Т/р | Тури | Тизимлар номи | Сони, дона | Частотаси (МГц) |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |

3. Ҳаво кемасининг чақирув сигнал ва қодлари:

| | |
|---|---|
| Телефон: | |
| Телеграф: | |
| SELCAL коди: | |
| Ҳаво кемасининг 24-битли манзили: | |

4. ___________________ ҳаво кемаси UK _________________________ юқорида
*(ҳаво кемаси тури)* *(рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси)*

кўрсатилган радио жиҳозлар билан жиҳозланган.

Ушбу аризада кўрсатилган барча маълумотлар, ишончли ҳисобланади.

**Аризачи тўғрисида маълумот:**

*юридик шахслар учун:*

1. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи: _______________________
2. Жойлашган жойи (почта индекси): _______________________
3. Телефон рақами / факс рақами: _______________________

*жисмоний шахслар учун:*

1. *Фамилияси*, исми, шарифи: _______________________
2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумот: ____________

3. Турар жойи, адрес: ________________________________
4. Телефон рақами / факс рақами: ________________________
5. СТИР: ________________________________________

*Аризачи* ____________________ ____________________
*(лавозим)* *(имзо, фамилия, исми, шарифи)*

20__ й. “ ___ ” ________

5. Радио жиҳозлар сертификатни бериш ёки бермаслик тўғрисида “Ўзавиация” агентлиги мутахассиснинг ҳулосаси: ____________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________

____________________ ____________________
*(лавозим)* *(имзо, фамилия, исми, шарифи)*

20__ й. “ ___ ” ________

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “____”____________даги
____-сон қарорига
5-сон илова

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун
сертификатни бериш тартиби тўғрисида
**НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунига, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни (кейинги ўринларда радио жиҳозлар сертификати деб юритилади) бериш ва фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлар сертификатлар реестрини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига киритилган фуқаро ҳаво кемаларига татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аризачи** — радио жиҳозлар сертификатини бериш (қайта расмийлаштириш, бекор қилиш) учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига (кейинги ўринларда “Ўзавиация” агентлиги деб юритилади) ариза билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**ҳаво кемасининг манзили** — “ҳаво-ер” алоқасини, навигациясини ва кузатувни таъминлаш мақсадларида фуқаро ҳаво кемасига тайинланган 24-битдан ташкил этган шахсий комбинацияси;

**ахборот тизими** — “Лицензия” махсус электрон тизими, Ўзбекистон Республикасининг ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқалар;

**SELCAL коди** — маълум бир ҳаво кемасини ер усти станцияси билан радиотелефон каналлари орқали боғловчи, фуқаро ҳаво кемасини танлаб чақириш имкониятини таъминловчи танлаб чақирувчи тизим коди;

**радио жиҳозлар сертификатлар реестри** — берилган, қайта расмийлаштирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, бекор қилинган радио жиҳозлар сертификатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

4. Ушбу Низомнинг 1 ва 2-*иловаларга* мувофиқ шакл ва схемаси бўйича аризачига радио

жиҳозлар сертификати берилади.

5. “Ўзавиация” агентлиги томонидан ҳаво кемасининг эксплуатацияси билан боғлиқ фуқаро авиациясида фаолиятини амалга ошириш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда радио жиҳозлар сертификати берилади.

6. “Ўзавиация” агентлиги директори (директор ўринбосари) ёки “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан радио жиҳозлар сертификати имзоланади
ва муҳр билан тасдиқланади.

Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун радио жиҳозлар сертификати инглиз тилидаги таржимасига эга бўлиши лозим.

7. Парвозларни амалга ошириш пайтларида радио жиҳозлар сертификати ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги радио жиҳозлар сертификати бўлмаган ҳолларда ҳаво кемасига парвозларни амалга оширилиши тақиқланади.

8. Радио жиҳозлар сертификати чекланмаган муддатга берилади.

## 2-боб. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар

9. Фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилишда рухсат беришга доир талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

б) ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

в) радио жиҳозлар сертификатини олиш ва қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

г) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми
ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш;

д) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини таъминлаш;

е) маълум бир ҳаво кемасига тегишли бўлган чақирув сигналларни, кодларни ва манзилларни бошқа ҳаво кемасида ҳуқуқисиз ишлатиш.

## 3-боб. Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) фуқаро ҳаво кемасида ўрнатилаган радиосигналларни узатувчи радио жиҳозларнинг бутлигини ва сонини, ҳамда радиостанциянинг чақирув сигналларини, фуқаро ҳаво кемасининг SELCAL кодини ва 24-битли манзилини кўрсатиб аризани тақдим этади;

б) фуқаро ҳаво кемасининг 24-битли манзили (ИКАО идентификация коди) фуқаро ҳаво

кемасининг радиожиҳозлар тизимига қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

в) SELCAL тизими ARINC компаниясининг рўйхатига қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (агар ушбу тизим ҳаво кемасида мавжуд бўлса);

г) авария радиомаяклари КОСПАС-САРСАТ тизимининг рўйхатига қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

д) фуқаро ҳаво кемасида ўрнатилаган радиосигналларни узатувчи радио жиҳозларнинг ҳужжатлари (Component maintenance manual).

11. “Ўзавиация” агентлиги белгиланган тартибда радио жиҳозлар сертификатини бериш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни ҳамда ахборотни Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан мустақил равишда “ягона дарча” принципи бўйича идоралараро электрон ҳамкорлиги орқали олади.

Аризачидан ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун зарур бўлган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Агар ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар бевосита “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилса аризачи томонидан ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза расмийлаштирилади ёки, ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали электрон шаклда тақдим этилаётган бўлса, паспортнинг 5-бандига асосан маълумот киритилади.

13. “Ўзавиация” агентлигига бевосита тақдим этилган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилинади, ушбу рўйхатда ҳужжатларнинг номи, варақлар сони қўрсатилади. Қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ҳужжатлар рўйхатининг битта нусхаси зудлик билан аризачига тақдим этилади (юборилади).

Ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда, ахборот тизим орқали тақдим этилаган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар иш вақтидан кейин, дам олиш ёки байрам кунлари келиб тушганда навбатдаги иш куни “Ўзавиация” агентлигига келиб тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

14. Ушбу Низомга мувофиқ “Ўзавиация” агентлигига тақдим этиладиган ҳужжатлар фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш муддат давомида сақланиши лозим.

## 4-боб. Аризани қўриб чикиш ва радио жиҳозлар сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш

15. “Ўзавиация” агентлиги томонидан радио жиҳозлар сертификатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

16. “Ўзавиация” агентлиги аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади ва радио жиҳозлар сертификатини беради ёки беришни рад этади, ушбу Низом 16-банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Ҳаво кемани ишлаб чиқарувчи заводидан, авиатаъмирлаш заводидан, ҳаво кемасини

сотувчидан қабул қилинган ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади ва радио жиҳозлар сертификатини беради ёки беришни рад этади.

17. Аризани кўриб чиқиш жараёнида, аризачи арз қилган фуқаро ҳаво кемаси ва жиҳозланган радио жиҳозлар тўғрисидаги маълумотлари тўлиқлигини ва тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганини текширади.

18. Радио жиҳозлар сертификатини бериш учун масъул бўлган “Ўзавиация” агентлигининг мутахассиси, ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳаракатларни ўтказиб бўлганидан кейин, радио жиҳозлар сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради.

19. “Ўзавиация” агентлиги аризачига радио жиҳозлар сертификатини беради ёки радио жиҳозлар сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда аризачини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Агар “Ўзавиация” агентлиги аризачининг радио жиҳозлар сертификатини бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида аризачига радио жиҳозлар сертификатини бермаса ва уни беришни рад этмаса, ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган муддатлар ўтганидан кейин аризачи амалга оширилиши учун радио жиҳозлар сертификатини олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда “Ўзавиация” агентлигини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади. Бундай ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризачига радио жиҳозлар сертификатини бериши лозим.

Бунда аризачи радио жиҳозлар сертификатсиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда “Ўзавиация” агентлиги эҳтимол тутилган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

20. Аризачи аризада кўрсатилган фуқаро ҳаво кемасининг радио жиҳозлар тўғрисидаги маълумотлар радио жиҳозлар сертификатига киритилади.

21. Аризачига қуйидаги ҳолларда радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилиши мумкин:

аризачи томонидан радио жиҳозлар сертификатини бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

аризачи рухсат бериш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги.

Радио жиҳозлар сертификатини беришни мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ёхуд бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Ушбу Низом 21-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда аризачига камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарномани ёзма ёки электрон шаклда юборилади (берилади).

Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган

вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

23. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

24. Хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, “Ўзавиация” агентлиги радио жиҳозлар сертификатини беришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда радио жиҳозлар сертификатини беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

25. Радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари
ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма
ёки электрон шаклда юборилади (берилади). Аризачи рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

26. Аризачи томонидан радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, радио жиҳозлар сертификатини бериш ёхуд уни беришни рад этиш аризачининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда “Ўзавиация” агентлиги томонидан амалга оширилади. Аризани такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

27. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда “Ўзавиация” агентлиги томонидан аризачига илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, бундан илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши мустасно.

28. Радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин аризачи томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва “Ўзавиация” агентлиги томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

29. Аризачи радио жиҳозлар сертификатини бериш рад этилганлиги, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг
7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**5-боб. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш**

30. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш
тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 30 моддада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

31. Агар радио жиҳозлар сертификати йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда аризачининг аризаси асосида қайта расмийлаштирилган (янги) радио жиҳозлар сертификати берилади.

32. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш учун аризачи “Ўзавиация” агентлигига ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган тартибда тегишли ҳужжатлар илова қилинган аризани ва яроқсиз ҳолга келган тақдирда радио жиҳозлар сертификатининг асл нусхасини тақдим этади.

33. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш ва бериш тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

34. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштирилаётганда “Ўзавиация” агентлиги радио жиҳозлар сертификатлар реестрига тегишли ўзгартишларни киритади.

35. Радио жиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

## 6-боб. Радио жиҳозлар сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш

36. Радио жиҳозлар сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 32, 33 ва 34 моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

37. Радио жиҳозлар сертификатини бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган бир марта қўпол равишта бузишларига қуйидагилар киради:

ташкилий, таъминлаш, фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш ва авиация ҳалокатига олиб келган парвозларни амалга ошириш қоидаларини бузиш;

фуқаро ҳаво кемасининг конструкциясига белгиланган тартиб-қоидаларни бузган ҳолда парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ўзгартиришларни киритиш.

38. Фуқаро ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилган тақдирда радио жиҳозлар сертификати автоматик равишда бекор қилинади.

## 7-боб. Радио жиҳозлар сертификатлар реестрини юритиш тартиби

39. Радио жиҳозлар сертификатлар реестри ахборот тизими воситасида электрон шаклда юритилади. Реестрдаги ахборот очиқдир.

40. “Ўзавиация” агентлиги радио жиҳозлар сертификатлар реестрини доимий асосда юритади ҳамда унга тегишли ўзгартишларни киритади.

## 8-боб. Якунловчи қоида

41. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
1-илова

**Радио жиҳозлар сертификатини бериш**

**СХЕМАСИ**

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Бажариш муддатлари** |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Аризачи | Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун, ушбу Низомда назарда тутилган талабларига мувофиқ зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди. Ҳужжатлар бевосита “Ўзавиация” агентлигига ёки электрон шаклда ахборот тизим орқали тақдим этади. | Ўз хоҳишига кўра |
| 2-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Радио жиҳозлар сертификатини олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилади, унинг битта нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига тақдим этади (юборади) ёки ахборот тизим орқали тақдим этилганда ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик ахборот тизим орқали аризачига юборилади. | Ҳужжатларни қабул қилинган кунидан бошлаб |
| 3-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | 1. Радио жиҳозлар сертификатини бериш учун тақдим этилган аризани ва ҳужжатларни кўриб чиқади.<br>2. Ижобий хулосаси асосида аризачига радио жиҳозлар сертификатининг асл нусхасини беради (юборади) ёхуд радио жиҳозлар сертификатини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, ёзма ёки электрон шаклда рад этиш сабаблари, кўрсатилиб, аризачини хабардор қилади. | 1. Аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда).<br>2. Рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Аризачи рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, радио жиҳозлар сертификатини бериш ёхуд уни беришни рад этиш амалга оширилади. | Рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда. |

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш тартиби тўғрисида низомга 2-илова

| | |
|---|---|
| **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ<br>ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ<br>ҲУЗУРИДАГИ<br>ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ<br>“ЎЗАВИАЦИЯ” АГЕНТЛИГИ** | **CIVIL AVIATION AGENCY<br>UNDER THE MINISTRY OF<br>TRANSPORT<br>OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN<br>CAA OF UZBEKISTAN** |

73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
TEL.: + (998-78)-1200063, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: technique@uzcaa.uz

**РАДИО ЖИҲОЗЛАР СЕРТИФИКАТИ**
*RADIO STATION CERTIFICATE*
*СЕРТИФИКАТ НА РАДИООБОРУДОВАНИЕ*
**№**

| **Давлат таниш ва рўйхат белгилари**<br>*Nationality and registration marks*<br>Государственный опознавательный и регистрационный знаки | **Ишлаб чиқарувчи томонидан ҳаво кемасини белгиланиши**<br>***Manufacturer’s Designation of Aircraft***<br>Обозначение воздушного судна изготовителем | **Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган) рақами**<br>*Aircraft serial (manufacturer) number)*<br>Серийный (заводской) номер воздушного судна |
|---|---|---|
| | | |

Ушбу радио жиҳозлар сертификати юқорида қайд қилинган ҳаво кемасига 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция ва Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ берилган. Ҳаво кемаси учун эксплуатация ҳужжатларида кўрсатилган тартиб-қоидалар ва чекловларга мувофиқ ҳаво кемасини эксплуатация *қилгунга қадар* ушбу сертификати амал қилади.
*This radio certificate is issued pursuant to the Convention on International Civil Aviation dated 7th December, 1944, and to the Regulation on the procedure for issuing the radio certificate on the civil aircraft. The certificate is valid until the aircraft is operated in accordance with the procedures and limitations specified in the aircraft operational documentation.*
Настоящий Сертификат на радиооборудование выдан в соответствии с Конвенцией о международной гражданской авиации от 7 декабря 1944 года и Положением о порядке выдачи Сертификата на радиооборудование гражданских воздушных судов. Сертификат действует, пока воздушное судно эксплуатируется в соответствии с процедурами и ограничениями, указанными в эксплуатационной документации на воздушное судно.

**Дастлабки берилган сана:** *Date of initial issue:* Дата первоначальной выдачи:
**Берилган сана:** *Date of issue:* Дата выдачи:

**М.Ў.**/*stamp*/М.П.

**лавозим, имзо, Ф.И.Ш.**/*position, signature, name*/должность, подпись, Ф.И.О

**Ҳаво кемасида ўрнатилган радио жиҳозлар**
*Radio station onboard*
Радиооборудование, установленное на воздушном судне

| **Т/р**<br>*№*<br>п/п | *Тизимлар номи*<br>*Denomination of systems*<br>Наименование систем: | **Сони, дона**<br>*Quantity*<br>Количество шт: | **Частотаси**<br>*Frequency*<br>Частота:<br>*(MHz)* |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Ҳаво кемасининг чақирув сигнал ва кодлари */ Codes and calls /* Позывные и коды:

| | |
|---|---|
| **Телефон учун /** *Telephone* / Телефонный: | |
| **Телеграф учун** / *Telegraph* / Телеграфный: | |
| **SELCAL код /** *SELCAL code* / Код SELCAL: | |
| **Ҳаво кемасининг 24-бит манзили /** *Aircraft 24- bit address*/ 24-битовый адрес: | |

*(***лавозим, имзо, Ф.И.Ш.** */ position, signature, name/*должность, подпись, Ф.И.О.

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
3-илова

**Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш**

**ПАСПОРТИ**

<table>
<tr><td>**1.**</td><td>**Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:**</td><td>Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификат</td></tr>
<tr><td>**2.**</td><td>**Амалага оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):**</td><td>Фуқаро авиациясида ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш</td></tr>
<tr><td>**3.**</td><td>**Ариза берувчилар тоифаси:**</td><td>Юридик ёки жисмоний шахс</td></tr>
<tr><td>**4.**</td><td>**Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:**</td><td>“Ўзавиация” агентлиги</td></tr>
<tr><td>**5.**</td><td>**Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:**</td><td>а) ариза;<br>Аризада қуйидагилар акс эттирилади:<br>юридик шахс учун — ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефон рақами, электрон почта манзили;<br>жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), турар жойи манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);<br><br>Кераклигини танланг:<br>Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни бериш<br>Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни қайта расмийлаштириш<br><br>Ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:
<table>
<tr><td>Ҳаво кемаси тури</td><td></td></tr>
<tr><td>Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси</td><td></td></tr>
<tr><td>Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган рақами)</td><td></td></tr>
</table>
Радио сигналларини чиқарувчи ускунасининг бутлиги ва таркиби:
<table>
<tr><td>Т/р</td><td>Тури</td><td>Тзимлар номи</td><td>Сони, дона</td><td>Частотаси (МГц)</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>
Ҳаво кемасининг чақирув сигнал ва қодлари:
<table>
<tr><td>Телефон:</td><td></td></tr>
<tr><td>Телеграф:</td><td></td></tr>
<tr><td>SELCAL коди:</td><td></td></tr>
<tr><td>Ҳаво кемасининг 24-битли манзили:</td><td></td></tr>
</table></td></tr>
<tr><td>**6.**</td><td>**Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:**</td><td>Йиғим ундирилмайди</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| **7.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:** | Йиғим ундирилмайди |
| **8.** | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | 10 иш кун (фуқаро ҳаво кемани хорижий давлатлар ҳудудида қабул қилинган ҳолларда, аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда) |
| **9.** | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | а) қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;<br>б) мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ паспортда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;<br>в) радио жиҳозлар сертификатини олиш ва қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;<br>г) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш иш куни давомида «Ўзавиация» агентлигини хабардор қилиш;<br>д) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини таъминлаш;<br>е) маълум бир ҳаво кемасига тегишли бўлган чақирув сигналларни, кодларни ва манзилларни бошқа ҳаво кемасида ҳуқуқсиз ишлатиш. |
| **10.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас |
| **11.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | Чекланмаган муддатга |
| **12.** | **Изоҳ:** | Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсия этилган амаллари ва халқаро стандартларига мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги аризачига радио жиҳозлари сертификатининг асл нусхасини беради. |

Фуқаро ҳаво кемаларининг
радио жиҳозлари учун сертификатни
бериш тартиби тўғрисида низомга
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси**
**Транспорт вазирлиги ҳузуидаги**
**Фуқаро авиацияси агентлиги**
**Директорига**

**АРИЗА**

______________________________________________________________дан
*(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)*

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни беришни

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификатни қайта расмийлаштиришни
сўрайман.

1. Ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:

| Ҳаво кемаси тури | Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси | Ҳаво кемасининг серияли (заводда берилган рақами) |
|---|---|---|
| | | |

2. Радио жиҳозлар тўғрисидаги маълумотлар:

| Т/р | Тури | Тизимлар номи | Сони, дона | Частотаси (МГц) |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |

3. Ҳаво кемасининг чақирув сигнал ва қодлари:

| | |
|---|---|
| Телефон: | |
| Телеграф: | |
| SELCAL коди: | |
| Ҳаво кемасининг 24-битли манзили: | |

4. ____________________ ҳаво кемаси UK __________________________ юқорида
*(ҳаво кемаси тури)* *(рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси)*

кўрсатилган радио жиҳозлар билан жиҳозланган.

Ушбу аризада кўрсатилган барча маълумотлар, ишончли ҳисобланади.

**Аризачи тўғрисида маълумот:**

*юридик шахслар учун:*

1. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатилган тўлиқ номи: ____________________
2. Жойлашган жойи (почта индекси): ____________________
3. Телефон рақами / факс рақами: ____________________

*жисмоний шахслар учун:*

1. *Фамилияси*, исми, шарифи: ____________________
2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумот: ____________

3. Турар жойи, адрес: ______________________________
4. Телефон рақами / факс рақами: ______________________________
5. СТИР: ______________________________

*Аризачи* ______________________________ ______________________________
*(лавозим)* *(имзо, фамилия, исми, шарифи)*

20__ й. “ ___ ” ________

5. Радио жиҳозлар сертификатни бериш ёки бермаслик тўғрисида “Ўзавиация” агентлиги мутахассиснинг ҳулосаси: ______________________________
______________________________
______________________________
______________________________

______________________________ ______________________________
*(лавозим)* *(имзо, фамилия, исми, шарифи)*

20__ й. “ ___ ” ________

Вазирлар Маҳкамасининг

2022 йил ________даги ______-сон қарорига

6-сон илова

Фуқаро ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳаво Кодекси ва “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандарт ва тавсияларига мувофиқ ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларга сертификатни бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

авиация техникаси – ҳаво кемалари ва уларнинг компонентлари (ҳаво кемаларининг ҳар қандай таркибий қисмлари, шу жумладан куч қурилмалари, борт тизимлари, бутловчи қисмлари, йиғув бирликлари ва деталлари);

ҳаво кемаси – атмосферада ўзининг ҳаво билан ўзаро таъсири ҳисобига ушлаб туриладиган ҳар қандай аппарат, ер юзасидан қайтган ҳаво билан ўзаро таъсири бундан мустасно;

авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташқи линияли станция – ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан яратилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташқарисида фаолият кўрсатувчи линияли станция;

“Ўзавиация” агентлиги – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги;

рухсат берувчи ходимлар – техник хизмат кўрсатилгандан сўнг уларни эксплуатация қилишга рухсат бериш учун, ҳаво кемасининг ва унинг тизим ёки компонентнинг учишга яроқлилигини тасдиқловчи авиация ходимлари;

аризачи – ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига сертификатни бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, тиклаш, амал қилишини тугатиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш учун ариза билан мурожаат қилган юридик шахс;

муҳандис-техник ходимлари – ҳаво кемаларига ва/ёки унинг компонентларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун амалдаги авиамутахассис гувоҳномасига эга бўлган авиация ходимлари;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотида инспекторлик текшируви – ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотини, ташкилотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган баҳолаш;

учишга яроқлилик – белгиланган эксплуатация усулларида
ва кутилган шароитларда парвозларни хавфсиз бажариш имконини берувчи, унинг

конструкциясида ва учиш сифатларида назарда тутилган ва жорий қилинган принциплар орқали аниқланадиган ҳаво кемасининг хусусияти;

авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш линияли станцияси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уч ойдан кам бўлмаган муддатга, ташкилот ҳудудининг асосий жойлашган жойидан ташқарида ташкил этилган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича ташкилотнинг бўлинмаси;

модификация – аниқ намунавий конструкцияга ўзгаришлар киритиш;

1-тоифали номувофиқликлар – ушбу Низом талабларига, ҳаво кемасининг учишга яроқлилик даражасини ушлаб туришни таъминлашга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай жиддий номувофиқлар. 1-тоифали номувофиқликлар сертификатнинг берилишига тўсқинлик қилади;

2-тоифали номувофиқликлар – ушбу Низом талабларига, ҳаво кемасининг учишга яроқлилик даражасини ушлаб туриш билан боғлиқ бўлмаган, аммо белгиланган талаблар ёки тартиблардан четга чиқишини намоён этувчи ҳар қандай номувофиқликлар. 2-тоифали номувофиқликлар сертификатнинг берилишига тўсқинлик қилмайди.

учишга яроқлилик меъёрлари – парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳаво кемаларини, уларнинг компонентларини ва конструкциясининг параметрлари ва учиш сифатларига қўйиладиган талаблар;

тезкор техник хизмат кўрсатиш – ҳаво кемасини парвозга тайёрлаш бўйича бажариладиган техник хизмат кўрсатиш ишлари. Тезкор техник хизмат кўрсатиш ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин: носозликларнинг сабабларини қидириш ва уларни бартараф қилиш, компонентларни алмаштириш; техник хизмат кўрсатиш бўйича режали ишлар (шу жумладан, кўринадиган шикастланишлар/бузилишларни аниқлаш учун кўп меҳнат ва чуқур назоратни талаб қилмайдиган кўз билан кўриш мумкин бўлган ишлар). Шунингдек, у тузилманинг тез очилувчи панель/люклар орқали, мавжуд бўлган ички элементларида, борт тизимларида, двигателларда бажариладиган, қисмларга ажратиш бўйича катта иш ҳажмини талаб қилмайдиган ҳамда содда мосламалар ва асбоблар билан бажариладиган жорий таъмирлаш ва мураккаб бўлмаган ҳажмдаги модификация қилиш ишларини ўз ичига олиши мумкин;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати – сертификатга ажралмас илова бўлиб, унда мазкур ташкилот бажариш учун тасдиқланган фаолият соҳаси (ишларнинг турлари) кўрсатилади;

даврий техник хизмат кўрсатиш – мураккаблиги жиҳатидан ва уларни бажариш шартларига қўйилган талаблар бўйича, тезкор техник хизмат кўрсатиш мезонларига жавоб бермайдиган техник хизмат кўрсатиш ишлари;

учишга яроқлилигини сақлаш – ҳаво кемаларнинг учишга яроқлилик меъёрлари талабларига мувофиқлигини ва уларни эксплуатация қилиш муддати давомида хавфсиз эксплуатация қилиш учун зарур бўлган ҳолатда ушлаб турилишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуаси;

таъмирлаш – ҳаво кемасининг тегишли турига, тури сертификат бериш учун фойдаланилган тегишли учишга яроқлилик нормаларида назарда тутилган ҳаво кемасининг конструкторлик талабларига келгуси мувофиқлигини таъминлаш учун, унинг емирилиши (едирилиши) ёки бузилишидан кейин ҳаво кемасининг яроқлилигини тиклаш жараёни;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмаси – ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган

ҳамда ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолият соҳаси, унинг раҳбариятининг вазифалари ва масъулияти, муҳандис-техник ходимлари, тузилмаси, ишлаб чиқариш базаси, техник хизмат кўрсатиш тартиблари
ва сифатни таъминлаш тизими тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжат;

сифат бўйича қўлланмаси – ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг сифат тизимини таърифловчи ва сифат соҳасидаги сиёсатини баён қилувчи ҳужжат;

раҳбар ходимлар – ташкилотнинг ходимлар таркибига кирадиган, ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича барча ишларни ресурс ва ташкилий жиҳатдан таъминланишини амалга ошириш учун етарли ҳуқуқига эга бўлган ваколатли шахслар;

техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома – унда кўрсатилган ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ишларининг, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасида баён этилган тасдиқланган тартиб ва маълумотларга мувофиқ қониқарли бажарилганлигини тасдиқловчи маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотини тасдиқлаш сертификати – Сертификат эгаси томонидан ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича барча ишларни бажариш ушбу Низом талабларига жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжат;

сифат тизими – сифат стандартларига мувофиқ, сифат бўйича маъмурий бошқариш учун зарур бўлган ташкилий тузилма, ҳужжатли услублар, жараёнлар ва ресурслар мажмуаси;

парвоз хавфсизлигини бошқариш тизими – парвоз хавфсизлигини бошқаришга тизим жиҳатидан ёндашиш, шу жумладан зарур бўлган ташкилий тузилма, масъулиятнинг босқичма-босқичлиги, бошқарув принциплари ва тартиблари;

бошқа ташкилот – “Ўзавиация” агентлиги ва/ёки хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, ҳаво кемаларида ишларни бажариш учун жалб этиладиган, аммо мазкур ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти таркибига кирмайдиган ташкилот;

техник хизмат кўрсатиш – ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини сақлашни таъминлаш ишларини, шу жумладан нафақат алоҳида, балки биргаликда ҳам бажариладиган ҳаво кемасига ва унинг компонентларига тезкор ва даврий техник хизмат кўрсатиш, назорат-тиклаш ишлари, текширишлар, алмаштириш, носозликларни бартараф этиш, шунингдек модификациялаш ёки таъмирлашни амалий бажариш;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича тасдиқланган ташкилот – ҳаво кемаларига ва/ёки унинг компонентларига техник хизмат кўрсатиш учун фаолияти “Ўзавиация” агентлиги томонидан ушбу Низомнинг талабларига мувофиқ сертификатланган ҳамда “Ўзавиация” агентлиги назорати остида фаолият юритувчи ташкилот;

ҳаво кемаси эксплуатанти – ҳаво кемасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эгалик қилувчи, шу ҳаво кемасидан фойдаланишни амалга ошириш қобилияти эксплуатант сертификати билан тасдиқланган юридик ёки жисмоний шахс;

эксплуатацион ҳужжатлар – ҳаво кемаси ва компонентларининг учиш ва техник эксплуатациясини, шу жумладан унга техник хизмат кўрсатиш, эксплуатация қилиш бўйича чекловлар, тартиблар ва тавсияларни белгилайдиган ҳужжат;

Ахборот тизими – махсус электрон тизим “Лицензия”, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва ҳоказо. Ахборот тизим орқали ариза бериш ва сертификат олиш жараёни

Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига сертификатни “Лицензия” ахборот тизими ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали бериш Схемаси ва паспортга (мазкур Низомга 1 ва 2-иловалари) мувофиқ амалга оширилади.

3. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишлари, ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати билан бирга ташкилотнинг сертификати (кейинги ўринларда Сертификат деб аталади) мавжуд бўлган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича тасдиқланган ташкилот (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) томонидан амалга оширилади.

4. Ташкилотнинг қуйидаги фаолият соҳаси “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланиши лозим:

а) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш дастурига (регламентига) мувофиқ ҳаво кемаси, авиадвигателлари ва уларнинг компонентларига техник хизмат кўрсатиш ишларининг барча турлари (шакллари);

б) махсус ишлар (путур етказмасдан назорат қилиш, ҳаво кемасини модификация қилиш, ҳаво кемасининг оғирлигини ва оғирлик марказини аниқлаш, двигателларнинг диагностика қилиш ва бошқалар).

5. Ташкилотни сертификатлаштириш, унинг фаолият соҳасини тасдиқлаш ва сертификатини бериш учун, “Ўзавиация” агентлиги томонидан ушбу Низом ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Аризани кўриб чиқиш ва сертификатларни расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

Ташкилотни сертификатлаштириш ишларини бажариш билан боғлиқ барча харажатлар бевосита аризачи томонидан тўланади. Жойига чиқиб сертификатлаш (инспекция) ишларида иштирок этаётган мутахассислар, аризачи томонидан барча зарур бўлган, шу жумладан транспорт, алоқа воситалари, оргтехника, турар жой, овқат ва бошқалар билан таъминланилиши шарт.

7. Тасдиқланган фаолият соҳаси, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва унинг компонентларига бутунлай, алоҳида ёки уларни биргаликда бажариладиган ишларини ўз ичига олиши мумкин.

8. Ташкилот қуйидагича фаолият юритиши мумкин:

а) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури бўлган мустақил корхона сифатида;

б) ҳаво кемаси эксплуатанти, авиакомпания, аэропорт, авиатаъмирлаш ёки авиасозлик заводининг ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга асосий фаолият турига кирмайдиган, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича махсуслаштирилган бўлинмаси сифатида.

9. Агар тасдиқланган ташкилот ҳаво кемаси эксплуатантнинг тегишли бир қисмини ташкил этмаса, у ҳолда ҳаво кемаси эксплуатанти ва ташкилоти ўртасида ёзма шаклда расмийлаштирилган, томонларнинг ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини сақлаш бўйича вазифалари ва мажбуриятлари белгиланган шартномаси тузилиши керак. Бу шартноманинг техник томонлари “Ўзавиация” агентлиги билан келишиб олиниши лозим.

10. Ташкилот ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш вақтида техник хизмат кўрсатиш дастурида (регламентида) назарда тутилган баъзи турдаги ишларни

бошқа ташкилотларга шартнома асосида топшириши мумкин. Бу шартноманинг техник томонлари “Ўзавиация” агентлиги билан келишиб олиниши лозим.

11. Ташкилотга “Ўзавиация” агентлиги директорининг имзоси ва гербли муҳри билан тасдиқланган сертификатнинг асл нусхаси берилади. Агар ташкилот бир ёки бир неча ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш линияли/ ташқи линияли станцияларига эга бўлса, бу ҳолда ташкилотининг тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш асосий станциясига ва ҳар бир ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш линияли ёки ташқи линияли станцияларига берилади. Ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини “Ўзавиация” агентлиги томонидан ваколат берилган шахс тасдиқлайди.

## 2-боб. Аризачини сертификатлаш

### 1-§. Умумий қоидалар

12. Аризачини сертификатлаш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

а) аризачи томонидан ариза ва ҳужжатларни ахборот тизим орқали электрон шаклида ёки бевосита Агентликка тақдим этиш;

б) ахборот тизим орқали ёки Агентлик томонидан аризани дастлабки баҳолаш ва рад этилган тақдирда аризачига хабар бериш;

в) асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш ва аниқланган камчиликлар тўғрисида аризачини ахборот тизим орқали ёки ёзма равишда хабардор қилиш;

г) аризачидан асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш вақтида аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни олиш ҳамда уларнинг бартараф этилганлигини текшириш;

д) аризачи ушбу Низомнинг 4-иловасида баён этилган талабларга мувофиқлигини текшириш бўйича инспекторлик текширувини ўтказиш
ва текширув натижалари бўйича аниқланган номувофиқликлар кўрсатилган ҳисобот тайёрлаш;

е) аризачидан текшириш вақтида аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида ҳужжатларни олиш;

ж) текширув натижалари бўйича хулоса тайёрлаш ва сертификат бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилиш. Ариза ахборот тизими орқали қабул қилинган бўлганда хулосани ахборот тизим орқали аризачини шахсий кабинетига юбориш;

з) сертификат бериш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса сертификатни тайёрлаш ва аризачига топшириш.

13. Аризачини сертификатлаш ишларини олиб бориш жараёнида расмийлаштирилган барча ҳужжатларнинг асли (Сертификат ва унинг иловаларидан ташқари) “Ўзавиация” агентлигида сақланади (инспекция текшируви дастури, номувофиқликлар рўйхати ва ҳоказо).

### 2-§. Ариза ва асословчи ҳужжатларни тақдим этиш

14. Аризачининг сертификатлаш учун аризаси “Ўзавиация” агентлиги томонидан кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш муддати икки ой.

15. Аризачи томонидан ариза ва асословчи ҳужжатлар электрон шаклида ахборот тизим орқали ёки бевосита “Ўзавиация” агентлигига ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ расмийлаштирилган шаклида тақдим этилиши мумкин.

16. Аризага ушбу Низомга 4-илованинг 11 ва 12-бандларига мувофиқ ишлаб чиқилган сифат бўйича қўлланмаси ва ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмадан иборат асословчи ҳужжатлар тўплами илова қилиниши керак.

17. “Ўзавиация” агентлигига бевосита тақдим этилган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилинади, ушбу рўйхатда ҳужжатларнинг номи, варақлар сони кўрсатилади. Қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ҳужжатлар рўйхатининг битта нусхаси зудлик билан аризачига тақдим этилади (юборилади).

Ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ахборот тизим орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда, ахборот тизим орқали тақдим этилаган ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар иш вақтидан кейин, дам олиш ёки байрам кунлари келиб тушганда навбатдаги иш куни “Ўзавиация” агентлигига келиб тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

18. Аризада ва асословчи ҳужжатларида келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги учун аризачи жавобгар бўлади.

3-§. Аризани дастлабки баҳолаш

19. Аризани дастлабки баҳолаш ариза Агентликка қабул қилинган кундан бошлаб 10 календар куни ичида амалга оширилади.

Ахборот тизим орқали киритилган ариза автоматик равишда таққосланади ва текширилади.

Ариза қуйидаги ҳолларда автоматик равишда қабул қилинмайди:

нотўғри ёки ёлғон маълумотлар киритилганлиги ахборот тизим орқали аниқланганда;

рухсат беришга оид талаб ва шартларга риоя этилиши тасдиқланмаганда;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрида аризачининг айни бир хил фаолият бўйича киритилган ва амалда бўлган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати мавжуд бўлган тақдирда;

аризачининг айни бир хил фаолиятни амалга ошириши ёки ҳаракатни бажариши муайян муддатга тўхтатилганда;

аризачи томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бўйича танлаган фаолиятни амалга ошириш ва/ёки ҳаракатни бажариш суднинг қарорига асосан муайян муддатда тақиқланганда.

Мазкур бандда кўрсатилганлардан ташқари бошқа асослар билан аризани қабул қилмасликка йўл қўйилмайди.

20. Ариза тўғридан тўғри "Ўзавиация" агентлигига юборилганда дастлабки баҳолашда қуйидагилар текширилади:

а) ариза берувчи ҳақидаги маълумотларнинг етарлилиги ва аризанинг расмийлаштирилганлиги бўйича белгиланган талабларга мувофиқлиги;

б) асословчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги.

21. Ариза билан бирга тақдим этилган асословчи ҳужжатлар тўплами текширув натижалари салбий бўлганда, аризани қайтариш сабаблари кўрсатилган ҳолда, тегишли қарор

қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида ёзма равишда аризачи хабардор қилинади.

22. Асословчи ҳужжатларда камчиликлар мавжуд бўлган ҳолларда,
шу ташкилотда инспекторлик текшируви бошланишидан олдин аризачи уларни бартараф этиши лозим.

23. Ариза ва асословчи ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг, “Ўзавиация” агентлиги асословчи ҳужжатларни експертизадан ўтказади.

4-§. Асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш

24. “Ўзавиация” агентлиги аризани қабул қилган кунидан бошлаб ўттиз календар куни давомида асословчи ҳужжатларни экспертизадан ўтказади.

25. Аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

а) аризачини инспекторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида. Бунда аризачи билан келишилган ҳолда инспекторлик текширувларини ўтказиш муддати аниқланади;

б) тақдим этилган ҳужжатларни меъёрига етказиш ва/ёки қўшимча аниқланган номувофиқликлар, зарур бўлса, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ва бартараф этиш муддатлари баён этилган хабарнома жўнатилади. Бу ҳолда ташкилотни сертификатлаш жараёнида аниқланган камчиликлар бартараф (қўшимча ҳужжатлар тақдим) этилгунигача ўрнатилган муддатга тўхтатиб турилади.

Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

26. Ушбу Низом 25-бандининг “б” кичик бандига мувофиқ аниқланган номувофиқликлар ўрнатилган муддатда бартараф қилинмаган ҳолларда, аризачига сертификатни беришда рад этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади ва хабар берилади.

27. Агар аризачига сертификатни беришда рад этилган бўлса, сертификатни бериш учун такроран тақдим этилган ариза қайта тақдим этилган деб ҳисобланади ва “Ўзавиация” агентлиги ушбу аризани умумий асосларда кўриб чиқади.

Сертификатини бериш рад этилгани, шунингдек, “Ўзавиация” агентлиги мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракацизлиги) юзасидан аризачи белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-§. Инспекторлик текширувини ўтказиш

28. Аризачи тақдим этган ҳужжатлар ижобий баҳоланган
ва инспекторлик текширувини ўтказиш тўғрисида хулоса қабул қилинган ҳолларда, “Ўзавиация” агентлиги директори томонидан инспекторлик текширувини ўтказиш бўйича комиссияни тузиш тўғрисида кўрсатма (буйруқ) чиқарилиб, унда комиссия таркиби ҳамда инспекторлик текширувларини ўтказиш дастури ва муддати белгиланади.

Комиссия таркибига бошқа идораларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда уларнинг мутахассислари (експертлари) киритилиши мумкин.

29. Инспекторлик текширувларининг дастури аниқ бир аризачининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда инспекторлик текширувларининг намунавий дастури асосида ишлаб чиқилади. Инспекторлик текширувларининг намунавий дастури "Ўзавиация" агентлиги томонидан белгиланади.

30. Инспекторлик текширувларининг бевосита ўтказилиши, комиссия аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ва текширув натижаларининг расмийлаштирилиши учун жавобгарлик комиссия раиси зиммасига юкланади.

31. “Ўзавиация” агентлигининг кўрсатмаси (буйруғи) ва инспекторлик текширувларининг дастури инспекторлик текширувлари бошланишидан беш кунидан ошмаган муддатда аризачига юборилади ва комиссия аъзоларининг эътиборига етказилади.

32. Инспекторлик текширувларининг мақсади - аризачи ўрнатилган талабларга мувофиқлигини ҳамда ташкилотнинг ҳақиқий ҳолати ва аризада кўрсатилган ишларнинг барча турлари бўйича аризачининг фаолияти тақдим этилган ҳужжатларда тўғри акс эттирилганлигини тасдиқлашдан иборат.

33. Ташкилотида инспекторлик текширувлари қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

а) ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва бошқарилиши;

б) ахборот билан таъминланиши;

в) ходимлар билан таъминланиши;

г) ишлаб чиқариш базаси;

д) техник хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этилиши;

е) техник хизмат кўрсатишнинг сифат тизими;

ж) техник хизмат кўрсатиш жараёнларининг моддий-техник таъминланиши;

з) техник хизмат кўрсатиш жараёнларининг молиявий таъминланиши.

### 6-§. Инспекторлик текширувларнинг натижаларини расмийлаштириш

34. Инспекторлик текширувларининг натижалари ҳар бир текширув йўналиши бўйича ҳисобот кўринишида расмийлаштирилади. Номувофиқликлар мавжуд бўлган тақдирда, ҳисобот аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши шарт. Ҳисобот шакли ва уни расмийлаштириш тартиби “Ўзавиация” агентлиги томонидан белгиланади.

35. Инспекторлик текширувлари жараёнида аниқланган номувофиқликлар 1 - тоифали ва 2 - тоифали номувофиқликларга бўлинади.

36. Инспекторлик текширувлари тугагач, барча аниқланган номувофиқликлар текширувларнинг натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳисоботга киритилади, ҳисоботларнинг нусхалари номувофиқликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш учун аризачига тақдим этилади.

### 7-§. Инспекторлик текширувларнинг натижалари бўйича қарор қабул қилиш

37. Инспекторлик текширувларининг натижалари бўйича якуний ҳужжат хулоса ҳисобланиб, унда текширувларнинг натижалари, “Ўзавиация” агентлиги комиссиянинг хулосалари, бажарилиши мажбурий бўлган тавсиялар ва номувофиқликларни бартараф этиш муддатлари акс эттирилади.

38. Аризачи хулосаларини ва тавсияларини инобатга олган ҳолда “Ўзавиация” агентлигига қуйидагиларни тақдим этиши керак:

а) 1 - тоифали номувофиқликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисида ҳисобот (зарурат бўлганда, “Ўзавиация” агентлигининг қарори бўйича, номувофиқликларнинг ҳақиқатан бартараф этилганлигини текшируви ўтказилади);

б) 2 - тоифали номувофиқликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси. Бу режада инспекторлик текширувларида аниқланган номувофиқликлар, уларнинг бартараф этилиши бўйича тадбирлар, бажарилиш муддати ва тадбирларнинг бажарилиши бўйича масъул шахслар кўрсатилади.

39. 2 - тоифали номувофиқликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси “Ўзавиация” агентлиги билан келишилган бўлиши керак. “Ўзавиация” агентлиги томонидан кўрсатилган камчиликлар ҳисобга олган ҳолда, аризачи томонидан чора-тадбирлар ва муддатлари тўғриланган бўлиши керак.

40. Агар ушбу Низомни 38-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ аниқланган номувофиқликлар “Ўзавиация” агентлигининг хулосасида белгиланган муддатда бартараф этилмаган бўлса, сабабларни кўрсатиб аризачига сертификатни беришда рад этилганлиги тўғрисида хабар жўнатилади.

Сертификатни бериш учун такроран тақдим этилган ариза аризачи томонидан умумий асосда топширилиши мумкин.

Ариза ахборот тизим орқали келган бўлса, “Ўзавиация” агентлиги сертификатни бериш ёхуд уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай уни ахборот тизимга жойлаштиради ва аризачини мазкур қарор жойлаштирилган пайтдан эътиборан бир иш соатидан ошмаган муддатда ахборот тизим воситасида электрон шаклда хабардор қилади.

Агар “Ўзавиация” агентлиги сертификатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида аризачига сертификатни бермаса ва уни беришни рад этмаса, ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган муддатлар ўтганидан кейин аризачи амалга оширилиши учун сертификат олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда “Ўзавиация” агентликни ахборот тизим орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади. Бундай ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги аризачига Сертификатни бериши лозим.

Бунда аризачи сертификатсиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда “Ўзавиация” агентлиги эҳтимол тутилган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

## 3-боб. Сертификат бериш

### 1-§. Умумий қоидалар

41. Ушбу Низомнинг 37-бандига мувофиқ маълумотларни ўз ичига олган хулосасида кўрсатилган, “Ўзавиация” агентлигининг қарори бўйича сертификат расмийлаштирилади.

42. Сертификат ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ қатъий ҳисобот бериладиган бланкаларда расмийлаштирилади ва “Ўзавиация” агентлигида рўйхатга олинади. Сертификат инглиз ва рус тилларига таржима қилинган матнларга эга бўлиши мумкин.

Сертификатнинг электрон нусхаси ахборот тизимга юкланади.

43. Сертификат уч йилгача бўлган муддатга берилади.

44. Ташкилотининг тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати ушбу Низомнинг 6-иловасига

мувофиқ, намунавий шаклда расмийлаштирилади.

45. Аризачига сертификатнинг асл нусхаси берилади, “Ўзавиация” агентлигида эса мазкур ҳужжатларнинг нусхалари сақланади.

46. Аризачи янги сертификат ёки тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини олганидан кейин, илгари берилган сертификат ёки тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати “Ўзавиация” агентлигига қайтарилиши керак.

2-§. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш

47. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун ушбу Низомнинг талабларига мувофиқ ариза бериш асосида расмийлаштирилади. Ариза сертификат муддати тугашига 60 календар кун қолганда берилади. Сертификатнинг амал қилиш муддатини кейинги муддатга узайтириш учун аризачи ушбу Низомнинг 2-бобига мувофиқ сертификациядан ўтказилади.

48. Агар “Ўзавиация” агентлигига сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ариза сертификатнинг амал қилиш муддати тугашига 60 календар кундан кам қолганда тақдим этилган бўлса, тақдим этилган материалларни кўриб чиқилиши ва инспекторлик текшируви тегишли муддатга кечиктирилиши мумкин.

49. Алоҳида ҳолларда, аризачининг асосли мурожаатига ва ушбу Низомнинг 2-бобида баён этилган тартибига риоя қилиниши шарти билан, “Ўзавиация” агентлиги аризачи сертификатининг амал қилиш муддатини
уч ойгача узайтириши мумкин, кейинги мажбурий тўлиқ ҳажмидаги сертификатлаштириш ишларини ўтказиш шарти билан. Бундай ҳолларда аризачига узайтирилган муддатгача янги сертификат берилади.

50. Агар асословчи ҳужжатларни экспертизаси, инспекторлик текшируви ижобий натижалар берган бўлса ва унинг натижалари асосида барча тегишли ҳужжатлари расмийлаштирилган тақдирда, аризачига 3-боб 1-§ мувофиқ сертификат берилади.

4-боб. Сертификатни қайта расмийлаштириш

1-§. Умумий қоидалар

51. Сертификатни қайта расмийлаштириш учун аризачи ушбу Низомнинг 2-бобига мувофиқ тартибда аризани тақдим этади.

52. Сертификатни қайта расмийлаштириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) давлат рўйхатидан ўтказилган санада сертификатга эга бўлган қайта ташкил этилган юридик шахс ташкилотнинг ўзгартирилиши, қўшиб юборилиши, ташкилот номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгариши;

б) ушбу бобнинг 2 ёки 3-параграфларига мувофиқ ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳасидаги ўзгаришлари.

Ушбу банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган ҳолларда, ушбу Низомга 4-иловасининг 15-параграфдаги талабларини истисно этмасдан, аризачи ёки унинг вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан сўнг беш иш куни ичида “Ўзавиация” агентлигига кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт.

Сертификатни қайта расмийлаштириш ҳамда бериш аризага тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда “Ўзавиация” агентлиги томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ушбу банднинг “б” кичик бандида назарда тутилган ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги ўзгаришларни киритиш юзасидан инспекторлик текширувларини ўтказиш заруриятини белгилайди. Инспекторлик текширувлари ушбу Низомни 2-бобининг 5, 6, 7-бандлари талабларига мувофиқ ўтказилади. Тақдим этилган ариза кўриб чиқилгандан кейин ва агар текширувлар ўтказилган бўлса, инспекторлик текширувларининг ижобий натижалари бўйича сертификат қайта расмийлаштирилади.

53. Сертификатни қайта расмийлаштирилгунча, сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани тақдим қилган аризачи ёки унинг вориси, ушбу Низомга 4-иловада баён этилган талабларига риоя қилиб фаолиятини амалга оширади.

2-§. Тасдиқланган фаолият соҳасини кенгайтириш

54. Ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳасини кенгайтириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) ташкилот томонидан янги турдаги ҳаво кемалар, компонентлар ва технологик жараёнларни ўзлаштириш;

б) линияли/ташқи линияли станцияни ташкил этиш.

55. Тасдиқланган фаолият соҳасини кенгайтириш учун аризачи фақат янги киритилаётган фаолият соҳаси ва/ёки фаолият соҳасининг кенгайиши туфайли ўзгартиришлар киритилган ҳужжатларни тақдим этади.

56. Фаолият соҳасини кенгайтириш янги тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини бериш орқали амалга оширилади.

57. Янги тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатининг амал қилиш муддати сертификатнинг амал қилиш муддати доирасида белгиланади.

3-§. Тасдиқланган фаолият соҳасини қисқартириш

58. Ташкилотининг тасдиқланган фаолият соҳасини қисқартириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) аризачининг фаолият соҳасини қисқартириш тўғрисидаги аризаси тақдим этилганда;

б) инспекторлик текширувлари жараёнида тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатидаги ишлар турини бажариш бўйича 1-тоифали номувофиқликлар аниқланганда.

59. Ушбу Низом 58-бандининг “б” кичик бандида кўрсатилган ҳолат юзага келиши билан фаолият соҳасини қисқартириш, маълум бир иш турини бажариш қисмида сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу Низомни 5-бобининг 64, 65-бандларига мувофиқ сертификатнинг амал қилишини тиклаш ёки ушбу Низом 58-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ аризачининг мурожаатига кўра сертификатни қайта расмийлаштириш мумкин.

4-§. Сертификатни янгилаш

60. Агар сертификат йўқолган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилган тақдирда ташкилот раҳбарининг мурожаатига кўра унга янги сертификат ўрнатилган тартибда ва олдин берилган

сертификатнинг муддатига берилади.

“Ўзавиация” агентлиги аризани олган санадан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда янги сертификатини бериши (юбориши) шарт.

5-боб. Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва сертификатни бекор қилиш

61. Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида амал қилувчи, шунингдек тасдиқланган ташкилоти томонидан белгиланган талабларни бузиш (уларга риоя қилмаслик) ҳоллари аниқланганда;

“Ўзавиация” агентлигининг парвоз хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки ташкилотининг умумий фаолиятига таъсир кўрсатувчи номувофиқликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалари бажарилмаганда.

Сертификатнинг амал қилишини ўн кун муддатгача тўхтатиб туриш (мазкур Низомнинг 59-бандидаги ҳоллар бундан мустасно) “Ўзавиация” агентлиги томонидан, ўн иш кунидан ортиқ, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга эса - суд томонидан амалга оширилади.

“Ўзавиация” агентлигининг сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори сертификат олган ташкилотга сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай, ахборот тизим воситасида электрон шаклда етказилади.

“Ўзавиация” агентлиги ёки суд сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар сертификатни олган ташкилот томонидан бартараф этилиши муддатини белгилаши шарт. Бунда кўрсатилган муддат ташкилот, сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам ва олти ойдан кўп бўлмаслиги керак.

Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар ташкилот томонидан бартараф этилган тақдирда, сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган “Ўзавиация” агентлиги ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида сертификатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Суднинг сертификатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисидаги қарори у қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичида “Ўзавиация” агентлигига қонунда белгиланган тартибда етказилади. Бунда “Ўзавиация” агентлиги эса сертификатнинг амал қилиши қайта тикланганлиги тўғрисидаги маълумотни ахборот тизимга бир иш кунидан ошмаган муддатда жойлаштиради.

Агар “Ўзавиация” агентлиги сертификатнинг амал қилишини қайта тиклаш ҳақида ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилмаса, ташкилот мазкур муддат ўтгандан сўнг “Ўзавиация” агентликни ахборот тизим воситасида хабардор қилган ҳолда ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.

“Ўзавиация” агентликнинг сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туришни суд томонидан асоссиз деб топган

тақдирда, “Ўзавиация” агентлиги ташкилоти олдида
у кўрган зарар миқдорида жавобгар бўлади, сертификатнинг амал қилиши эса, унинг тўхтатиб турилиши суд томонидан асоссиз деб топилган пайтдан эътиборан қайта тикланган ҳисобланади.

Ташкилот ўз фаолияти вақтинча тўхтатиб турилган тақдирда сертификатнинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш ҳақида “Ўзавиация” агентлигига ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Агар ташкилот сертификатнинг амал қилиши тўхтатиб турилганидан кейин олти
ой ичида сертификат амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида “Ўзавиация” агентлигига ариза билан мурожаат этмаган бўлса, сертификат амал қилиши тугатилади.

Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисидаги ахборот тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш куни ичида ахборот тизимга жойлаштирилиши керак.

62. Сертификатни бекор қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

аризачининг сертификат берилган фаолиятни тугатиш тўғрисидаги мурожаатига кўра;

ташкилот тугатилса – тугатилган (қайта ташкил этиш) вақтдан бошлаб ёки қайта ташкил этиш натижасида унинг фаолияти тўхтатилганда қайта ташкил этилган вақтдан бошлаб, янги юзага келган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган санада янги ташкил этилаётган юридик шахсларда айнан битта ҳаракат ва (ёки) фаолиятни амалга ошириш учун сертификат бўлганда, унинг қайта тузилиши, шунингдек, қўшилиши бундан мустасно;

сертификатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатлар аризачи томонидан “Ўзавиация” агентлиги ва суд белгиланган муддатда бартараф этилмаса;

“Ўзавиация” агентлигининг сертификатни бериш тўғрисидаги қарори ноқонунийлиги аниқланган бўлса;

ташкилот томонидан сертификат талаблари ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари
ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса. Сертификат бекор қилинишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликларнинг рўйхати мазкур низомнинг паспортида белгиланган;

сертификат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Ушбу банднинг иккинчи – тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолда “Ўзавиация” агентлиги томонидан, ушбу банднинг тўртинчи – олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда суд орқали сертификатнинг амал қилиши тугатилади.

“Ўзавиация” агентлиги сертификатни бекор қилиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ташкилотга ахборот тизим воситасида электрон шаклда, сертификатни бекор қилиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда етказади.

Сертификат ушбу банднинг олтинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра бекор қилинган тақдирда, сертификат берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Сертификатнинг бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори ташкилотга
ва “Ўзавиация” агентлигига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

“Ўзавиация” агентлиги сертификатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ташкилотга ахборот тизим воситасида электрон шаклда, сертификатни бекор қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда етказади.

“Ўзавиация” агентлиги бекор қилинган сертификат тўғрисидаги ахборотни бир иш куни ичида ахборот тизим воситасида тегишли рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига киритади.

Ташкилот сертификатнинг бекор қилиш тўғрисида хабарни қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида сертификатни “Ўзавиация” агентлигига белгиланган тартибда йўқ қилиш учун қайтариши шарт.

63. Сертификатнинг амал қилишини фаолиятнинг бутунлай ёки алоҳида турлари бўйича тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши мумкин.

64. Бир ойдан кўп, аммо олти ойдан ошмаган муддатга тўхтатиб турилган сертификат, ташкилот томонидан тегишли ариза
ва номувофиқликлар бартараф этилганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим этилгандан кейин сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби бўйича қайта тикланади.

65. Тўхтатиб қўйилган сертификат бу сертификатнинг амал қилинишини тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган номувофиқликлар бартараф этилганидан кейин сертификатнинг асл нусхаси қайтариш ёки ушбу Низом
58-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ аризачининг фаолият доирасини қисқартириш тўғрисидаги ариза бўйича қайта расмийлаштириш орқали тикланади.

66. Сертификатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

сертификация тартиби бекор қилинганда;

сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда;

бажарилиши учун сертификат берилган бир марталик ҳаракат бажарилганда;

ташкилот томонидан “Ўзавиация” агентлигига сертификатнинг амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан илгари мурожаат этилган бўлиб, мазкур муддат ичида сертификатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида “Ўзавиация” агентлигига ариза билан мурожаат қилинмаган тақдирда.

Сертификатнинг амал қилиши тугатилган ҳолларда “Ўзавиация” агентлиги томонидан сертификатнинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш талаб этилмайди.

67. Такроран сертификат олиш учун аризачи ушбу Низомнинг 2-бобига мувофиқ сертификациядан ўтказилади.

68. Аризачининг ёзма мурожаатига ва ўтказилган инспекторлик текширувларининг натижалари бўйича тузилган ҳисоботига кўра “Ўзавиация” агентлиги директори томонидан сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уни бекор қилиш қарор қабул қилинади. Қарор имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

69. Аризачи сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уни бекор қилиниши тўғрисида хабарномани олингандан кейин қуйидагиларни бажариш керак:

а) сертификатнинг тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатига киритилган, сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уни бекор қилинишига сабаб бўлган,

номувофиқликлар аниқланган ишларнинг бажарилишини зудлик билан тўхтатиш;

б) ўз буюртмачиларини сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уни бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш;

в) сертификатнинг асл нусхасини “Ўзавиация” агентлигига қайтариш.

70. Номувофиқликларнинг ҳақиқатан бартараф этилганлигини текшириш учун режадан ташқари инспекторлик текшируви ўтказилиши мумкин.

6-боб. Хорижий ташкилотларини сертификатлаш

71. Фақат ҳаво кемани эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисида гувоҳнома бериш ҳуқуқига эга бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кемаси эксплуатантларининг ҳаво кемаларига ва/ёки унинг компонентларига режалаштирилган техник хизмат кўрсатиш ишларини узоқ муддатли шартномалар асосида бажариш истаги бўлган хорижий ташкилотларини сертификатлаш амалга оширилади.

72. Хорижий ташкилотни сертификатлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ташкилотни сертификатлаш тартибидан фарқ қилмайди ва ушбу Низомда баён этилган сертификатлаш тизими хорижий ташкилотларига нисбатан ҳам қўлланилади.

73. Хорижий давлат ҳудудида аризачини сертификатлаш билан боғлиқ барча харажатлар бевосита аризачи томонидан тўланади.

74. Хорижий ташкилотларини сертификатлаш қуйидаги шартлар бажарилсагина амалга оширилади:

а) халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО)га аъзо бўлган, хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш амалга оширувчи ташкилотни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатига эга бўлиши;

б) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш амалга оширувчи ташкилотни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатни берган ваколатли органи томонидан ташкилотга қўйилган талаблари ИКАО томонидан белгиланган минимал стандартларга жавоб бериши ёки ундан юқори бўлиши керак.

75. Хорижий ташкилотини сертификатлаш фақат бутун ташкилотга, шу жумладан масъул раҳбарга (бош бошқарувчиси) нисбатан амалга оширилади. Ташкилотнинг масъул раҳбари сертификат берган ваколатли органи ва “Ўзавиация” агентлиги олдида сертификатнинг шартлари ва чекловларини таъминлаш учун тўла жавобгардир.

76. “Ўзавиация” агентлиги Ўзбекистон Республикаси ташкилотларини сертификатлашда инспекторлик текширувларини ўтказиш учун белгиланган тартибда хорижий ташкилотида инспекторлик текширувини ўтказади. Инспекторлик текширувини ўтказиш дастури “Ўзавиация” агентлиги томонидан хорижий ташкилоти фаолият соҳасига мувофиқ белгиланади.

77. “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган ташкилотлар билан шартнома асосида иш бажарадиган бошқа ташкилотларига сертификатни бериш талаб қилинмайди, агар “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасида тегишли тартиблар мавжуд бўлса. Ташкилотларнинг фаолияти бўйича қўлланмасига киритилган тартиблар қуйидаги талабларга асосланган бўлиши шарт:

а) ташкилот шартнома бўйича топширилаётган, бажариладиган ишларига нисбатан

сертификатга эга бўлиши керак;

б) ташкилот субпудратчининг ишларни бажаришга мувофиқлилигини баҳолашни (аудитини) ўтказиши керак;

в) ташкилоти шартнома бўйича топширилган ишлар тугатилгандан кейин сифат назорати ва эксплуатация қилишга рухсат бериш, шу жумладан ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини тегишли даражада ушлаб туришга бўлган талабларга тегишлича риоя қилиниши бўйича жавобгарликни ўзида сақлаб қолиши лозим;

г) ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасида шартнома бўйича топширилган фаолият турларини бошқариш ва назорат қилиш зарур бўлган тартибларнинг тавсифи, шунингдек, ушбу фаолият турларини бошқариш топширилган ходимлар учун кўрсатмалар бўлиши керак.

## 7-боб. Ташкилотининг фаолиятини назорат қилиш

### 1-§. Умумий қоидалар

78. Ташкилотининг фаолиятини назорат қилиш “Ўзавиация” агентлиги томонидан инспекторлик текширувлари орқали қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

а) ташкилотининг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини баҳолаш;

б) ташкилотининг фаолият жараёнида юзага келадиган, ташкилотнинг амалдаги ҳужжатларига киритилишини талаб қилувчи ўзгаришларни аниқлаш, бу ўзгаришларнинг ташкилот фаолиятига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш;

в) тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатига кирадиган аниқ ишларнинг бажарилишини назорат қилиш.

79. Текширувлар қуйидаги турларга бўлинади:

а) режали текширувлар;

б) режадан ташқари текширувлар.

80. Режали текширувлар фуқаро авиацияси корхоналарининг фаолиятини назорат қилиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади, лекин ўн икки ойда камида бир маротаба ўтказилади.

81. Режадан ташқари текширувлар ушбу бобнинг 2-параграфида баён этилган ҳолларда, ташкилотнинг ушбу Низом 4-иловасининг талабларига мувофиқлигини ва сертификат беришда белгиланган шартлар ва чекловларга риоя қилинишини баҳолаш учун амалга оширилади.

82. Инспекторлик текширувларини ўтказиш тартиби ушбу Низомнинг талабларига жавоб бериши керак. Текширувларнинг материаллари асословчи ҳужжатлар билан бирга сақланади.

83. Ташкилот “Ўзавиация” агентлигининг комиссияси учун барча иш шароитларини яратиб бериши шарт.

84. Комиссиянинг иш тартиби “Ўзавиация” агентлиги томонидан белгиланади.

85. Инспекторлик текширувлари натижалари бўйича ҳисобот расмийлаштирилади. Ҳисоботда текшириш жараёнида аниқланган номувофиқликлар, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар
ва текширилаётган ташкилотининг фаолиятнинг текширилган йўналишлари бўйича белгиланган талабларга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Аниқланган номувофиқликлар рўйхати текширилаётган ташкилотнинг вакили томонидан имзоланиши шарт.

86. Сертификат эгаси аниқланган номувофиқликлар тўғрисида ҳисоботни олгач, номувофиқликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва келишилган муддатда номувофиқликларнинг муваффақиятли даражада бартараф этилганлиги тўғрисида “Ўзавиация” агентлигига ҳисоботни тақдим этиши лозим.

2-§. Режадан ташқари инспекторлик текширувлари

87. Ташкилотда режадан ташқари инспекторлик текширувларини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

а) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш сифатининг даражаси пасайганлиги ва ҳаво кемаларнинг парвоз хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи жиддий бузилишлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) ташкилотнинг фаолияти давомида вужудга келган, ўрнатилган талабларга номувофиқлиги.

88. Режадан ташқари инспекторлик текширувлари “Ўзавиация” агентлигининг топшириғи асосида ўтказилади. Топшириқ шакли ва уни бериш тартиби “Ўзавиация” агентлиги томонидан белгиланади.

Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш
ташкилотига сертификатни бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига**

**сертификатни бериш**

**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Аризачи | 1. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификатини олиш учун, ушбу Низомда назарда тутилган талабларига мувофиқ зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди.<br>2. Ариза ва асословчи ҳужжатлар электрон шаклида ахборот тизим орқали ёки бевосита “Ўзавиация” агентлигига тақдим этади. | Ўз хоҳишига кўра. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | 1. Сертификатни олиш учун ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилади, унинг битта нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига тақдим этади (юборади) ёки ахборот тизим орқали тақдим этилаган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик равишда аизачига юборилади.<br><br>2. Аризани дастлабки баҳолашни амалга оширади.<br><br>3. Асословчи ҳужжатларни экспертизадан ўтказади. | 1. Ҳужжатларни қабул қилинган кунидан бошлаб.<br><br>2. Ариза қабул қилинган кунидан 10 календар кун ичида.<br><br>3. Ариза қабул қилинган кунидан 30 календар кун ичида. |
| 3-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | Тақдим этган ариза ва ҳужжатлар ижобий баҳоланган ва инспекторлик текширувини ўтказиш тўғрисида хулоса қабул қилинган ҳолларда, “Ўзавиация” агентлиги директори томонидан инспекторлик текширувини ўтказиш бўйича комиссияни тузиш тўғрисида кўрсатма (буйруқ) чиқарилиб, унда комиссия таркиби ҳамда инспекторлик текширувларини ўтказиш дастури ва муддати белгиланади. | Кўрсатма (буйруқ)да кўрсатилган муддат ичида. |
| 4-босқич | “Ўзавиация” агентлиги | “Ўзавиация” агентлигининг ваколатли шахс аризани ва ҳужжатларни кўриб чиқиши ҳамда текшируви натижалари бўйича, аризачига сертификатни беради (юборади) ёки сертификатни беришини рад этиш тўғрисида аризачини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади. | 1. Аризани қабул қилинган санадан бошлаб икки ой ичида.<br>2. Рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда. |

Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига сертификатни бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификати**

**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:** | Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти сертификати |

| | | |
|---|---|---|
| 2. | **Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):** | Тасдиқланиши лозим:<br>а) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш дастурига (регламентига) мувофиқ ҳаво кемаларига, авиадвигателларга ва уларнинг компонентларига техник хизмат кўрсатиш ишларининг барча турлари (шакллари);<br>б) махсус ишлар (путур етказмасдан назорат қилиш, ҳаво кемасини модификация қилиш, ҳаво кемасининг оғирлигини ва оғирлик марказини аниқлаш, двигателларнинг диагностика қилиш ва бошқалар). |
| 3. | **Ариза берувчилар тоифаси:** | Юридик шахс (ташкилот) қуйидагича фаолият юритиши мумкин:<br>а) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури бўлган мустақил корхона сифатида;<br>б) ҳаво кемаси эксплуатанти, авиакомпания, аэропорт, авиатаъмирлаш ёки авиасозлик заводининг ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга асосий фаолият турига кирмайдиган, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича махсуслаштирилган бўлинмаси сифатида. |
| 4. | **Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:** | “Ўзавиация” агентлиги |
| 5. | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:** | а) Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича ташкилот Сертификатини олиш учун Ариза<br>Аризада юридик шахснинг номи, СТИР, почта манзили, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса), хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва ҳисобварағи, телефон рақами ҳамда фаолиятни амалга ошириш манзили кўрсатилади.<br>б) Ташкилот фаолияти бўйича қўлланма;<br>в) Ташкилот сифати бўйича қўлланма. |
| 6. | **Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Йиғим ундирилмайди |
| 7. | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:** | Йиғим ундирилмайди |
| 8. | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | Икки ой<br>Бунда:<br>ҳужжатларни экспертиза қилиш;<br>сертификация текширувини ўтказиш;<br>сертификат бериш еки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>сертификатни расмийлаштириш. |

| | | |
|---|---|---|
| **9.** | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | Талаблар Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига сертификатни бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-иловасида келтирилган.<br>Булардан умумийлари:<br>ишлаб чиқариш масалаларининг самарали ҳал қилинишини таъминловчи ташкилий тузилмасига ва ўзининг фаолиятини бошқариш тизимига эга бўлиши;<br>қайд қилинган фаолият соҳаларига мувофиқ ташкилотга ва ишларнинг бажарилишига қўйиладиган талабларни аниқлайдиган, амалдаги ва белгиланган тартибда ҳисобга олинган эксплуатация қилиш ҳужжатларига эга бўлиши;<br>ҳаво кемасининг дастури (регламенти), учишга яроқлилик бўйича директивалар, “Ўзавиация” агентлигининг буйруқ ва кўрсатмалари, ҳаво кемасини ишлаб чиқувчи (тайёрловчи)нинг бюллетенлари бўйича ҳаво кемасига ва унинг компонентларига техник хизмат кўрсатиш ишларининг бажарилишини таъминлаш;<br>Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиация фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва уларнинг талабларини ҳамда ташкилотнинг ички ҳужжатларини (шу жумладан, киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни) ўз вақтида ўрганиш ва бажариш мақсадида ходимлар диққатига етказиш тартибига эга бўлиш;<br>ишларни бажариш ва ходимлар учун талаб қилинадиган шароитларни яратиш учун тасарруфида биноларга, қурилмаларга, энергиянинг зарур турларига, ишлаб чиқариш, омборхоналар, маиший хоналарга эга бўлиш;<br>зарур бўлган жиҳозларга ва асбобларга, шунингдек уларни яроқли ҳолда тутиш тизимига эга бўлиш;<br>ишларни бажариш учун зарур бўлган компонентлар, эҳтиёт қисмлар ва харажат материалларига эга бўлиш;<br>ташкилот штатида режалаштирилган ишларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган малакадаги ва тегишли миқдордаги ходимларга эга бўлиш;<br>ходимларнинг малакасини қўллаш (ошириш), тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимига эга бўлиш;<br>авиация техникасида техник хизмат кўрсатиш, модификация қилиш, таъмирлаш ва бошқа ишларнинг тўла ҳажмда ва техник хизмат кўрсатиш (таъмирлаш, модификация қилиш) дастурига мувофиқ бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг рўйхатга олиниши<br>ва сақланишини таъминлаш;<br>техник хизмат кўрсатиш бўйича барча ишларнинг тегишлича бажарилишини кафолатлайдиган сифатни таъминлаш тизимига эга бўлиш;<br>ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмага ва сифати бўйича қўлланмага эга бўлиш;<br>парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимига эга бўлиш. |
| **10.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас |
| **11.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | 3 йил (рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришга йўл қўйилади) |

| | | |
|---|---|---|
| **12.** | **Изоҳ:** | 1944 йилдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенциянинг стандарт ва тавсияларига мувофиқ сертификат асл нусхаси берилади. |

Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига сертификатни бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси**

**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги**

**Фуқаро авиацияси агентлиги**

**Директорига**

**Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш**

**ташкилотига сертификат олиш учун**

**АРИЗА**

**I. Аризачи тўғрисида маълумот:**

1. Ташкилотнинг рўйхатга олинган номи ______________________________

2. Ташкилотнинг рўйхатга олинган жойи, рўйхат рақами ______________________

3. Ташкилотнинг жойлашган жойи, адреси, солиқ тўловчининг индетификация рақами (СТИР) ______________________

4. Телефон ______________ Факс ______________ E-mail ______________

**II. Аризани бериш сабаби:**

1. Дастлабки аризани олиш

2. Фаолият соҳасини кенгайтириш

3. Фаолият соҳасини қисқартириш

4. Сертификатни амал қилиш муддатини узайтириш

5. Бошқа сабаблари (кўрсатилсин) ____________________

**III. Фаолият соҳаси:** ____________________

*(ташкилотларининг фаолият турлари бўйича классилари ва ишларни бажаришга бериладиган рухсатлар тизими иловага мувофиқ расмийлаштирилган ариза қилинаётган фаолият соҳаси кўрсатилади)*

**IV. Ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳаси бўйича ишларни бажариш манзили**

____________________

*(давлат, шахар, аэропорт номи ва ҳоказо)*

**V. Ташкилотнинг маъсул раҳбари (аризачи)**

____________________

*(лавозими, фамилия/исми/шарифи)*

**Юқоридаги малумотлар тўғри эканлигини тасдиқлайман.**

**VI. Ташкилот маъсул раҳбарининг имзоси** ____________________

**VII. Ариза имзоланган сана** ____________________

**VIII. Иловалар:** М.Ў.

____________________

Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига сертификатни бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

## Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига

## қўйиладиган талаблар

## § 1. Умумий қоидалар

1. Ташкилот қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

а) ишлаб чиқариш масалаларининг самарали ҳал қилинишини таъминловчи ташкилий тузилмасига ва ўзининг фаолиятини бошқариш тизимига эга бўлиши;

б) қайд қилинган фаолият соҳаларига мувофиқ ташкилотга
ва ишларнинг бажарилишига қўйиладиган талабларни аниқлайдиган, амалдаги ва белгиланган тартибда ҳисобга олинган эксплуатация қилиш ҳужжатларига эга бўлиши;

в) ҳаво кемасининг дастури (регламенти), учишга яроқлилик бўйича директивалар, “Ўзавиация” агентлигининг буйруқ ва кўрсатмалари, ҳаво кемасини ишлаб чиқувчи (тайёрловчи)нинг бюллетенлари бўйича ҳаво кемасига ва унинг компонентларига техник хизмат кўрсатиш ишларининг бажарилишини таъминлаш;

г) Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиация фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва уларнинг талабларини ҳамда ташкилотнинг ички ҳужжатларини (шу жумладан, киритиладиган ўзгартириш
ва қўшимчаларни) ўз вақтида ўрганиш ва бажариш мақсадида ходимлар диққатига етказиш тартибига эга бўлиш;

д) ишларни бажариш ва ходимлар учун талаб қилинадиган шароитларни яратиш учун тасарруфида биноларга, қурилмаларга, энергиянинг зарур турларига, ишлаб чиқариш, омборхоналар, маиший хоналарга эга бўлиш;

е) зарур бўлган жиҳозларга ва асбобларга, шунингдек уларни яроқли ҳолда тутиш тизимига эга бўлиш;

ж) ишларни бажариш учун зарур бўлган компонентлар, эҳтиёт қисмлар
ва харажат материалларига эга бўлиш;

з) ташкилот штатида режалаштирилган ишларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган малакадаги ва тегишли миқдордаги ходимларга
эга бўлиш;

и) ходимларнинг малакасини қўллаш (ошириш), тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимига эга бўлиш;

к) авиация техникасида техник хизмат кўрсатиш, модификация қилиш, таъмирлаш ва бошқа ишларнинг тўла ҳажмда ва техник хизмат кўрсатиш (таъмирлаш, модификация қилиш) дастурига мувофиқ бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг рўйхатга олиниши ва сақланишини таъминлаш;

л) техник хизмат кўрсатиш бўйича барча ишларнинг тегишлича бажарилишини кафолатлайдиган сифатни таъминлаш тизимига эга бўлиш;

м) ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмага ва сифати бўйича қўлланмага эга бўлиш;

н) парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимига эга бўлиш.

## §2. Ишлаб чиқариш қуввати

2. Ташкилот қуйидаги шартларга риоя қилинишини таъминлаши зарур:

а) хусусан, об-ҳавонинг ноқулай шароитларидан ҳимоялашни таъминловчи барча режалаштириладиган ишларни бажариш учун ишлаб чиқариш қувватининг мавжудлиги. Бир-биридан ажратилган, атроф-муҳитнинг ифлосланишидан ва таъсиридан ҳимоялашни таъминлайдиган цех ва ангарларнинг мавжудлиги. Бу цех ва ангарлар қуйидагиларни бажаришда керак:

ҳаво кемасига даврий техник хизмат кўрсатиш ишларида – агар бошқа шароитлар “Ўзавиация” агентлиги томонидан рухсат этилмаган бўлса, даврий техник хизмат кўрсатиш ишларининг ҳажмига биноан, ҳаво кемаларнинг сони ва ўлчами бўйича етарли бўлган ангарлар;

компонентларга техник хизмат кўрсатиш ишларида –режалаштирилаётган компонентларга техник хизмат кўрсатиш ишлари ҳажмининг бажарилишини таъминлаш учун етарлича кенгликдаги
цех (тажрибахона, участка)лар;

б) юқоридаги “а” кичик бандида кўрсатилган барча режалаштирилган ишларнинг бошқарилишини таъминлаш, шунингдек техник хизмат кўрсатиш стандартларида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришга шароит яратиш мақсадида фойдаланишга рухсат берувчи ходимларни жойлаштириш учун иш (идора) биноларининг мавжудлиги;

в) иш шароитларининг, шу жумладан ҳаво кемаси ангарлари, ишлаш учун жиҳозланган цех (тажрибахона, участка)лар ва идора хоналари
шу жойларда бажариладиган ишларга, шу жумладан бўлиши мумкин бўлган махсус талаблар ҳисобга олинган ҳолда мос бўлиши. Махсус ишларни алоҳида шароитларда бажариш ҳолатлари истисно бўлиб, шароитлар ходимларнинг самарали ишлашига салбий таъсир кўрсатмаслиги зарур, бунда:

ҳарорат режими ходимларнинг берилган топшириқларни бажаришларида уларга ортиқча ноқулайликлар етказилмайдиган даражада тутилиши керак;

чанг ва ҳавонинг бошқа ифлосланишлари бўлмаслиги зарур, иш ҳудудида ҳаво кемаси ва/ёки компонент юзасида кўринарли чанг қоплами пайдо бўлишидек ифлосланишга йўл қўйилмайди. Юзаларда чанг ёки чанг кўринишидаги бошқа ифлосланишлар пайдо бўлган ҳолларда қулай иш шароитлари тиклангунига қадар тизимнинг барча ифлосланишга сезгир жойлари герметик ҳолатда беркитилади;

ёруғлик барча текширишлар, кўриб чиқиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича бошқа ишларнинг самарали ўтказилишини таъминлаши зарур;

шовқин ходимларга ишларни бажаришларида халақит бермаслиги керак. Шовқин манбасини ростлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда кўрсатилган ходимлар ишларни бажаришда ортиқча шовқиннинг салбий таъсирини истисно қилувчи шовқиндан шахсий ҳимояланиш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт;

техник хизмат кўрсатиш бўйича аниқ ишлар юқорида кўрсатиб ўтилган шароитлардан фарқли ўлароқ, алоҳида ишлаб чиқариш муҳитининг яратилишини талаб қилган ҳолларда, бундай шароитлар албатта яратилиши зарур. Бундай шароитлар техник хизмат кўрсатиш ишларининг ҳужжатларида кўрсатилади;

тезкор техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш шароитлари ишларни ортиқча

зўриқиш ва чарчаш ҳолатларисиз бажарилишини таъминлаши лозим. Шу сабабли иш шароитларининг ҳарорат, намлик, туман, муз, қор, шамол, ёруғлик, чанг ёки ҳавонинг бошқа ифлосланиш жиҳатидан тўғри келмайдиган даражагача ёмонлашган ҳолларда, аниқ иш ёки техник хизмат кўрсатиш тури қулай иш шароитлари тиклангунига қадар тўхтатиб турилади;

г) компонентлар, жиҳозлар, асбоблар ва материалларни сақлаш учун хавфсизлик воситалари билан жиҳозланган омборхоналарнинг мавжудлиги. Сақлаш шароитлари яроқли ҳамда яроқсиз компонентлар ва материалларни ҳамда барча компонентлар, материаллар, жиҳозлар ва асбобларни алоҳида сақлаш имкониятини таъминлаши зарур. Сақлаш шароитлари авиация техникасини ишлаб чиқарувчиларнинг кўрсатмаларига жавоб бериши,
бу хоналарга кириш эса чегараланган ҳамда фақат жавобгар ходимларгагина рухсат берилган бўлиши зарур.

## § 3. Ходимлар

3. Ташкилотида буюртмачи ишларининг талабларига мувофиқ барча техник хизмат кўрсатиш ишларининг ўз вақтида бажарилиши ва маблағ ажратилиши бўйича жавобгарлик юкланган масъул раҳбар бўлиши зарур.

Масъул раҳбарнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а) мазкур Талабларнинг 55-бандига мувофиқ, техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун барча зарур бўлган захираларнинг мавжудлигини таъминлаш. Бу ташкилотни тасдиқлашнинг ҳақиқийлигини сақлаб қолиш учун зарур бўлган омилдир;

б) мазкур Талабларнинг 54-бандига мувофиқ парвоз хавфсизлиги
ва авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш сифати соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

4. Ташкилотида ташкилотнинг ушбу талабларга доимо мувофиқ бўлиши бўйича жавобгарлик юкланган раҳбар ходимлар тайинланган бўлиши зарур. Раҳбар ходимлар бевосита ташкилотнинг масъул раҳбарига бўйсунади,
шу билан бирга:

а) бир ёки ваколатли шахслар гуруҳи (раҳбар ходимлар) ўзида ушбу ташкилотдаги техник хизмат кўрсатишни бошқариш тузилмасини намоён қилади ва ушбу талабларда назарда тутилган барча вазифаларнинг бажарилиши юзасидан жавобгар бўлади;

б) кўрсатилган масъул ходимлар вакилларининг шахсий маълумотлари, шунингдек қайси таълим муассасасини тугатганлиги ҳамда иш стажи тўғрисидаги маълумотлари белгиланган шаклда ва тартибда “Ўзавиация” агентлигига юборилади;

в) раҳбар ходимлар ҳаво кемаларга ёки компонентларга техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган тегишли маълумотларга, иш стажи
ва кўникмаларига эга бўлиши шарт;

г) кўрсатилган масъул раҳбарларнинг ҳар бирини узоқ вақт давомида ишда бўлмаган даврда алмаштириш бўйича аниқ тартиблар мавжуд бўлиши керак.

5. Масъул раҳбар мазкур Талабларнинг 3-бандига кўра сифат тизимига, жумладан мазкур Талабларнинг 62-бандига асосан қайтадиган алоқа тизимига жавобгар шахсни тайинлаши зарур.

Ушбу тайинлаган шахс ташкилотнинг масъул раҳбарига сифат ва талабларга мувофиқлик масалалари тўғрисида ахборот берилишини таъминлаш мақсадида масъул раҳбари олдига тўғридан-тўғри кириш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

6. Ташкилотда тасдиқланиш соҳасига мувофиқ ишлаб чиқаришни режалаштириш, ишларни бажариш ва бошқариш ҳамда ташкилотда ишларни бажариш сифатини назорат қилиш учун етарли ўз ходимларига эгалигини тасдиқловчи иш билан таъминланганлик режаси бўлиши зарур. Бундан ташқари, ташкилот ўз штатидаги ҳақиқий ходимларнинг сони аниқ иш сменасига ёки иш даврига режалаштирилган ишларни бажариш учун етарли бўлмаган ҳолларда, бажаришга қабул қилинган ишларни тезкорлик билан қайта режалаштириш тартибига эга бўлиши шарт.

7. Ташкилот "Ўзавиация" агентлиги билан келишилган тартибларга мувофиқ, техник хизмат кўрсатишни бажаришда, бошқаришда ёки сифатни назорат қилишда иштирок этувчи ходимнинг ваколатлилик даражасини белгилаши ва назорат қилиши керак. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи барча ходимларнинг ўзига юкланган вазифалар ва масъулиятларга мувофиқ дастлабки ва кейинги таълим олишини таъминлайди. Ташкилот томонидан ташкил этилган ўқув дастурида инсон имкониятлари, шу жумладан, ҳаво кемасини эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланадиган бошқа ходимлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича билим ва кўникмаларни олиш мақсадида машғулотларни ўз ичига олиши керак.

8. Ташкилот учишга яроқлиликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган ҳаво кемаларини ва/ёки компонентларини путур етказмасдан назорат қилиш каби махсус ишлар турини бажарувчи ёки назорат қилувчи ходимлар ҳаво кемаларини ва/ёки компонентларини ишлаб чиқарувчиларнинг меъёрий талабларига мувофиқ бўлган тегишли малакага эга бўлишини таъминлаши зарур.

9. Сифат тизими бўйича жавобгар шахс, шунингдек ишларни бажариш учун рухсатномалар берувчи ходимларга ташкилот номидан рухсатномаларнинг берилиши учун ҳам жавобгар бўлиши зарур. Бундай шахс бошқа шахсга сифати бўйича қўлланмада кўрсатилган тартибга мувофиқ юқорида кўрсатилган рухсатномаларни бериш ёки қайтариб олишни амалий расмийлаштириш бўйича ваколатларни беришга ҳақли.

10. Ташкилот барча муҳандис-техник ходимларнинг рўйхатини юритиши лозим. Ходимлар рўйхатида қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

а) "Ўзавиация" агентлиги ва ташкилот томонидан хизмат кўрсатувчи мутахассисларга берилган гувоҳномалари тўғрисидаги маълумотлар;

б) ходимларнинг барча ўтган тайёргарликлари тўғрисидаги маълумотлар;

в) берилган рухсатномаларнинг соҳалари;

г) чегараланган ёки бир марталик рухсатномаларга эга бўлган ходимлар бўйича маълумотлар.

11. Ташкилот рўйхатидаги маълумотларни бу ташкилотнинг ходимлари муҳандис-техник ходимлар таркибидан ишдан бўшаган ёки рухсатноманинг бекор қилинган кундан бошлаб камида икки йил давомида сақлаши шарт. Бундан ташқари, муҳандис-техник ходимлар таркибидан ишдан бўшаётган ходимнинг мурожаати бўйича ташкилоти унга юқорида кўрсатилган рўйхатдан кўчирма бериши зарур.

12. Муҳандис-техник ходимлар таркибидаги шахснинг сўровига кўра унга юқорида

кўрсатилган рўйхатнинг шахсий маълумотларини олишга рухсат берилиши зарур.

13. Рухсат берувчи ходимларга авиация техникасини парвозга қўйиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома техник хизмат кўрсатишдан кейин ташкилоти томонидан қоғозда ёки электрон кўринишида берилади.

14. Рухсат берувчи ходим ваколатли шахсга ушбу параграфнинг
13-бандига мувофиқ берилган рухсатнома мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни 24 соат ичида тақдим этиши зарур.

## § 4. Жиҳозлар, асбоблар ва материаллар

15. Ташкилот фаолиятнинг тасдиқланган соҳасига биноан авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариши учун зарур бўлган жиҳозлар, асбоблар ва материалларга эга бўлиши лозим.

Агар авиация техникасини ишлаб чиқарувчи кўрсатмаси бўйича аниқ белгилаган жиҳозлар ёки асбоблардан фойдаланиш белгиланган бўлса, ташкилот айнан шу жиҳозлар ёки асбоблардан фойдаланиши лозим. Ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмада жиҳозлар ёки асбобларнинг ўхшаш турларидан фойдаланиш бўйича тартиб баён этилган ҳоллар бундан мустасно.

Жиҳозлар ва асбоблар ташкилотининг доимий тасарруфида бўлиши лозим. Жиҳозлар ва асбоблар жуда кам вақтларда керак бўлиб, улар доимий тасарруфда мавжуд бўлиши зарур бўлмаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолатлар ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмада батафсил баён этилган бўлиши зарур.

Даврий техник хизмат кўрсатишни бажариш учун тасдиқланган ташкилот ҳаво кемасини текшириш ва кўриб чиқиш ишларининг пухта равишда бажарилиши учун зарур бўлган барча платформалар (ёки бунга эквивалент бўлган жиҳозлар) ва бошқа воситалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

16. Ташкилоти барча барча жиҳозлар ва асбобларнинг, айниқса назорат қилиш воситаларининг ҳисобга олинишини ҳамда ишлаш лаёқатини ва аниқликни таъминлаш даврийлигида метрологик назоратдан ўтказилишини таъминлаши зарур. Ташкилот бундай метрологик назоратни ва бу ҳолларда фойдаланиладиган стандартларни ҳисобга олиш ҳужжатларининг юритилишини таъминлаши лозим.

## § 5. Компонентлар

17. Барча компонентлар қуйидагича тоифаланган ва турларга ажратилган бўлиши зарур:

а) қониқарли ҳолатда бўлган, фойдаланиш учун тасдиқланган (масалан, FAA 8130-3 ёки EASA Form 1 ёки эквивалент ҳужжат) ва ушбу параграфнинг 18-бандига мувофиқ белги қўйилган компонентлар;

б) ишга яроқсиз, мазкур параграфнинг талабларига мувофиқ техник хизмат кўрсатиш ишлари бажарилиши зарур бўлган компонентлар;

в) ушбу Талабларнинг 25-бандига мувофиқ тоифаланадиган, тиклаб бўлмайдиган компонентлар;

г) ишлаб чиқарувчи томонидан асосий қисмларнинг рангли каталогида ва/ёки техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳужжатларда кўрсатилган, ҳаво кемасида, двигателда, ҳаво винтида ёки ҳаво кемасининг бошқа компонентида фойдаланиладиган стандартли маҳсулотлар;

д) техник хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган харажат материаллари ва хом ашёлар. Барча материалларнинг аниқ маркаси учун расмийлаштирилган, талабларга (спецификацияларга) мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотларга, шунингдек ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи кўрсатилган келиб чиқиш манбаига эга бўлган кузатиш ҳужжатлари мавжуд бўлиши лозим.

18. Техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш қўлланмада алмаштирилиши мумкин бўлган компонентлар маҳсулот коди, чизма ва завод рақами билан маркировкасига эга бўлиши керак.

Агар компонентнинг ўлчами кичик бўлса ва маркировкани тўлиқ ҳажмида бажариш мумкин бўлмаса, зарур маълумотлар илова ҳужжатларга киритилиши керак.

19. Эксплуатацион ҳужжатларда назарда тутилган, ташкилот компонентнинг паспортни (ёрлиқни) расмийлаштириш ва юритиш тартибларига эга бўлиши керак.

20. Компонентни ҳаво кемасига ўрнатишдан олдин ташкилот турли модификация ва/ёки учишга яроқлилик бўйича кўрсатмаларнинг қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда аниқ компонент ўрнатилишининг ҳаққонийлигини, илова ҳужжатларнинг мавжудлиги ва унинг ташкилотда белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириши зарур.

21. Ҳаво кемасига фақат кондицион (тасдиқланган) расмийлаштирилган илова ҳужжатлари (масалан, EASA Form 1, формуляри, паспорти, ёрлиғи, талони, биркаси)га эга, аниқ турдаги ҳаво кемасининг тасдиқланган конструкторлик-технологик ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган, зарур бўлган регламент ишлари қилинган (кириш назоратидан ўтказилган, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари қилинган) компонентларни ўрнатиш мумкин.

22. Ҳаво кемасидан ечилган компонентлар учун илова ҳужжатлари расмийлаштирилиши, улаш тешиклар ва улагичлар бегона объектлардан
ва ифлосланишдан ҳимояланган бўлиши керак.

23. Ташкилот ҳаво кемаси ва/ёки компонент турига берилган сертификат эгаларига, “Ўзавиация” агентлигига техник хизмат кўрсатиш жараёнида аниқланган, кондицияланмаган (тасдиқланмаган) бутловчи қисмлар, стандартли маҳсулотлар ёки компонентлар ва уларнинг илова ҳужжатлари тўғрисида ҳаққоний ва тўла маълумот бериши зарур.

Агар компонентларнинг ва илова ҳужжатларининг юқорида айтиб ўтилган талабларига номувофиқлиги ўрнатилган ёки номувофиқлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлса, уларни ҳаво кемасига ўрнатишга
йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда, компонентларни кондицияланмаган (тасдиқланмаган) ва ҳаво кемасида фойдаланиш учун яроқсиз
деб таснифланиши керак. Бундай маҳсулотлар аниқланган номувофиқликнинг аниқ хусусият тавсифи билан зудлик билан изоляция қилиниши лозим.

24. Агар тегишли тартиблар ва технологиялар ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасида кўрсатилган бўлса, ташкилот техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришда ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун таркибий қисмлар регламентининг чегараланган

номенклатурасини ишлаб чиқаришга ҳақли. Стандарт маҳсулотлар ва компонентлар (маҳкамлаш элементлари
ва бошқалар) фақат қабул қилинган миллий ёки тармоқ стандартларига
ва конструкторлик-технологик ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқарилган тақдирда маълум бир турдаги ҳаво кемасида техник хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланишга рухсат этилади. Айниқса, масъулиятли қисмлар тоифасига кирадиган компонентлар, ҳаво кемасининг ишлаб чиқарувчиси томонидан уларни ишлаб чиқариш учун тасдиқланган ҳолда, ҳаво кемасида фойдаланишга рухсат этилади.

25. Белгиланган ресурсларни ёки хизмат муддатини ишлаб бўлган ёки тузатиб бўлмайдиган бузилишлар (шикастлар)ига эга бўлган компонентлар қайта тикланмайдиган деб таснифланади ва фойдаланишга, шу жумладан компонентларнинг айланиш тизимига қайтарилишига йўл қўйилмайди, компонентнинг ресурси (хизмат муддати) узайтирилган ёки уни таъмирлаш учун ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳоллар бундан мустасно.

Қуйидаги компонентлар одатда қайта тиклаб бўлмайдиган
деб таснифланади:

1) таъмирлай бўлмайдиган нуқсонли компонентлар;

2) ишлаб чиқариш ҳужжатларига номувофиқ ва бундай ҳужжатларга мувофиққа келтира бўлмайдиган компонентлар;

3) қайтарилмас бўлган, номувофиқ модификациялар
ёки ўзгартиришлари қилинган компонентлар;

4) чекланган яроқлилик муддатига етиб келган ёки ошиб кетган,
ёки илова ҳужжатларда тўлиқ бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ёзувларига
эга бўлган маҳсулотлар;

5) экстремал шароитларда, қизиб кетиш ёки зарарли шароитларда бўлганлиги туфайли учишга яроқлилигини қайтара бўлмайдиган компонентлар;

6) амалдаги учишга яроқлилик директиваларига риоя қилмайдиган компонентлар;

7) техник хизмат кўрсатиш ва/ёки ишлаб чиқаришни кузатиш
ва эксплуатация қилиш ишлари бўйича ёзувларни тиклаб бўлмайдиган компонентлар.

26. Ташкило яроқсиз компонентларни шундай шароитда жойлаштирилиши керакки, улар мўлжалланган хизматга қайтишни ва улардан фойдаланишга
йўл қўймасликни таъминлаш чораларини кўриши лозим.

## § 6. Техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳужжатлар

27. Ташкилот ўз тасарруфида техник хизмат кўрсатиш, шу жумладан модификациялаш ва таъмирлаш ишларини бажаришда қўлланиладиган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларига эга бўлиши ва улардан фойдаланиши зарур.

28. Мазкур Талабларнинг мақсадлари учун қўлланиладиган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатлари қуйидагиларни билдиради:

а) ҳаво кемаси ёки компонент бўйича назоратни амалга оширувчи “Ўзавиация” агентлиги

томонидан чиқарилган ва қўлланиладиган ҳар қандай талаблар, технологиялар ва эксплуатация бўйича кўрсатмалар ёки бошқа маълумотлар;

б) ҳаво кемаси ёки компонент бўйича назоратни амалга оширувчи “Ўзавиация” агентлиги томонидан чиқарилган ва қўлланиладиган ҳар қандай учиш яроқлилиги бўйича директивалар;

в) авиация техникасини сертификатлаш бўйича талабларига мувофиқ, ҳаво кемаси турига берилган сертификат эгалари томонидан чиқарилган учишга яроқлиликни талаб қилинган даражада ушлаб туриш бўйича қўлланиладиган кўрсатмалар ва уларнинг қўшимчалари, шунингдек бундай кўрсатмаларни чиқарувчи бошқа ташкилотларнинг кўрсатмалари, хорижий ҳаво кемаси ёки компонентлар учун эса – ҳаво кемасиларни ёки компонентларни назорат қилувчи хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан ишлаб чиқилган мажбурий маълумотлар;

г) мазкур Талабларнинг 30-бандига мувофиқ чиқарилган ҳар қандай қўлланиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар.

29. Ишлаб чиқариш ходимлари томонидан фойдаланиладиган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларида тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри тартиблар
ёки технологиялар, маълумотлар ёки кўрсатмалар аниқланган тақдирда, ташкилот техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларидаги бундай маълумотларнинг ва муаллиф хабарномасининг рўйхатга олинишини таъминловчи тартибларни ўрнатиши шарт.

30. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатмаларга фақат ташкилотининг сифат бўйича қўлланмасида белгиланган тартибдагина ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Бу ўзгартиришларга нисбатан ташкилот техник хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатмаларга тенг ёки янада юқорироқ стандартларнинг таъминланишини намоён қилиши ҳамда ҳаво кемаси турига берилган сертификат эгасини бундай ўзгартиришлар тўғрисида хабардор қилиши зарур.

31. Ташкилот ўз фаолиятида қўллаш учун ишчи технологик карталарини ишлаб чиқиш бўйича умумий тизимни яратиши шарт. Бундан ташқари, ташкилот мазкур Қоидаларнинг 27 ва 28-бандлари билан назарда тутилган техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳужжатлардан бу ишчи технологик карталарга тўла ва аниқ маълумотларни киритиши лозим ёки ишчи технологик карталардаги техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳужжатларда кўрсатилган техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш бўйича аниқ кўрсатмаларга аниқ ҳаволалар берилиши зарур. Ишчи технологик карталарни компьютердан фойдаланган ҳолда шакллантиришга ва маълумотлар базасини рухсатсиз ўзгартиришлардан тўғри ҳимоялаш шароитларини яратиш шарти билан электрон базасида сақлашга йўл қўйилади. Бунда асосий маълумотлар базасига ҳар қандай ўзгартириш киритилган вақтдан бошлаб 24 соатдан кўп бўлмаган муддатда янгиланиши лозим. Техник хизмат кўрсатиш бўйича мураккаб ишларнинг бажарилишини ҳисобга олиш учун уларнинг технологиялари ишларнинг аниқ ва тушунарли босқичларига тақсимланган ҳолда ишчи технологик карталарга киритилиши керак.

Агар ташкилот ўзининг ишчи технологик карталаридаги шахсий тизимларидан фойдаланишни талаб қилган ҳаво кемасининг эксплуатантига техник хизмат кўрсатиш хизматларини тақдим этса, унда эксплуатантнинг бундай карталар тизимидан фойдаланишга йўл қўйилади. Бу ҳолда ташкилот ҳаво кемаси эксплуатантининг ишчи технологик карталари тўғри бажарилишини таъминлайдиган тартибларни қабул қилиши шарт.

32. Ташкилот ўз ходимларининг техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳужжатлардан тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини таъминлаши зарур.

33. Ташкилот ўз вақтида янгиланишини таъминлайдиган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларининг ҳолатини назорат қилиш тартибларини ўрнатиши зарур. Агар ҳужжатлар

ҳолатининг назоратини эксплуатант ва/ёки буюртмачининг ўзи амалга ошириб, ўзи техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларини тақдим этса, ташкилот эксплуатант ва/ёки буюртмачининг хатини тақдим этиш йўли билан тасдиқлаши лозим. Бунда, ҳаво кемасининг эксплуатанти ва/ёки буюртмачи техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларига барча зарур ўзгартиришлар киритилганлигини тасдиқлаши керак ёки ташкилот ҳаво кемасининг эксплуатанти ва/ёки буюртмачи тақдим этган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларидан фойдаланиши лозим бўлган мавқени аниқлайдиган шартномани ёхуд техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларининг ўзгартириш киритилган варағини тақдим этиши зарур.

## § 7. Ишлаб чиқаришни режалаштириш

34. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш ишларини хавфсиз бажариш учун зарур бўлган, бажариладиган ишларнинг ҳажми ва мураккаблигига жавоб берадиган ишлаб чиқаришни ҳамда режалаштиришда фойдаланиладиган ходимлар, жиҳозлар, асбоблар, материаллар, техник хизмат кўрсатиш ҳужжатлари ва ишлаб чиқариш хоналаридан иборат бўлган барча захираларни режалаштириш тизимига эга бўлиши шарт.

35. Техник хизмат кўрсатиш ишларини режалаштириш ва сменали ишларни ташкил этиш инсоннинг руҳий-жисмоний чекловларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши зарур.

36. Смена алмашиш ёки бажарувчилар таркибининг ўзгариши сабабли техник хизмат кўрсатиш ишларини давом эттириш ёки тугатиш бошқа шахсларга топширилиш зарурати туғилганда, тегишли маълумотлар ишни топширувчидан янги келаётган ходимларга тегишлича топширилиши лозим.

## § 8. Техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома

37. Техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома мазкур Талабларнинг 6-параграфида кўрсатилган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланишни ҳисобга олган шартномага мувофиқ, ташкилотининг техник хизмат кўрсатиш бўйича барча ишларини тўла ва сифатли бажариши текширилгач, шунингдек парвозларнинг хавфсизлигига катта таъсир кўрсатувчи номувофиқликларнинг йўқлиги тасдиқлангач, ташкилоти номидан ишларни бажаришга тегишлича рухсатномага эга бўлган рухсат берувчи ходимлар ва муҳандис-техник ходимлар томонидан техник хизмат кўрсатиш тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилади.

38. Ҳар қандай техник хизмат кўрсатиш ишлари тугатилганидан кейин парвозлар тиклангунига қадар техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилиши зарур.

39. Бажарилган техник хизмат кўрсатиш жараёнида аниқланган янги номувофиқликлар - тўхтаб қолишлар ва шикастланишлар ёки тугатилмаган ишларни шартнома асосида бартараф этишга розилик олиш учун бу тўхтаб қолишлар ва шикастланишлар ёки тугатилмаган ишлар тўғрисида эксплуатантга хабар берилиши зарур. Ҳаво кемасининг эксплуатанти мазкур бандда кўрсатилган ишларнинг бажарилишига розилик бермаган ҳолларда, мазкур талабларнинг 41-банди бўйича ҳаракат қилинади.

40. Ҳаво кемаси бортидан демонтаж қилинган ҳар қандай компонентда техник хизмат

кўрсатиш ишлари тугатилганидан кейин техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилиши зарур. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ишлаб чиқарилган компонентнинг формуляри (паспорти, ёрлиғи)да ёки хорижий компонентлар учун ёрлиқда (EASA Form 1 ёки унинг эквиваленти) қўйилган белги компонентда техник хизмат кўрсатиш бажарилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳисобланади.

41. Мазкур Талабларнинг 39-бандини истисно қилган ҳолда, ташкилот томонидан шартномада назарда тутилган барча техник хизмат кўрсатиш ишлари тўла-тўкис тугатилишининг имкони бўлмаган ҳолларда, ташкилот берилган ҳаво кемаси учун тасдиқланган чекловлар доирасида техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномани беришга ҳақли. Ташкилот бундай гувоҳномани имзолашдан олдин ушбу ҳолат ҳақида ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномада умумий равишда акс эттириши лозим.

42. Мазкур Талабларнинг 5-параграфи ва 38-бандини истисно қилган ҳолда, тегишлича расмийлаштирилган техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳноманинг йўқлиги туфайли, ҳаво кемаси асосий базаси бўлмаган ёки авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш линияли/ташқи линияли станцияси бўлмаган жойда мажбуран туриб қолганда, техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома тегишлича расмийлаштирилмаган компонентларни вақтинча, қайси муддатнинг олдин келишидан қатъи назар: кўпи билан 30 соат учиш вақтига тенг бўлган муддатга ёхуд асосий базаси ёки авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш линияли/ташқи линияли станциясига дастлабки қайтишгача бўлган вақтга ўрнатишга рухсат берилади. Бундай шарт ҳаво кемаси эксплуатантининг кўрсатилган компонент қўйилишига розилиги ҳамда ушбу компонент эксплуатацияга қўйилиши тўғрисида қўлланиладиган ҳужжат мавжуд бўлган ҳолда қўлланилиши мумкин. Ушбу шартларга риоя қилинмаган ҳолларда, техник хизмат кўрсатишга қўлланилувчи барча талабларга ва эксплуатация қоидаларига риоя қилиниши лозим бўлади. Бундай компонентлар юқорида кўрсатиб ўтилган вақт чекловлари бўйича муддатлар тугаганидан кейин ҳаво кемаси бортидан демонтаж қилиниши лозим, мазкур Талабларнинг 38-банди ва 5-параграфига мувофиқ техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилган ҳоллар бундан мустасно.

## § 9. Техник хизмат кўрсатиш ишлари тўғрисида ҳисобга олиш маълумотлари

43. Ташкилот бажарилган ишлар бўйича барча маълумотларни ҳисобга олиши зарур.

44. Ташкилоти техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномага нисбатан барча талабларга риоя қилинганлигини тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳисобга олиш маълумотларини, шу жумладан субпудратчи (бошқа ташкилот)лар томонидан расмийлаштириладиган авиация техникасини эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисидаги ҳужжатларни сақлашга мажбур.

45. Ташкилот 47-бандда кўрсатилган муддатларда қуйидаги қайд этилган маълумотлар сақланишини таъминлаши шарт:

1) ҳаво кемасининг ва хизмат муддати чекланган барча компонентларнинг умумий иш вақти (соат, календар вақти ва цикллари);

2) учишга яроқлилигини сақлаш ҳақида барча мажбурий маълумотларга риоя қилиш тўғрисидаги жорий маълумот;

3) модификациялар ва таъмирлашлар бўйича тегишли батафсил маълумотлар;

4) таъмирлаш ўртасидаги мажбурий хизмат муддатига мувофиқ; ҳаво кемасининг ёки унинг компонентларнинг охирги таъмирлашдан кейинги иш вақти (соат, календар вақти ва цикллари);

5) ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастурга риоя қилиш ҳақида жорий маълумот;

6) техник хизмат кўрсатиш гувоҳномасини имзолашда барча талаблар бажарилганлигини кўрсатадиган, техник хизмат кўрсатиш бўйича батафсил маълумотлар.

46. Ташкилот ҳаво кемасининг эксплуатантига ташкилот расмийлаштирган техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек таъмирлаш ёки модификация ишларини бажаришда фойдаланилган ҳар қандай таъмирлашга ёки модификацияга доир ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этиши зарур.

47. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш ишлари тўғрисидаги ҳисобга олиш маълумотларини ва техник хизмат кўрсатиш ишлари билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни бу ишлар бажарилган аниқ ҳаво кемасининг ёки компонентнинг ташкилотдан чиқарилган санадан бошлаб икки йил давомида қуйидагича сақлаши лозим:

а) мазкур бандда назарда тутилган маълумотларни бузилишдан ва йўқ қилинишидан ҳимоялашни таъминлаш;

б) маълумотларни архивлаштириш ва захира сифатида сақлаш учун фойдаланиладиган барча компьютер жиҳозлари маълумотларнинг ишчи нусхалари киритилган жиҳозлардан алоҳида ҳамда бу жиҳозлар ва архив маълумотларини яхши ҳолатда сақлашни таъминловчи шароитларда жойлаштирилиши зарур;

в) ташкилот ўз фаолиятини тугатган тақдирда, охирги икки йил давомида бажарилган техник хизмат кўрсатиш ишлари тўғрисидаги барча сақланган ҳисобга олиш маълумотлари охирги буюртмачига ёки тегишли ҳаво кемасининг ёки компонентнинг эгасига топширилиши ёки “Ўзавиация” агентлигининг кўрсатмаларига биноан уларнинг сақланиши таъминланиши зарур.

## § 10. Учишга яроқлиликдаги бузилишлар бўйича ҳисобот юритиш

40. Ташкилот “Ўзавиация” агентлигига, ҳаво кемасини рўйхатдан ўтказиш давлати ва ҳаво кемасининг намунавий конструкцияси ёки намунавий конструкциясини модификация қилиниши учун жавобгар бўлган ташкилотга, зарурат туғилганида, эксплуатант давлатига мазкур ташкилот томонидан аниқланган ҳавў кемасининг ёки компонентнинг парвоз хавфсизлигига катта таъсир кўрсатувчи ёки бундай таъсир кўрсатилишига олиб келиши мумкин бўлган учишга яроқлилик меъёрларининг ҳар қандай бузилиш ҳоллари тўғрисида ҳисобот юбориши шарт.

49. Ташкилот ҳеч бўлмаганда қуйидаги сабаблар ва ҳолатлар билан боғлиқ бўлган ёки аниқланган ҳар қандай камчилик, носозлик ёки нуқсон ҳақида хабар бериши керак:

а) тегишли ёнғин сигнал тизими тўғри ишлаётганлигини кўрсатиб, парвоз пайтидаги ёнғинлар тўғрисида;

б) тегишли ёнғин сигнал тизими билан жиҳозланмаган ҳаво кемасининг парвоз пайтидаги ёнғинлар тўғрисида;

в) парвоз пайтидаги ёнғинлар ҳақида ёлғон сигнализацияси тўғрисида;

г) парвоз пайтида двигателнинг чиқувчи газ туфайли двигателнинг ўзи, унга тақалувчи конструкциясининг, жиҳозлар ёки компонентларнинг шикастланишлари тўғрисида;

д) парвоз пайтида ҳаво кемасининг компонентларидан бири оқибатида тутун, буғлар, заҳарли ёки заҳарли бўлмаган тутунлар церкуляцияси ёки тўпланиши экипаж кабинаси ёки йўловчи кабинасида пайдо бўлиши тўғрисида;

е) парвоз пайтида двигател ўз-ўзидан учирилиши тўғрисида;

ж) ҳаво кемасининг конструкциясида ёки двигателда ташқи шикастланишлари мавжуд бўлса, парвоз пайтида двигателнинг учирилиши тўғрисида;

з) бегона объектлар тушиши ёки муз қопланиши туфайли, парвоз пайтида двигателнинг учирилиши тўғрисида;

и) парвоз пайтида биттадан ортиқ двигателнинг учирилиши тўғрисида;

к) флюгер тизими орқали шамолнинг йўналишига бўйлаб ҳаво винтни ўрнатиш ёки ушбу тизимнинг парвоз пайтида айланиш сонининг ошиб кетишини назорат қила олмаслиги тўғрисида;

л) парвоз пайтида ёқилғи тизимида ёки ёқилғи дренаж тизимида ёқилғи таъминоти камчиликлари ёки ёқилғининг хавфли оқиб чиқиши тўғрисида;

м) парвоз пайтида шассини чиқарилиши ёки қайта йиғиштирилиши, шассининг тавақасини очилиши ёки ёпилиши тўғрисида;

н) тормоз тизимининг компонентларидан келиб чиққан ерда ҳаво кемаси ҳаракати вақтида тормоз юритмасининг кучи йўқолиши тўғрисида;

о) ҳаво кемаси планерда йирик таъмирлашни ўтказиш зарурияти тўғрисида;

п) ишлаб чиқувчи/тайёрловчи томонидан рухсат этилган максимал даражадан ошадиган ёриқлар, доимий деформация ёки ҳаво кемасининг планер конструкциясидаги коррозияси тўғрисида;

р) ҳаво кемасининг тизимлари ёки компонентларидан келиб чиққан парвоз пайтидаги авария ҳаракатлари тўғрисида (двигателнинг учирилишидан ташқари);

с) маълум ёки шубҳа пайдо бўлган механик шикастланишлар ёки бузилишлар оқибатида ҳар қандай парвозни тўхтаб қўйиш, режадан ташқари йўналиши бўйича ҳаво кемасини алмаштириш, ёки парвоз режасини ўзгартириш тўғрисида;

т) носозлик, бузилишлар ёки нуқсон туфайли муддатидан олдин олиб ташланган двигателлар сони тўғрисида, уларнинг сериясини, моделини
ва улар ўрнатилган ҳаво кема турини кўрсатиб;

у) парвоз пайтида шамолнинг йўналишига бўйлаб ҳаво винтни ўрнатиш тўғрисида, у ўрнатилган ҳаво винт турини, двигателни ва ҳаво кемасини кўрсатиб;

Юқорида кўрсатилгандан ташқари, ташкилотнинг фикрига кўра бундай ишдан чиқиш, бузилиш ёки нуқсон ҳаво кемасининг хавфсиз ишлашига таҳдид қилса ёки таҳдид солиши мумкин бўлса, ҳар қандай вақтда содир бўладиган ёки аниқланадиган ҳаво кемасининг ишдан чиқиш, бузилиш ёки нуқсон ҳақида ҳар бир ташкилот хабар бериши керак.

50. Ташкилот учишга яроқлилик меъёрларининг ҳар қандай бузилиш ҳоллари бўйича ички

ҳисобот тизимини яратиши ва ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасида баён этиши зарур. Бу тизим ҳисобот маълумотларини, шу жумладан мазкур Талабларнинг 49-бандига биноан ҳисобот юритилиши лозим бўлган ҳолатларни баҳолаш натижаларини йиғиш ва баҳолашни таъминлайди. Кўрсатилган тартиблар камчиликларни бартараф этиш учун тузатиш ишларини ташкил этиш бўйича бажарилган салбий ҳаракатларни, шунингдек текширилаётган ҳодисалар бўйича барча мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш тартиби ҳамда зарурат бўлганда, бу маълумотларни тарқатиш услубларини аниқлаши керак.

51. Ташкилот “Ўзавиация” агентлиги томонидан белгиланган ҳолларда ва шаклларда “Ўзавиация” агентлигига ҳисобот юбориши керак, бу ҳисоботлар ташкилот томонидан аниқланган барча бузилишлар, уларни аниқлаш шароитлари ва таҳлил қилиш натижалари тўғрисида барча маълумотларни ўз ичига олиши зарур.

52. Агар ташкилот ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини талаб қилинган даражада тутишни унинг тижорат эксплуатанти билан тузилган шартнома асосида амалга ошираётган бўлса, у ҳолда бу ташкилот, шунингдек ҳаво кемасининг эксплуатантига ҳам ушбу эксплуатантга қарашли ҳаво кемасининг ёки компонентнинг учишга яроқлилик меъёрларига таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳодиса тўғрисида ҳисобот юбориши зарур.

53. Ташкилот ҳисобот қилиниши мажбурий бўлган ҳодисалар аниқланган вақтдан бошлаб имкони борича қисқа муддатда, аммо 72 соатдан кечиктирмасдан ҳисобот тайёрлаши ва жўнатиши шарт.

## § 11. Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш хавфсизлиги ва сифати соҳасидаги сиёсат, сифат тизими ва қўлланиладиган техник хизмат кўрсатиш технологиялари

54. Ташкилот авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш хавфсизлиги ва сифати соҳасида ўзининг сиёсатини ўрнатиши лозим ҳамда мазкур Талабларнинг 12-параграфига мувофиқ ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасига тегишли қоидалар киритиши зарур.

55. Ташкилот техник хизматдан ўтган ҳаво кемалар ва компонентлар белгиланган талабларга жавоб беришини таъминлаш воситаси сифатида ҳужжатлаштирилган сифат тизимини ишлаб чиқиши ва сақлаб туриши лозим. Сифат тизими ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган ва тизимнинг асосий ҳужжати бўлган сифат бўйича қўлланмаси, шунингдек стандартлар, кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солиниши керак:

ташкилотнинг сифат соҳасидаги сиёсати;

ташкилотнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш тузилмаси;

сифат тизимини бошқаришни ташкил этиш ва унинг тузилиши;

сифат тизими элементларига (вазифаларига) қўйиладиган талаблар ва таркиби, шу жумладан уларни амалга ошириш тартиблари;

ташкилот мансабдор шахсларининг сифат тизимидаги вазифалари ва масъулияти;

таркибий бўлинмалар ўртасида функцияларнинг тақсимланиши;

турли турдаги ҳаво кемаларига ва маҳсулотларига техник хизмат кўрсатиш хусусиятлари.

56. Сифат тизими талаблари тушунарли шаклда баён этилиши ва бажарувчиларга етказилиши лозим.

57. Сифат тизими ҳужжатлари самарали қўлланилиши ва уларда белгиланган тартиб ва талаблар амалга оширилиши лозим.

58. Ташкилотнинг сифат тизими сифат стандартлари талабларига ва ушбу талабларга жавоб бериши керак.

59. Ҳаво кемасининг хусусиятлари ва эксплуатацион ҳужжатлар талабларидан технологик жараёнлари четга чиқишларни (номувофиқликларни) кўриб чиқиш тартиблари бўлиши керак. Ҳаво кемасининг хусусиятлар ва параметрлари, шу жумладан намунавий конструкциясидан маҳсулотлари четга чиқиши тўғрисидаги қарорлар уларнинг ишлаб чиқувчиси (тайёрловчиси) билан келишилган бўлиши керак. Маҳсулот хусусиятларининг четга чиқишларини кўриб чиқиш материаллар (техник ечимлар варақалари, рухсат карталар ва бошқалар) ҳаво кемасига (компонентга) техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳужжатлар билан бирга сақланиши лозим.

60. Ишларнинг метрологик таъминоти ўлчашларнинг бир хиллигини таъминлаш тизими стандартларига мувофиқ амалга оширилиши ва ўз ичига куйдагиларни олиши керак:

метрология лабораторияларида мутахассисларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш;

ўлчаш воситаларини текшириш;

ўлчаш воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш ва паспортлаштириш;

ўлчов асбобларининг реестрини юритиш;

ташкилот томонидан ишлаб чиқилган технологик ва конструкторлик ҳужжатларининг метрологик экспертизасини ўтказиш.

61. Ташкилотнинг сифат бўйича қўлланмасида ушбу талабларга мувофиқ техник хизмат кўрсатиш ишларининг тўғри бажарилишини таъминловчи тартиблар ва технологиялар бўлиши керак. Бу тартиблар инсон омилининг аспектлари ва инсоннинг руҳий-жисмоний хусусиятларини ҳисобга олиши ҳамда мазкур Талабларнинг 8-параграфига мувофиқ, ҳаво кемасини ёки компонентларни эксплуатацияга қўйилишини таъминлаш билан ишларни бажариш учун аниқ буюртма ёки шартнома мавжуд бўлишини назарда тутиши керак.

Мазкур параграфнинг талабларига мувофиқ ташкилот томонидан ўрнатилган ёки ўрнатилиши лозим бўлган тартиблар ва технологиялар техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришнинг барча аспектларини, шу жумладан махсус хизматларнинг жалб қилиниши ва бажарилишини назорат қилишни ўз ичига олиши лозим, шунингдек ташкилот ўзи қайси тартибга мувофиқ ишлашни хоҳласа, шундай тартибларни ўрнатиши лозим.

Ташкилот ҳаво кемасини тезкор ва даврий техник хизмат кўрсатиш ишларига нисбатан кўп сонли хатоликларни камайтирувчи ўта масъулиятли функционал тизимлардаги ишларда хато ҳаракатларнинг олдини олувчи тартиб ўрнатиши зарур. Ўрнатилган тартиблар аниқ тур (ҳажм)даги техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришда бир турдаги ҳаво кемасининг биттадан кўп функционал тизимида ўрнатилган бир неча бир турли компонентларни қисмларга ажратиш ва йиғишни талаб қиладиган ишларни ва текширишларни бажариш битта одамга рухсат берилмаслигини кафолатлаши лозим. Аммо ташкилотда кўрсатилган ишларни бажарадиган шахс

битта бўлса, унда ташкилотнинг ишчи технологик карталарига барча бир турли ишлар тугатилгандан кейин бу шахс томонидан ишларнинг бажарилиши бўйича қўшимча назорат қилиш операцияси киритилиши шарт.

“Ўзавиация” агентлиги ёки ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда шикастланишларни баҳолаш ҳамда шаклни ўзгартириш ва таъмирлаш ишларининг бажарилишини таъминловчи техник хизмат кўрсатиш тартиблари ва технологиялари ўрнатилган бўлиши шарт.

62. Ташкилот қуйидаги элементларни ўз ичига олган сифат тизимини яратиши лозим:

а) ҳаво кемасига ва/ёки компонентларга нисбатан ўрнатилган талабларнинг мувофиқлигини ва учишга яроқлилик ҳолатида бўлган ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ишларининг тўғри бажарилишини таъминлаш учун тартиблар ва технологияларнинг тўғрилигини назорат қилиш учун мустақил аудиторлик текширувлари. Энг кичик ташкилотларда сифат тизимининг аудиторлик текширувларини ўтказиш бўлими ушбу Низомга мувофиқ берилган сертификатга эга бўлган бошқа ташкилот билан ёки ҳужжат билан тасдиқланувчи аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича тегишли билимларга ва қониқарли тажрибага эга бўлган бошқа жисмоний шахс билан тузилган шартнома асосида тузилиши мумкин;

б) мазкур Талабларнинг 4-бандига биноан тайинланган шахсга
ёки шахслар гуруҳига, шунингдек мазкур банднинг “а” кичик бандига мувофиқ ўтказилган мустақил аудиторлик текширувларининг натижалари бўйича тузилган ҳисоботлар асосида тузатиш чораларининг ўз вақтида кўрилишини таъминловчи масъул раҳбарга тақдим этиладиган сифат соҳасидаги ҳисобот маълумотлари бўйича қайтадиган алоқа тизими.

63. Ташкилотнинг бугунги ҳолатини акс эттириш учун сифат бўйича қўлланмаси ўз вақтида янгиланиши керак. Сифат бўйича қўлланмаси ва унинг ўзгартишлари “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланиши шарт.

64. Ташкилотнинг ҳажми, фаолият доираси, бажарилган ишлар ҳажми
ва турига қараб, ташкилотнинг хоҳишига кўра, сифат бўйича қўлланмаси ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасининг ажралмас қисми бўлиши мумкин.

## § 12. Ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланма

65. Ташкилот “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги маълумотлардан иборат бўлган ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасини (бундан кейинги ўринларда фаолият бўйича қўлланма деб юритилади) тақдим этиши зарур:

а) ташкилот раҳбари имзолаган, ташкилотнинг фаолияти ушбу Низомга мувофиқ берилган сертификат шартларига мувофиқ тўғрисидаги декларацияси, шунингдек бу мувофиқликни талаб қилинган даражада мунтазам равишда ушлаб туриш мажбурияти;

б) ушбу талабларнинг 11-бандига мувофиқ ташкилотда ўрнатилган ташкилотнинг парвоз хавфсизлиги ва сифат соҳасидаги сиёсати, сифат тизими
ва қўлланиладиган техник хизмат кўрсатиш технологиялари;

в) ушбу Талабларнинг 4-бандига биноан тайинланган шахсларнинг исм-шарифлари ва лавозимларининг рўйхати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг бўйсуниши кўрсатилган ҳолда

ташкилотни бошқариш тузилмаси,
шу жумладан ташкилоти номидан тўғридан-тўғри “Ўзавиация” агентлигига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган масалалар;

г) сўралаётган тасдиқлаш соҳасига мувофиқ ташкилотдаги фаолият соҳасининг тавсифи;

д) ташкилотнинг аризасида кўрсатилган ҳар бир манзилда жойлашган ишлаб чиқариш қувватларининг умумий тавсифи;

е) техник хизмат кўрсатиш бўйича ходимларнинг малака даражасини аниқлаш учун ишлатиладиган тартибларнинг тавсифи;

ж) техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномаларни имзолаш ваколатига эга бўлган ходимлар тўғрисида, ва унинг ваколатлари соҳасидаги маълумотлар;

з) техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш
ва рўйхатдан ўтказиш усулларининг тавсифи. Ҳисобга олиш маълумотлари, техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномасига нисбатан барча талаблар бажарилганлигини далолат бериши керак;

и) техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномасини тартибнинг, бундай гувоҳномаси имзоланиши керак бўлган шартлар ва вазиятнинг тавсифи;

к) ташкилот техник хизмат кўрсатиш хизматларини тақдим этадиган ҳаво кемасининг эксплуатантлари ва/ёки ташкилотлари билан ўзаро алоқа тартиби (агар шундайлар мавжуд бўлса);

л) ҳаво кемасининг яроқлилигини сақлашига салбий таъсир кўрсатган
ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бузилишлар, шикастланишлар, дефектлар ва бошқа юз берган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчисига ва “Ўзавиация” агентлигига тақдим этиш тартибларнинг тавсифи;

м) ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчисининг учишга яроқлилиги билан боғлиқ маълумотларни олиш, ўзининг ҳужжатларига ўзгартиришларни киритиш ва тарқатиш тартиб-тамоилларининг тавсифи;

н) линияли/ ташқи линияли станциялар билан ўзаро ҳамкорлтк қилиш тартиби (агар шундайлар мавжуд бўлса);

о) агар керак бўлса, эксплуатантнинг техник хизмат кўрсатиш талаблари
ва тартибларига мувофиқлигини таъминлаш учун ишлатиладиган қўшимча тартибларнинг тавсифи.

66. Фаолият бўйича қўлланма тасдиқланиши лозим бўлган фаолият соҳасини белгилаши керак (мазкур Талабларнинг иловасида фаолият турлари бўйича класслар ва ишларни бажаришга бериладиган рухсатлар тизимининг жадвали келтирилган).

67. Ташкилотининг жорий ҳолатини акс эттирувчи ўзгартиришлар
ўз вақтида фаолият бўйича қўлланмага киритилиши керак. Фаолият бўйича қўлланма ва унга киритиладиган барча ўзгартиришлар “Ўзавиация” агентлиги билан келишилиши зарур.

Фаолият бўйича қўлланмасига киритилган барча ўзгартириш
ва қўшимчалар нусхалари дарҳол қўлланмаси тақдим этиладиган барча ташкилотларга ёки шахсларга юборилади.

68. Мазкур Талабларнинг 67-бандига риоя қилишни истисно қилмаган ҳолда, фаолият бўйича қўлланмага киритилган иккиламчи ўзгартиришларнинг тасдиқланиши қўлланманинг

ташкилот томонидан ўрнатилган тартибларни бажариш жараёнида амалга оширилиши мумкин.

69. Юқоридаги талаблардан ташқари қўшимча равишда, ташкилотнинг фаолият бўйича қўлланмага қуйидаги қоидаларни киритиш масаласини кўриб чиқиши керак:

а) ташкил этиш ва бошқариш:

раҳбар томонидан имзоланган ва фаолият кўрсатувчиси ушбу ташкилотнинг тартиб-қоидаларини ва улар билан боғлиқ ходимларнинг ваколатларини, шунингдек, улар доимий равишда кузатиб борилишини тасдиқлайдиган баёнот;

65-банднинг “б” кичик бандига мувофиқ тайинланган шахсларнинг ваколатларини тақсимлаш ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатадиган ташкилот схемаси;

тасдиқланган фаолият турлари, рухсат берувчи ходимлари, ташкилотнинг жойлашув жойи ва ходимларига ходимларига нисбатан киритилаётган ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиш тартиб-таомиллари;

тасдиқланган фаолият турлари билан боғлиқ хизматларни тақдим этувчи бошқа ташкилотлар билан муносабатлар ёки шартномалар тўғрисидаги маълумотлар;

фаолият бўйича қўлланмасига ўзгартириш киритиш тартиби;

б) техник хизмат кўрсатиш тартиблари:

етказиб берувчиларни баҳолаш;

ташқи етказиб берувчилардан келган ҳаво кемалар компонентларнинг ва материалларнинг кириш назорати;

сақлаш, маркировкалаш, ҳужжатлаштириш, шу жумладан ҳаво кемаларга техник хизмат кўрсатишда ишлатиш учун омбордан ҳаво кемаларнинг компонентларни ва материалларни бериш;

асбоб ва ускуналарни қабул қилиш;

асбоб ва ускуналарни калибрлаш;

ходимлар томонидан асбоб ва ускуналардан фойдаланиш (шу жумладан, алмашинув асбоб);

техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун ишлаб чиқариш базасининг тозалик стандартлари;

техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш бўйича кўрсатмалар ва етказиб берувчиларнинг ва компонентларнинг эксплуатацияга тегишли маълумотлар билан ўзаро алоқаси, шу жумладан ходимлар учун ўз вақтида ўзгартиришларни киритиш ва очиқлиги масалалари;

таъмирлашнинг тартиб-қоидалари ва технологиялари;

ҳаво кемасининг експлуатантининг техник хизмат кўрсатиш дастурига увофиқлигини таъминлаш тартиби;

учишга яроқлилик бўйича директиваларни амалга ошириш тартиби;

мажбурий бўлмаган модификацияларни бажариш тартиби;

фойдаланиладиган техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳужжатлар ва уларни юритиш;

ҳисобга олинадиган техник маълумотларни назорат қилиш;

техник хизмат кўрсатишда аниқланган дефектлар билан ишлаш;

техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномасини расмийлаштириш;

эксплуатант учун маълумотни ҳисобга олиш (агар ташкилоти ўзи эксплуатант бўлмаса);

ушбу талабларнинг 10-параграфга биноан дефектлар ва бошқа ҳодисалар ҳақида ҳисобот бериш;

дефектларга эга бўлган ҳаво кемаларининг барча компонентларни омборига қайтиш тартиби;

таъмирлашни ва ҳ.к. амалга ошириш учун ташқи пудратчиларга юборилган дефектли компонентларнинг айланишини назорат қилиш;

техник хизмат кўрсатиш ҳақида ҳисобга олиш маълумотларини юритиш автоматлаштирилган тизимини бошқариш;

субпудратчилар билан ишлаш тартиби;

махсус тартиблари, масалан:

двигательни синаш (текшириш);

ҳаво кемасининг герметиклигини текшириш (босим остида синаб кўрилади);

ҳаво кемаларини шатакка олиш;

ҳаво кемаларини юргизиш;

в) тезкор ва даврий техник хизмат кўрсатиш тартиблари;

ҳаво кемалар компонентлари, асбоблар, ускуналар ва бошқалар айланишини назорат қилиш.;

ҳаво кемаларига ёнилғи қуйиш, тайёрлаш, муз қоплашига қарши ҳимоя қилиш ва бошқалар билан боғлиқ тезкор техник хизмат кўрсатиш;

дифектлар ва такрорий нуқсонлар билан ишлаш;

таркибий қисмларидан ва ижарага олинган таркибий қисмларидан биргаликда фойдаланиш (pooling) тартиблари;

техник хизмат кўрсатиш вақтида аниқланган ҳаво кемаларнинг носоз компонентларини омборга қайтариш тартиби;

г) сифат тизими тартиблари;

ташкилотда ишлатиладиган тартиблар (quality audit) сифатни назорат қилиш;

ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш сифатни назорат қилиш;

камчиликларни бартараф этиш сифатни назорат қилиш;

техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномасига имзоланган ходимларни (рухсат берувчи ходимлари — certifying staff) тайёрлаш ва ишга қўйиш тартиблари;

рухсат берувчи ходимлари бўйича реестрини юритиш;

сифат тизими ходимларни (quality audit personnel) тайёрлаш ва ишга қўйиш тартиблари;

авиамеханикларни тайёрлаш ва ишга қўйиш тартиблари;

қабул қилинган тартиб-қоидаларга риоя қилишдан озод қилиш тартиби (exemption process);

ташкилотда қабул қилинган тартиб-қоидалардан четга чиқишни рухсат бериш тартиби;

бузилмайдиган назорат (NDT) пайвандлаш ва бошқалар каби махсус иш турларига қўйиш тартиблари;

ушбу ташкилотда жойлашган ва берилган тасдиқда назарда тутилган фаолиятга тегишли бўлган ишларда банд бўлган етказиб берувчилар бригадаларининг фаолиятини назорат қилиш;

субпудратчилар билан ишлаш сифатини текшириш (ёки уларни учинчи шахслар томонидан аккредитация қилишни тан олиш, масалан, бузилмайдиган назорат соҳасида ишлайдиган ва “Ўзавиация” агентлигидан ташқари давлат томонидан тартибга солиш органи томонидан тасдиқланган ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланиш);

д) ташкилот томонидан берилган тасдиқлаш ваколати ва шартларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятда фойдаланиладиган стандарт ҳужжатларнинг мисоллари, масалан:

техник ҳужжатларни юритиш шакллари;

дефектларни ҳисобга олиш шакллари ва уларни бартараф етиш ишлари.

## § 13. Ташкилотининг ҳуқуқлари

70. Ташкилот қуйидаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга:

а) тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҳаво кемасига ва/ёки компонентларга сертификатда кўрсатилган жойлашиш манзилида ва фаолият бўйича қўлланмада кўрсатилган техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш;

б) биринчи ташкилотнинг сифат тизими соҳаларида ишлайдиган, тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҳаво кемаси ва/ёки компонентларга бошқа ташкилотда техник хизмат кўрсатиш ишларининг бажарилишини ташкил этиш. Фаолиятнинг бу соҳаси мазкур Қоидаларга биноан бундай техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш бўйича тасдиқлашларга эга бўлмаган ҳамда мазкур Талабларнинг 49-бандига мувофиқ чегараланган фаолият соҳасидаги ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилишига оиддир. Фаолиятининг бу соҳасига ҳаво кемасига даврий техник хизмат кўрсатиш ёки двигатель ёхуд унинг модулини режали назорат кўригидан ўтказиш ёки таъмирлаш ишларининг тўла ҳажмини киритишга йўл қўйилмайди;

в) тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҳаво кемаси ва/ёки компонентларга техник хизмат кўрсатиш зарур бўлган ёки аниқланган тўхтаб қолишлар ва шикастланишларни бартараф этиш ёхуд тезкор техник хизмат кўрсатишни бажариш вақтидаги кутилмаганда юзага келган заруриятни таъминлаш учун бу ишларни ҳар қандай жойларда фаолият бўйича қўлланманинг қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш;

г) фақат мураккаб бўлмаган техник хизмат кўрсатиш турларини бажариш имкони бўлган тезкор техник хизмат кўрсатиш пункти деб белгиланган жойларда тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҳаво кемаси ва/ёки компонентларга техник хизмат кўрсатишни бажариш,

бунда фаолият бўйича қўлланма бундай жойларнинг рўйхатини ўз ичига олган бўлиши ва у жойларда кўрсатилган ишларни бажариш имконини бериши шарт;

д) мазкур Талабларнинг 8-параграфига биноан техник хизмат кўрсатиш тугатилганидан сўнг техник хизмат кўрсатиш тўғрисида гувоҳномани расмийлаштириш.

## §14. Ташкилотининг ишлар тури бўйича чекловлар

71. Ташкилот фақатгина техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун техник хизмат кўрсатиш ҳужжатлари, ишлаб чиқариш бинолари, жиҳозлар, асбоблар ва рухсат берувчи ходимлар мавжуд бўлгандагина тасдиқлаш сертификати берилган ҳаво кемасига ва/ёки компонентларга техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариши мумкин.

## §15. Тасдиқланган ташкилотида ўзгаришлар

72. “Ўзавиация” агентлиги ушбу Низомга 2-илованинг талабларига доимий мувофиқликни ўрната олиши ва зарурат бўлганида тасдиқлаш сертификатига ўзгартиришлар кирита олиши учун, ташкилот барча режалаштирилаётган қуйидаги ўзгартиришлар тўғрисида, улар киритилмасидан олдин хабар бериши зарур (раҳбариятга штатларда бўладиган ўзгартиришлар олдиндан номаълум бўлган ҳоллар бундан истисно бўлиб,
бу ўзгартиришлар тўғрисида имкони борича қисқа муддатда хабарнома юборилади):

а) ташкилотнинг номи;

б) ташкилотнинг жойлашган ери;

в) масъул раҳбар;

г) мазкур Талабларнинг 4-бандига мувофиқ тайинланган ҳар қандай шахс;

д) тасдиқлашга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш бинолари, жиҳозлар, асбоблар, материаллар, иш тартиблари, технологиялари ва рухсат берувчи ходимлар.

Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига қўйиладиган талабларга илова

**Ташкилотларининг фаолият турлари бўйича**

**класслари ва ишларни бажаришга бериладиган**

**рухсатлар тизими**

1. Ушбу низомнинг чегараларида фойдаланиладиган ишларнинг турлари бўйича стандартлаштирилган авиация техникаси класслари ва ишларни бажаришга бериладиган рухсатларнинг тўла рўйхати Ташкилотларининг фаолият турлари бўйича класслари ва ишларни бажаришга бериладиган рухсатлар тизими (бундан буён – Рухсатлар тизими)нинг иловасида келтирилган.

Ташкилот тегишли чекловлар билан тасдиқланган рухсатларни олиши керак (бир классда битта рухсат билан барча классларда ҳамма рухсатларгача бўлган оралиқда бўлиши мумкин).

2. Ташкилот ушбу Рухсатлар тизимининг 11-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда ушбу Рухсатлар тизимига иловага мувофиқ тегишли класслар ва ишларни бажаришга бериладиган рухсатларни ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасининг тасдиқланган фаолият соҳасида кўрсатиши шарт.

3. “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган ишларнинг турлари бўйича класслар ва рухсатлар чегараларида ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасида кўрсатилган фаолият соҳаси тасдиқлашнинг аниқ чегараларини аниқлайди. Шунинг учун ҳам ишларнинг класслар ва бериладиган рухсатлар ҳамда ташкилотининг фаолият соҳаси бир-бири билан уйғунлашган бўлиши лозим.

4. “A” тоифали рухсат класси ташкилот фақат ҳаво кемаси бортидан компонентлар демонтаж қилинмаган ҳолда ҳаво кемаларига ва компонентларига (шу жумладан двигатель ва/ёки куч ўрнатмаларига) техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эгалигини билдиради. Агар бундай демонтаж “Ўзавиация” агентлиги билан келишилган фаолият бўйича қўлланмада назорат тартиблари кўрсатилган бўлса ва техник хизмат кўрсатишнинг бажарилиш имконини таъминлаш мақсадида ҳаво кемасини эксплуатация қилиш ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри рухсат этилган бўлса, техник хизмат кўрсатиш вақтида компонентларни вақтинча демонтаж қилиш ҳоллари бундан мустасно. Чекловлар бўлими техник хизмат кўрсатиш бўйича бундай ишларнинг баёнини ўз ичига олади.

5. “B” тоифали рухсат класси ташкилот демонтаж қилинган двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларга фақат двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмалардан компонентлар демонтаж қилинмаган ҳолда техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эгалигини билдиради. Агар бундай демонтаж техник хизмат кўрсатишнинг бажарилиш имкониини таъминлаш мақсадида двигателларни ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларни эксплуатация қилиш ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри рухсат этилган бўлса, техник хизмат кўрсатиш вақтида компонентларни вақтинча демонтаж қилиш ҳоллари бундан мустасно. Чекловлар бўлими техник хизмат кўрсатиш бўйича бундай ишларнинг баёнини ўз ичига олади ва бу тасдиқлашнинг амал қилиш доирасини белгилайди. “B” тоифали рухсат классига эга бўлган ташкилот шунингдек, назорат бўйича тегишли тартиблар фаолият бўйича қўлланмада кўрсатилган бўлса, тезкор ва даврий техник хизмат кўрсатиш вақтида ҳаво кемасига ўрнатилган двигатель

ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эга. Фаолият бўйича қўлланмадаги ташкилотининг тасдиқланган фаолият соҳаси “Ўзавиация” агентлиги томонидан рухсат берилган фаолият турларини акс эттириши лозим.

6. “C” тоифали рухсат класси ташкилот ҳаво кемаси бортидан демонтаж қилинган ва ҳаво кемасига ўрнатиш учун мўлжалланган компонентларга
ёки двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эгалигини билдиради. Чекловлар бўлими техник хизмат кўрсатиш бўйича бундай ишларнинг баёнини ўз ичига олади
ва бу тасдиқлашнинг амал қилиш доирасини белгилайди. “C” тоифали рухсат классига эга бўлган ташкилот шунингдек, назорат бўйича тегишли тартиблар фаолият бўйича қўлланмада кўрсатилган бўлса, тезкор ва даврий техник хизмат кўрсатиш вақтида ҳаво кемасига ўрнатилган компонентларга
ёки двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш базасида техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эга. Фаолият бўйича қўлланмадаги ташкилотининг тасдиқланган фаолият соҳаси “Ўзавиация” агентлиги томонидан рухсат берилган фаолият турларини акс эттириши лозим.

7. “D” тоифали рухсат класси тавсифларни талаб қилмайди ва аниқ бир ҳаво кемаси, двигатель ёки компонент билан боғлиқ бўлиши шарт эмас.
“D1” тоифали рухсат класси – путур етказилмайдиган назорат
(Non-Destructive Testing - NDT) фақат бошқа ташкилотга хизмат кўрсатишда путур етказмасдан амалга ошириладиган назоратни қўллайдиган ташкилоти учун зарурдир. “A”, “B” ёки “C” тоифали рухсат классларига эга бўлган ташкилот ўзининг фаолият бўйича қўлланмасида путур етказилмайдиган назоратнинг тегишли тартиблари ва технологиялари мавжуд бўлса,
“D1” тоифали рухсат классини олмасдан туриб, путур етказилмайдиган назорат услубларини қўллаган ҳолда авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эга.

8. “A” тоифали рухсат класслари “тезкор техник хизмат кўрсатиш”
ёки “даврий техник хизмат кўрсатиш”ларга бўлинади. Ташкилоти даврий техник хизмат кўрсатиш бўйича, тезкор техник хизмат кўрсатиш бўйича ёки иккала тоифа бўйича ҳам тасдиқланган бўлиши мумкин. Шуни қайд қилиш лозимки, ташкилотнинг жойида жойлашган тезкор техник хизмат кўрсатиш хизмати тезкор техник хизмат кўрсатиш тоифаси бўйича тасдиқланиши талаб қилинади.

9. “Чекловлар” бўлими аниқ бир ташкилотнинг тасдиқланишини шакллантиришда “Ўзавиация” агентлигининг янада кўпроқ ён босиб ҳаракат қилиши учун мўлжалланган. “Ташкилотларига фаолият турлари бўйича бериладиган рухсатларни таснифлаш тизими” жадвали қўйилиши мумкин бўлган чекловларнинг турларини белгилайди, бунда техник хизмат кўрсатиш ишларининг турлари ҳар бир рухсат классида охирги навбатда ёзилади, шунинг учун аниқ бир ташкилоти учун зарур бўлса, ҳаво кемасини ёки двигателни ишлаб чиқарувчи ёки турига эмас, балки айнан техник хизмат кўрсатиш ишларига урғу қўйиш мумкин.

10. Чекловлар бўлимининг “Ташкилотларига фаолият турлари бўйича бериладиган рухсатларни таснифлаш тизими” жадвалида “A” ва “B” тоифали рухсат класслари учун туркум (серия), тури ва гуруҳи бўйича ҳаволалардан иборат. “Туркум” сўзи бир хил турдаги ҳаво кемаларнинг ва/ёки двигателларнинг мажмуини билдиради, масалан, Airbus-300, Airbus-310, Airbus-319 ёки Boeing 737-300 ёхуд RB211-524 ва ҳ.к. “Тур” сўзи
Airbus 310-240 ёки RB 211-524B4 ва ҳоказолардек аниқ бир тур ёки моделни билдиради. Бундай туркумлар ёки турларнинг ҳар қандай сони кўрсатилиши мумкин. “Гуруҳ” эса, масалан, бир двигателли поршенли Cessna самолётлари ёки турбинасига ҳаво оқими пуфланмайдиган Lycoming

поршенли двигателлар ва ҳоказоларни билдиради.

11. Тез-тез ўзгартиришлар киритиладиган ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайтирилган рўйхатида бундай ўзгартиришлар “Ўзавиация” агентлиги билан келишилган ва фаолият бўйича қўлланмада акс эттирилган тартибларга мувофиқ киритилиши зарур. Ушбу тартиблар ишлаб чиқариш имкониятлари рўйхати (capability list)ни олиб бориш, ўзгартиришларни киритишни назорат қилиш ва булар учун зарур бўлган ҳаракатлар бўйича жавобгар шахсни аниқлаши лозим. Бу ҳаракатлар рўйхатга киритиладиган маҳсулотлар ва ишлар турига қўлланилувчи мазкур Қоидаларнинг мувофиқлигининг таъминланишини ўз ичига олади.

12. Барча техник хизмат кўрсатиш ишларини режалаштириш
ва бажариш учун фақат битта ходимни ёллайдиган ташкилот ишлар тури бўйича чегараланган рухсатлар сонига эга бўлиши мумкин. Рухсат берилувчи чегаралар қуйидагилардан иборат:

| | | |
|---|---|---|
| Класси:<br>Ҳаво кемаси | А2 рухсати - самолётлар | Учиб чиқиш вазни 5700 кг дан кўп бўлмаган поршенли самолётлар тезкор техник хизмат кўрсатиш ва даврий техник хизмат кўрсатиш |
| Класси:<br>Ҳаво кемаси | А2 рухсати - самолётлар | Газ турбинали двигателлар ўрнатилган, учиб чиқиш вазни 5700 кг дан кўп бўлмаган самолётлар<br>тезкор техник хизмат кўрсатиш |
| Класси:<br>Ҳаво кемаси | А3 рухсати - вертолётлар | Учиб чиқиш вазни 3175 кг дан кўп бўлмаган, бир двигателли вертолётлар<br>тезкор техник хизмат кўрсатиш ва даврий техник хизмат кўрсатиш |
| Класси:<br>Ҳаво кемаси | А4 рухсати - А1, А2 ВА А3 тоифаларига тааллуқли бўлмаган ҳаво кемалар | Чекланмаган |
| Класси:<br>Ҳаво кемаси | В2 рухсати – поршенли двигателлар | Қуввати 450 л.с. дан паст |
| Класси:<br>компонентлар, йиғилган ҳолдаги асосий авиация двигатели ва ёрдамчи куч қурилма бундан мустасно | С1 …С20 рухсатлари | Ишлаб чиқариш имкониятларининг рўйхати бўйича |
| Класси:<br>Махсус ишлар | D1 рухсати – путур етказилмасдан амалга ошириладиган назорат | Путур етказилмасдан амалга ошириладиган назоратнинг услублари кўрсатилади |

Берилган ташкилотининг ишлаб чиқариш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бундай ташкилотга “Ўзавиация” агентлигининг тасдиқланган фаолият соҳаси жиҳатидан қўшимча чекловлари қўйилиши мумкин.

Ташкилотларининг
фаолият турлари
бўйича класслари
ва ишларни
бажаришга
бериладиган
рухсатлар
тизимига
4-илова

**Ташкилотларига фаолият турлари бўйича**

**бериладиган рухсатларни таснифлаш тизими**

| КЛАССИ | БЕРИЛГАН РУХСАТ | | ЧЕКЛОВЛАР | ДАВРИЙ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ | ТЕЗКОР ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ |
|---|---|---|---|---|---|
| | Тоифа | Авиация техникасининг тури ёки ишларнинг кўриниши | | | |
| ҲАВО КЕМАЛАРИ | А1 | Учиб чиқиш вазни 5700 кг дан юқори бўлган самолётлар | Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади | | |
| | А2 | Учиб чиқиш вазни 5700 кг ва ундан паст бўлган самолётлар | Ҳаво кемасини ишлаб чиқувчилар, туркуми, тури ёки гуруҳи ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади | | |
| | А3 | Вертолётлар | Ҳаво кемасини ишлаб чиқувчилар, туркуми, тури ёки гуруҳи ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади | | |
| | А3 | А1, А2 ва А3 тоифаларига тааллуқли бўлмаган ҳаво кемалари | Ҳаво кемасининг туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади | | |
| АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛЛАРИ | В1 | Газатурбинали двигателлар | Газотурбинали двигателларнинг туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади | | |
| | В2 | Поршенли двигателлар | Поршенли двигателларни ишлаб чиқувчилар, туркуми, тури ёки гуруҳи ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади | | |
| | В2 | Ёрдамчи куч қурилмалари | Ёрдамчи куч ўрнатмаларни ишлаб чиқувчилар, туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади | | |

| КЛАССИ | БЕРИЛГАН РУХСАТ | | ЧЕКЛОВЛАР | АТА / ГОСТ 18675 бўйича код |
|---|---|---|---|---|
| | Тоифа | Авиация техникасининг тури ёки ишларнинг кўриниши | | |
| ДЕМОНТАЖ ҚИЛИНГАН КОМПОНЕНТЛАР, ЙИҒИЛГАН ҲОЛДАГИ АСОСИЙ АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛИ ВА ЁРДАМЧИ КУЧ ҚУРИЛМАЛАРИ БУНДАН МУСТАСНО | C1 | Кабинасини кондиционерлаш ва босимини тартибга солиш тизимлари | Ҳаво кемаси ва/ёки компонентлар ёхуд аниқ компонентлар ва/ёки ташкилотнинг фаолият бўйича қўлланмасида ишлаб чиқариш имкониятлари рўйхати ва қайтарма ҳаволалар ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади | 021 |
| | C2 | Автопилот | Худди шундай | 022 |
| | C3 | Алоқа ва навигация жиҳозлари | Худди шундай | 023, 034 |
| КЛАССИ | БЕРИЛГАН РУХСАТ | | ЧЕКЛОВЛАР | АТА / ГОСТ 18675 бўйича код |
| | Тоифа | Авиация техникасининг тури ёки ишларнинг кўриниши | | |
| | C4 | Эшиклар ва люклар | Худди шундай | 052 |
| | C5 | Электр токи билан таъминлаш тизимлари | Худди шундай | 024 |
| | C6 | Маиший ва махсус жиҳозлари | Худди шундай | 025, 038, 045 |
| | C7 | Двигатель ва Ёрдамчи куч қурилмалар тизимлари | Худди шундай | 049, 071 дан 083 гача |
| | C8 | Ҳаво кемасини бошқариш тизимлари | Худди шундай | 027, 055, 057.40 дан 057.70 гача |
| | C9 | Ёнилғи - планер тизими | Худди шундай | 028 |
| | C10 | Вертолётнинг асосий винтлари | Худди шундай | 062, 064, 066, 067 |
| | C11 | Вертолётнинг трансмиссияси | Худди шундай | 063, 065 |
| | C12 | Гидротизимлар | Худди шундай | 029 |
| | C13 | Асбоб-жиҳозлар | Худди шундай | 031 |
| | C14 | Шасси | Худди шундай | 032 |
| | C15 | Кислород жиҳозлари | Худди шундай | 035 |
| | C16 | Ҳаво винтлари | Худди шундай | 061 |
| | C17 | Пневмотизимлар | Худди шундай | 036, 037 |
| | C18 | Музлашга қарши ва ёнғинга қарши тизимлар | Худди шундай | 026, 030 |
| | C19 | Деразалар | Худди шундай | 056 |
| | C20 | Планернинг конструксияси | Худди шундай | 053, 054, 057.10, 057.20, 57.30 |
| МАХСУС ИШЛАР ТУРИ | D1 | Путур етказилмасдан амалга оширилувчи назорат | Аниқ ишлар ёки иш ва хизматлар тури кўрсатилади | |

Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш

ташкилотига сертификатни бериш тартиби

тўғрисидаги низомга

5-илова

| | |
|---|---|
| **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**<br>**TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI**<br>**FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI**<br><br>**“O‘ZAVIATSIYA” AGENTLIGI** | **CIVIL AVIATION AGENCY**<br>**UNDER THE MINISTRY OF**<br>**TRANSPORT**<br>**OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**<br>**CAA OF UZBEKISTAN** |

**ҲАВО КЕМАЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТИНИНГ**

**СЕРТИФИКАТИ**

**№ ЎзР АҚ -145ТХК.XX**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиацияси соҳасидаги қонунчилигига ва қуйида келтирилган шартларига мувофиқ

__________________________________________________________________

*(юридик шахснинг номи)*

__________________________________________________________________

*(юридик шахснинг жойлашган жойи)*

Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низомга биноан авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти сифатида тасдиқланади ва илова қилинаётган тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатида кўрсатилган авиация техникаси маҳсулотларига техник кўрсатиш ҳамда юқорида кўрсатилган тасдиқлаш сертификати рақамини кўрсатилган ҳолда техник хизмат кўрсатилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш ҳуқуқига эга.

ШАРТЛАР:

1. Ушбу тасдиқлаш ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низомга биноан тасдиқланган авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолият бўйича қулланмасига мувофиқ тасдиқланган фаолият соҳаларида чегараланган.
2. Ушбу тасдиқлаш ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низомга биноан тасдиқланган авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолият бўйича қўлланмасига мувофиқ тасдиқланган тартиблар ва технологияларга риоя қилинган ҳоллардагина ҳақиқийдир.
3. Ушбу тасдиқлаш тасдиқланган авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низомнинг барча талабларига риоя қилинган ҳоллардагина ҳақиқийдир.
4. Юқорида кўрсатилган шартларга риоя қилинган ҳолларда ушбу тасдиқлаш сертификати тўхтатиб қўйилгунича ёки бекор қилингунича ўз кучини сақлаб қолади.

| | | |
|---|---|---|
| Берилган сана: | йил/сана/ой | ________________________________<br>**Ўзбекистон Республикаси транспорт Вазирлиги хузуридаги**<br>**Фуқаро авиацияси агентлиги** *(маъсул шахснинг лавозими)* |
| Амал қилиш муддати: | йил/сана/ой дан йил/сана/ой гача | М.Ў. ____________________<br>*(имзо, фамилия/исми/шарифи)* |
| Дастлабки берилган санаси: | йил/сана/ой | |

Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш
ташкилотига сертификатни бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-илова

**ТАСДИҚЛАНГАН ФАОЛИЯТ СОҲАЛАРИ**
**РЎЙХАТИ**

**Ташкилотнинг номи:**
**ҲАВО КЕМАЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТИ**
**[юридик шахснинг номи]**

Сертификат рақами: ЎзР АҚ -145ТХК.XX

| КЛАССИ | БЕРИЛГАН РУХСАТ | | ЧЕКЛОВЛАР | ДАВРИЙ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ | ТЕЗКОР ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ |
|---|---|---|---|---|---|
| | Тоифа | Авиация техникасининг тури ёки ишларнинг кўриниши | | | |
| ҲАВО КЕМАЛАР | A1 | Учиб чиқиш вазни 5700 кг дан юқори бўлган самолётлар | | | |
| | A2 | Учиб чиқиш вазни 5700 кг ва ундан паст бўлган самолётлар | | | |
| | A3 | Вертолётлар | | | |
| | A4 | A1, A2 ва A3 тоифаларига тааллуқли бўлмаган ҳаво кемалари | | | |
| АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛЛАРИ | B1 | Газатурбинали двигателлар | | | |
| | B2 | Поршенли двигателлар | | | |
| | B3 | Ёрдамчи куч қурилмалари | | | |
| КЛАССИ | БЕРИЛГАН РУХСАТ | | ЧЕКЛОВЛАР | АТА / ГОСТ 18675 бўйича код | |
| | Тоифа | Авиация техникасининг тури ёки ишларнинг кўриниши | | | |
| ДЕМОНТАЖ ҚИЛИНГАН КОМПОНЕНТЛАР, ЙИҒИЛГАН ҲОЛДАГИ АСОСИЙ АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛИ ВА ЁРДАМЧИ КУЧ ҚУРИЛМАЛАРИ БУНДАН МУСТАСНО | C1 | Кабинасини кондиционерлаш ва босимини тартибга солиш тизимлари | | | |
| | C2 | Автопилот | | | |
| | C3 | Алоқа ва навигация жиҳозлари | | | |
| | C4 | Эшиклар ва люклар | | | |
| | C5 | Электр токи билан таъминлаш тизимлари | | | |
| | C6 | Маиший ва махсус жиҳозлари | | | |
| | C7 | Двигатель ва Ёрдамчи куч қурилмалар тизимлари | | | |
| | C8 | Ҳаво кемасини бошқариш тизимлари | | | |
| | C9 | Ёнилғи - планер тизими | | | |
| | C10 | Вертолётнинг асосий винтлари | | | |
| | C11 | Вертолётнинг трансмиссияси | | | |
| | C12 | Гидротизимлар | | | |
| | C13 | Асбоб-жиҳозлар | | | |
| | C14 | Шасси | | | |
| | C15 | Кислород жиҳозлари | | | |
| | C16 | Ҳаво винтлари | | | |
| | C17 | Пневмотизимлар | | | |
| КЛАССИ | БЕРИЛГАН РУХСАТ | | ЧЕКЛОВЛАР | АТА / ГОСТ 18675 бўйича код | |
| | Тоифа | Авиация техникасининг тури ёки ишларнинг кўриниши | | | |
| | C18 | Музлашга қарши ва ёнғинга қарши тизимлар | | | |
| | C19 | Деразалар | | | |
| | C20 | Планернинг конструксияси | | | |
| МАХСУС ИШЛАР ТУРИ | D1 | Путур етказилмасдан амалга оширилувчи назорат | | | |

<table>
<tr><td colspan="2">Ушбу тасдиқланган фаолият соҳалари ишларни бажариш жойида (жойнинг номи) амал қилади ва ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига сертификат бериш қоидаларига биноан тасдиқланган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолият бўйича қўлланмасининг тегишли бўлимида кўрсатилган маҳсулотлар ва ишларнинг турлари билан чегараланган.<br><br>Изоҳ: Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолият бўйича Қўлланмаси:<br>Тасдиқлаш санаси: ________________ Охирги ўзгартириш рақами: ________________</td></tr>
<tr><td>Берилган сана: йил/сана/ой<br><br>Амал қилиш муддати: йил/сана/ой<br><br>___ – сонли ўзгартиришлар рўйхати</td><td>______________________________<br>Ўзбекистон Республикаси транспорт Вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (маъсул шахснинг лавозими)<br><br>М.Ў. ______________________________<br>(имзо, фамилия/исми/шарифи)</td></tr>
</table>

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “____”____________даги
____ -сон қарорига
7-сон илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг**
**ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2013 йил 31 декабрдаги 354-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 16-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сон қонуни)” 2015 йил 16 апрелдаги 93-сон қарори илованинг 4 банди (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 15-сон, 181-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларининг фуқаро авиацияси соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиши тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 1 мартдаги 58-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 92-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сон қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада

қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон фармони)” 2018 йил 29 октябрдаги 884-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2018 й., 09/18/884/2128-сон).

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаро ҳаво кемаларини рўйхатга олиш тўғрисида рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги конвенцияга (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) ва Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги конвенциянинг авиация ускуналари бўйича протоколига (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) қўшилиши тўғрисида» 2017 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-453-сон қонуни)” 2019 йил 06 мартдаги 194-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.03.2019 й., 09/19/194/2711-сон).

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4230-сон қарори)” 2020 йил 8 майдаги 271-сон қарорининг 27 ва 39 бандлари (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.05.2020 й., 09/20/271/0565-сон).

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарори 1-илованинг 15 ва 19 бандлари (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2021 й., 09/21/774/1198-сон).

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори 3-илованинг 12 банди (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.02.2022 й., 09/22/88/0165-сон).